A single case-control study that reported an association of PTPN22 C1858T with idiopathic inflammatory myopathy in white individuals suggested that after stratification analysis the association was restricted to polymyositis and juvenile dermatomyositis, and not to dermatomyositis or myositis overlapping with another connective tissue disease [14]. In addition, PTPN22 1858T was not associated with dermatomyositis in a GWAS of patients with adult or juvenile dermatomyositis. In the case of GD and MG, it is widely recognized that the disease-associated autoantibodies are pathogenic. A direct role for autoantibodies is less clear for Hashimoto's thyroiditis, vitiligo, and rheumatoid arthritis, although recent studies suggest that the anti-citrulline antibodies may contribute directly to joint inflammation [2]. Interestingly, many of these PTPN22-associated diseases also appear to cluster together in families, suggesting that the PTPN22 association reflects the involvement of common pathways in these disorders [9]. The C1858T polymorphism could contribute to the development of GD and HT in children, with a strong indication that females are pre-disposed to developing the disease and the T allele is the main risk factor [4]. Re-analysis of previous results by Bayesian approaches reported that among three studies from subjects with MG reporting five allelic comparisons, four (80%) of the five comparisons had noteworthy findings by FPRP or BFDP. Out of three studies with five comparisons included from patients with vitiligo, four (80%) of the five comparisons had noteworthy findings by FPRP or BFDP. For Addison's disease, out of the three comparisons, two were noteworthy in terms of BFDP. For patients with endometriosis, one study with three co-dominant comparisons did not verify noteworthiness, except for one finding which was noteworthy by using BFDP. There were no noteworthy findings by FPRP or BFDP in one comparison of alopecia areata [6]. Re-analysis from patients with CD including five studies revealed that two (40%) of the five comparisons had noteworthy findings by FPRP or BFDP [20].

At the functional level, several studies tried to explain how PTPN22 contributes to CD. PTPN22 regulates intracellular signaling events and is induced by IFN- γ in human monocytes. Knock-down of PTPN22 alters the activation of inflammatory signal transducers, increasing the secretion of Th17-related inflammatory mediators [13]. This might explain on a functional level how the reduced PTPN22 expression found in CD patients contributes to CD pathology. It was shown that TNF α levels are elevated in CD patients, decreasing PTPN22 expression significantly; thus, TNF α is likely to play an even more important role in CD pathogenesis than IFN- γ . In concordance with these findings, the C1858T polymorphism, which causes a gain of function, is protective in CD and attenuates the expression of proinflammatory cytokines [7]. PTPN22 also is involved in the regulation of Src kinase and negatively controls the p38-MAPK/IL-6 pathway. p38-MAPK activation and IL-6 secretion by antigen-presenting cells (APC) play a crucial role in the differentiation of CD4+ naive T cells into Th17 cells that are more and more regarded as the driving force of CD.

The list of references is available at the editorial office

GENETIC POLYMORPHISM OF GENE PTPN22 IN AUTOIMMUNE DISEASES

Rakhimova M.B., Akhmedov Kh.S.

In this review, we summarize the mechanism of how PTPN22 and its genetic variants are involved in the pathophysiology of autoimmune diseases. In addition, we sum up the findings of studies reporting the genetic associa-

tion of PTPN22 with different types of diseases, including type 1 diabetes mellitus, systemic lupus erythematosus, juvenile idiopathic arthritis, and several other diseases. By understanding these findings comprehensively, we can explain the complex etiology of autoimmunity and help to determine the criteria of disease diagnosis and prognosis, as well as medication developments.

Key words: PTPN22, single nucleotide polymorphisms, autoimmune diseases, genetic association.



ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПОЧЕЧНОЙ ДИСФУНКЦИИ И ФАКТОРОВ РИСКА У БОЛЬНЫХ СО СТАБИЛЬНОЙ СТЕНОКАРДИЕЙ НАПРЯЖЕНИЯ

Рахимова М.Э., Абдухабирова О.С., Салихова М.Ф.

STABIL ZO'RIQISH STENOKARDIYA BILAN KASALLANGAN BEMORLARDA BUYRAK DISFUNKSIYASINI VA XAVF OMILLARINI PROGNOSTIK AHAMIYATI

Raximova M.E., Abduxabirova O.S., Salixova M.F.

PROGNOSTIC VALUE OF RENAL DYSFUNCTION AND RISK FACTORS IN PATIENTS WITH STABLE ANGINA PECTORIS

Rakhimova M.E., Abdukhayirova O.S., Salikhova M.F.

Ташкентская медицинская академия

Yurak ishemik kasalligini bilan og'rigan bemorlarda buyrak disfunktsiyasining mavjudligi tanlangan davolash strategiyasidan qat'iy nazar, kasallikning og'irroq kechishi va yomon oqibati bilan tavsiflanadi. Amaliy tibbiyotda yurak ishemik kasalligini tashxislash va davolash yetarlicha yaxshi ishlab chiqilgan bo'lsada, komorbid kasalliklari mavjud bemorlarni davolashda aksariyat hollarda qiyinchiliklar yuzaga keladi. Ushbu guruh bemorlarda surunkali buyrak kasalligi mavjudligi alohida ahamiyatga ega bo'lib, ular orasida surunkali buyrak yetishmovchiligidan ko'ra o'tkir miokard ishemiyasidan o'lish ehtimoli yuqori. Shu munosabat bilan yurak ishemik kasalligini bilan og'rigan bemorlarda buyrak disfunktsiyasi erta tashxislash va davolash xususiyatlarini bilish zamonaviy tibbiyotning dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi.

Kalit so'zlar: yurak ishemik kasalligi, komorbid holat, xavf omillari, buyrak disfunktsiyasi, sistatin C.

Coronary heart disease with renal dysfunction is characterized by a more severe course and a worse prognosis, regardless of the chosen treatment strategy for this disease. If the diagnosis and treatment of coronary heart disease are well developed, then difficulties often arise in the management of patients with combined diseases. Chronic kidney disease occupies a special place among comorbid conditions, since patients with impaired renal function are significantly more likely to die from acute myocardial ischemia than from terminal renal failure. The urgency of this problem is increasing every year due to the increasing number of patients with renal insufficiency, especially the elderly. In this regard, it is important to know the features of early diagnosis and treatment of coronary heart disease in patients with renal dysfunction.

Key words: coronary heart disease, comorbid conditions, risk factors, kidney dysfunction, cystatin C.

За последние годы во многих регионах мира достигнуты успехи в борьбе с сердечно-сосудистыми заболеваниями (ССЗ), и в частности, с ишемической болезнью сердца (ИБС), вносящей наибольший вклад в структуру сердечно-сосудистой смертности. Однако эту проблему нельзя считать полностью решенной [1,6,14]. По данным Всемирной организации здравоохранения, ИБС остается ведущей причиной заболеваемости и смертности как в экономически развитых, так и в развивающихся странах, обуславливая 1/3 всех смертей у лиц старше 35 лет [1]. В 2016 г. в Европе ИБС в структуре общей смертности у лиц моложе 65 лет составила 14% (у мужчин 16%, у женщин 10%) [15]. По оценкам, в 2019 г. от ССЗ скончались 17,9 млн человек, что составляет 32% от всех случаев смерти в мире, и 85% этих смертей были вызваны инфарктом миокарда и инсультом [12].

Совершенствование лечения этих больных привело к увеличению продолжительности жизни и повышению частоты коморбидности. Особое место среди сопутствующих заболеваний занимает весьма распространенная хроническая болезнь почек (ХБП), которую относят к самостоятельным факторам риска (ФР) прогрессирования ССЗ [1,6].

Функции сердца и почек тесно взаимосвязаны. Их взаимодействие можно определить как комплекс биологических отношений между отдаленными ор-

ганами, которые опосредуются через клеточные, молекулярные, нервные, эндокринные и паракринные факторы. В физиологических условиях эта связь помогает поддерживать гомеостаз и оптимальное функционирование человеческого тела. Ухудшение функции одного из этих органов вызывает порочный круг событий, ведущих к мультиорганной недостаточности. Хотя хорошо известно о нарушении функции почек у пациентов с заболеваниями сердца, остается неясным, является ли почечная дисфункция пассивным ответом на несостоятельность сердечной деятельности [3,4,7,10].

Особое внимание эпидемиологов сконцентрировано на раннем выявлении и коррекции ФР, определяющих дестабилизацию течения заболеваний, которые ассоциированы с атеросклерозом, в том числе ИБС. В результате многочисленных исследований доказана роль нарушения функции почек как независимого предиктора сердечно-сосудистой заболеваемости и смертности. Частота встречаемости сочетанного поражения почек и сердца очень велика. У больных с ИБС нарушение функции почек встречается значительно чаще, чем в общей популяции, ее частота составляет 30-40% [3,5,9]. Дисфункция почек (ДП) определяет высокую кардиальную заболеваемость и смертность даже при начальной стадии снижения функции почек. Показано,

что умеренно выраженное снижение функции почек увеличивает риск развития артериальной гипертензии, ИБС, сердечной недостаточности и смерти от ССЗ. Кардиальная патология на 64% выше у больных с нарушенной почечной функцией, чем у здоровых [11]. По данным исследования ARIC, у больных со II стадией ХБП новые кардиальные осложнения составляют 4,8%, а при III-IV стадиях ХБП их частота возрастает почти вдвое [2].

Исследования свидетельствуют о высокой частоте почечной дисфункции у пациентов с ИБС. Например, по данным исследования EUROPA, при стабильной ИБС в 52% случаев расчетная скорость клубочковой фильтрации (рСКФ) была ниже 75 мл/мин/1,73 м² [6,12]. Снижение СКФ наблюдается у 30-40% пациентов с острым коронарным синдромом, у 30%-60% – с хронической сердечной недостаточностью (ХСН), достигая 70% у пациентов с острой сердечной недостаточностью (ОСН) [5,16,17].

Снижение функции почек может повлиять на клинику коронарного заболевания. При ХБП часто встречается бессимптомная ишемия миокарда, которая ассоциируется с повышением частоты сердечно-сосудистых осложнений и смертности. Например, после коронарного вмешательства бессимптомная ишемия миокарда определялась у 21% пациента с нормальной функцией почек и у половины пациентов со сниженной СКФ. Анализ данных более чем 1,4 млн человек в нескольких мета-исследованиях показал, что риск сердечно-сосудистой смертности линейно увеличивается с замедлением рСКФ ниже 75 мл/мин/1,73 м². Сердечно-сосудистая смертность была выше почти в два раза у лиц с III стадией ХБП (СКФ 30-59 мл/мин/1,73 м²) и в три раза выше на стадии IV (15-29 мл/мин/1,73 м²), чем у лиц с нормальной функцией почек. У пациентов с нарушенной функцией почек и значимой протеинурией липидный профиль становится атерогенным, отчасти по причине нарушения функции холестерина липопротеинов высокой плотности (ХС ЛПВП) и чрезмерного окисления холестерина липопротеинов низкой плотности (ХС ЛПНП) [11]. При умеренной альбуминурии в верхнем пределе (30-299 мг/г) риск сердечно-сосудистой смертности повышается более чем в два раза по сравнению с таковой у лиц без альбуминурии [2,4,9].

Проблема ДП и ее влияние на исходы у различных групп кардиологических пациентов продолжают широко обсуждаться. Увеличение числа больных с ИБС с ДП может быть объяснено как увеличением доли пациентов старшего возраста (учитывая известную ассоциацию снижения функции почек с возрастом), так и влиянием все более часто встречающейся фоновой и сопутствующей патологии (сахарный диабет 2-го типа, артериальная гипертензия – АГ), ХСН) [1,7]. При ИБС и сердечной недостаточности в развитии ДП и патологии сердца могут быть одни и те же или общие ФР, отражающие распространенность поражения сосудов и эндотелиальной дисфункции и/или токсический эффект уремии.

Помимо традиционных факторов риска ИБС (сахарный диабет, АГ), нарушение функции почек ас-

социируется с большей выраженностью воспаления, симпатической активности, эндотелиальной дисфункции, атеросклероза, ранимости бляшки, кальцификации сосудов и с анемией. Повышенная активность симпатоадреналовой системы часто определяется при ДП и ассоциируется с увеличением риска ССЗ и прогрессированием болезни почек. В случаях сниженной функции почек нередко определяется микроваскулярная дисфункция, приводящая к ишемии миокарда. У пациентов с ДП атеросклеротическая бляшка была больше насыщена липидами и меньше соединительной тканью, соответственно увеличена ранимость бляшки [2,10,11].

По данным американского регистра USRDS, у пожилых пациентов старше 65 лет с дисфункцией почек чаще выявляли атеросклеротическую болезнь сердца (42,5 против 16,5%) и инфаркта миокарда (10 против 2%) по сравнению с лицами, имеющими нормальную функцию почек [16].

По результатам коронарной ангиографии трехсосудистое поражение коронарных артерий (>50%) определялось у 53% пациентов с умеренной и выраженной дисфункцией почек, и у 28% – с нетяжелой дисфункцией почек [3, 16].

Известно, что летальность вследствие острой ДП в общей популяции составляет 41%; среди больных с инфарктом миокарда (ИМ) с подъемом сегмента ST – 55%, среди пациентов с ИМ без подъема ST – 22%. По данным F. Masoudi в США среди пациентов, получавших стационарное лечение, нормальная функция почек определялась лишь у 16%, легкое снижение функции почек (СКФ 60-89 мл/мин/1,73 м²) отмечалось у 43%, умеренное (СКФ 30-59 мл/мин/1,73 м²) – у 32% и выраженное (СКФ <30 мл/мин/1,73 м²) – у 9%. Смертность в стационарах у больных с сопутствующей ХБП составляет 21% по сравнению с 6-8% в общей популяции пациентов с ИМ [12,15].

Исследование В.Н. Каретникова и соавт. показало, что среди пациентов с ИМ с подъемом сегмента ST распространенность ДП составляет 37%, она выявляется чаще у пациентов старшего возраста, женщин, а также у пациентов с отягощенным сердечно-сосудистым анамнезом и более тяжелыми проявлениями острой сердечной недостаточности по Killip. Кроме того, пациенты с ДП реже подвергаются чрескожным вмешательствам, что является дополнительным фактором, ухудшающим их прогноз [5].

Нередко ХБП ассоциируется с кальцификацией атеросклеротических бляшек и медиальной оболочки коронарных артерий. Этот феномен связывают с гиперпаратиреозом, который прогрессивно развивается по мере ухудшения функции почек и почти всегда выявляется при терминальной стадии почечной недостаточности. Накопление кальция в гладкой мускулатуре сосудов и кардиомиоцитах способствует изменению артериального давления, сократимости миокарда, сердечного метаболизма и вазодилатационного резерва, способствуя ишемии миокарда. Не случайно при нарушении фосфорно-кальциевого обмена значительно повышается общая и сердечно-сосудистая смертность [8,13].

У пациентов с ХБП уровень мочевой кислоты (МК) достоверно выше, чем у здоровых. Гиперурикемия часто встречается при ХБП и ассоциирована с гипертрофией ЛЖ, ухудшением функции почек и увеличением сердечно-сосудистой заболеваемости и смертности [8]. При повышении уровня МК крови происходит подавление продукции оксида азота, усиливаются процессы пролиферации и миграции эндотелиальных клеток сосудов. Эти эффекты могут быть частично связаны с активацией ренин-ангиотензин-альдостероновой системы, что обуславливает развитие гипертрофии ЛЖ и миокардиального фиброза, путем прямого воздействия ангиотензина II и альдостерона на кардиомиоциты [13].

Заключение

ИБС продолжает оставаться ведущей причиной заболеваемости и смертности как в экономически развитых, так и в развивающихся странах. Особое место среди сопутствующих заболеваний занимает весьма распространенная хроническая болезнь почек, которую относят к самостоятельным факторам риска прогрессирования ССЗ. Анализ исследований показал увеличение частоты и тяжести ИБС, возрастание сложностей в диагностике коронарного заболевания, снижение эффективности лечения у пациентов с нарушением функции почек. Таким образом, концепция кардиоренальных взаимосвязей создает основу для дальнейшего изучения взаимного вли-

яния, ранней диагностики, профилактики и торможения прогрессирования почечной и кардиальной дисфункций, что позволит снизить риск развития и смертность от ССЗ и ХБП.

Со списком литературы можно ознакомиться в редакции

ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПОЧЕЧНОЙ ДИСФУНКЦИИ И ФАКТОРОВ РИСКА У БОЛЬНЫХ СО СТАБИЛЬНОЙ СТЕНОКАРДИЕЙ НАПРЯЖЕНИЯ

Рахимова М.Э., Абдухабирова О.С., Салихова М.Ф.

В практической медицине диагностика и лечение ишемической болезни сердца достаточно хорошо разработаны, но при ведении пациентов с коморбидными болезнями часто возникают трудности. Особое место среди сопутствующих заболеваний занимает хроническая болезнь почек, поскольку пациенты с нарушением функции почек значительно чаще умирают от острой ишемии миокарда, чем от терминальной почечной недостаточности. В связи с этим важное значение имеет изучение особенностей ранней диагностики и лечения пациентов с ИБС и дисфункцией почек.

Ключевые слова: ишемическая болезнь сердца, коморбидные состояния, факторы риска, дисфункция почек, цистатин С.



ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИДА БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА КЛОТО ОҚСИЛИ ВА ВИТАМИН ДНИНГ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Рахимова М.Э., Гадаев А.Г., Сайидов К.Ш., Эшонқулов С.С.

ОЦЕНКА ВАЖНОСТИ БЕЛКА КЛОТО И ВИТАМИНА D В РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ ПОЧЕЧНОЙ ДИСФУНКЦИИ ПРИ ГИПЕРТЕНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ

Рахимова М.Е., Гадаев А.Г., Сайидов К.Ш., Эшонқулов С.С.

EVALUATION OF THE IMPORTANCE OF KLOTRO PROTEIN AND VITAMIN D IN EARLY DIAGNOSTICS OF RENAL DYSFUNCTION IN HYPERTENSION DISEASE

Gadaev A.G., Rakhimova M.E., Sayidov K.Sh., Eshonqulov S.S.

Тошкент тиббиёт академияси, Миллий тиббиёт маркази

В развитых странах, в том числе и в Узбекистане, число больных с гипертонической болезнью с каждым годом увеличивается. Известно, что почки являются одновременно основной причиной повышения артериального давления и органом-мишенью при артериальной гипертензии. Ранняя диагностика нарушений функции почек и профилактика развития хронической болезни почек являются одной из актуальных проблем медицины. В статье проанализировано значение белка Клото и витамина D в развитии дисфункции почек при гипертонической болезни.

Ключевые слова: артериальная гипертензия, почечная дисфункция, хроническая болезнь почек, протеин Клото, витамин D.

In developed countries, including Uzbekistan, the number of patients with hypertension is increasing every year. It is known that the kidneys are both the main cause of increased blood pressure and the target organ for arterial hypertension. Early diagnosis of renal dysfunction and prevention of the development of chronic kidney disease are one of the pressing problems of medicine. This article analyzes the importance of Klotho protein and vitamin D in the development of kidney dysfunction and chronic kidney disease in arterial hypertension.

Key words: hypertension, kidney dysfunction, chronic kidney disease, Cloto protein, vitamin D.

Замонавий тиббиётда эришилган ютуқларга қарамай гипертония касаллиги (ГК) ҳозирги кунда ҳам юрак- қон томир тизими касалликлари (ЮҚТ-ТК) орасида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) ва Европа кардиологлари ҳамжамиятининг (ЕКЖ) маълумотларига кўра ГК билан касалланганлар 40-50 ёшдаги аҳолининг 27% ни ташкил этади. Ушбу ташкилот экспертлари хулосаларида 2025-йилга келиб бу кўрсаткич 29% га ошиши ва улар сони бир млрд 56 миллионга етиши башорат қилинмоқда [11,14].

Айрим маълумотларида иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг катта ёшдаги аҳолиси орасида бу рақамлар 40% етади. Айни вақтда 65 ёшдан катталар орасида ушбу кўрсаткич 50-65 % ни ташкил этади [10,17].

Ўзбекистонда қон босим (ҚБ) ошиши барча аҳолининг 13-15 % да, 40-59 ёшдагилар орасида 30,4% дан кўпроқ ҳолларда, 60 ёшдан катталарда эса бу кўрсаткич 60% дан юқорилиги аниқланган [1,2,6].

Аҳоли орасида ушбу хасталик билан касалланганлар сонининг юқорилиги, ногиронлик ва ўлимга олиб келувчи асоратларнинг кўп учраши ГКни муҳим тиббий- ижтимоий муаммо эканлигидан далolat беради [2,3].

XX асрнинг 80-90 йилларида Европа мамлакатларида ГКни олдини олиш тадбирлари такомиллаштирилиб миллий дастурлар асосида кенг йўлга қўйилганлиги сабабли уни бир мунча камайишига эришилди. Масалан Белгияда аёллар орасида 30,5% дан 20% га, эркакларда 41% дан 26,7% гача камайган ва бошқа ғарбий Европа

мамлакатларида ҳам шунга яқин натижа кузатилган. Улардан фарқли ўлароқ Осиё минтақаси давлатларида ГКга чалинганлар сони кўпайиши аниқланмоқда. Хитой Халқ Республикасида ГК аёллар орасида мос равишда 19,1% дан 25,8%, эркакларда 20,2% дан 28,6% гача, Сингапурда эса умумий беморлар сонини 22,5% дан 26,6% га ошиши қайд этилган [6-8,14].

Республикамизда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра ГК тарқалиши 40-59 ёшдаги эркаклар орасида 26,6%, туғиш ёшидаги аёллар орасида 36,7% ни ташкил қилган. Аҳолининг ёшига боғлиқ ҳолда ўтказилган тадқиқотлар ёши улуғ ва кексалар орасида аёлларда 67,8% га, эркакларда 62,7% га ва ўртача ҳисобда 65,7% га тенглигини кўрсатган. Республикамизда ГК учраши ҳар 100.000 аҳолининг ўртача ҳисобда 3099 тасида қайд этилган бўлиб, умумий популяцияда 32,26% ни ташкил қилган. Албатта ушбу натижалар сўнги йилларда аҳолининг умр кўриш давомийлигини сезиларли ошиши ҳамда касалликни аниқлаш усулларини такомиллаштирилиши билан ҳам боғлиқ [1,6].

ГК ЮҚТТК ва инсулт ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган модифицирланган хавф омили (ХО) ҳисобланади. Булардан ташқари ушбу касаллик буйрақларни зарарланишига ва оқибатда сурункали буйрақ касаллиги (СБК) ривожланишига олиб келади. Ушбу ҳолат артериал гипертензияни учраш даражасини ошишига сабаб бўлади. СБК мавжуд ўрта ёшдаги беморларнинг 67,71% да, катта ёшдагиларнинг 82% да артериал гипертензия аниқланган бўлиб, буйрақ касаллигининг оғир даражасида ушбу кўрсаткич 90% ни ташкил этади [3,7].

Буйраклар фаолиятини бузилиши ва юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришлар орасида қарама-қарши боғлиқлик аниқланган. ГК ва буйрак орасида “ёпиқ халқа” мавжуд бўлиб, бунда буйрак бир вақтнинг ўзида қон босим кўтарилишига олиб келувчи омил ва ГК оқибатида зарарланадиган мўлжал аъзо ҳам бўлиши мумкин. Буйрак дисфункцияси организмда қатор метоболик ўзгаришларга ва томирларда патологик жараёнларни ривожланишига олиб келади, ГКни кечишини оғирлаштиради, ҳамда ҳаётга хавф соладиган асоратларни юзага келишига сабаб бўлади [2,3].

Буйраклар мураккаб тузилишга эга аъзо бўлиб, инсон организмда гомеостаз ҳолатини барқарор сақлаб туриш учун кўплаб вазифаларни бажаради. ГКга чалинган беморларда буйрак томирлари касалликнинг бошланғич даврида қон босимининг кунлик ўзгаришларини монанд бошқариб туради. Кейинроқ, буйрак ичи гомеостазини сақлаш мақсадида жараёнда қатнашаётган томирларнинг деворида аввал функционал, сўнгра таркибий ўзгаришлар кузатилади [1,3,9].

ГКда гипертоник нефроангиосклероз ривожланади ва у кейинчалик бошқа мўлжал аъзоларнинг зарарланиши билан намоён бўлади. Ушбу ҳолатда систолик қон босим кўрсаткичи муҳим ахамиятга эга. Бундан ташқари ГК аксарият ҳолларда семизлик, дислипидемия, гиперурикемия, қандли диабет каби коморбид ҳолатлар билан бирга кечиб, гипертоник нефроангиосклероз жараёнини янада авжланишига олиб келади [9,12].

Мавжуд адабиётлардаги маълумотларга кўра ГК билан оғриган беморларнинг деярли 50% да буйраклар дисфункция кузатилади. Касалликнинг эрта даврларда буйракдаги ўзгаришлар аксарият ҳолларда яширин кечиб кардио-васкуляр касалликлар кечишини оғирлаштиради ва улардан ўлим хавфини оширади [9,10].

Қатор илмий ишлар хулосасига кўра буйрак фаолиятидаги ўзгариш юрак-қон томир тизими касалликларини, жумладан ГК ни кечишига ва оқибатига салбий тасир этиши тасдиқланган [9,18].

ГКни эрта даврларида ташхислаш ва монанд даволаш чора тадбирларини олиб бориш, ҚБни мақсадли даражаларига эришиш нафақат аҳолининг ҳаёт давомийлигига ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади, балки унинг оқибатида кузатиладиган юрак-қон томир тизими касалликлари, инсулт каби оғир асоратлар, жумладан СБК олдини олиш имкониятини яратади. Кўплаб илмий тадқиқотлар натижасида ГК билан оғриган беморларнинг буйракларида кузатиладиган ўзгаришлар хасталик оқибатини кескин оғирлаштириши тасдиқланган. Бу ўзгаришлар эрта аниқланиб, монанд даво чоралари кўрилмаса беморларда СБКнинг оғир терминал босқичи ривожланиб организмда ортга қайтмас жараёнлар юз бериши кўп сонли кузатувларда исботланган [3,7,16].

Аксарият беморларда нефропатия белгилари аниқланганда буйрак коптокчалари ва каналчаларида ортга қайтмас склеротик ўзгаришлар юз берган бўлади. Ушбу нуқтаи назардан ГКда нефропатия

белгиларини эрта аниқлаш ва монанд муолажалар ўтказиш уларни олдини олиш имкониятини яратади. Шу ўринда аксарият касалликларда асорат сифатида кузатиладиган нефропатияларда буйракдаги ўзгаришлар бир-биридан кескин фарқ қилмаслигини, лекин бирламчи таъсир механизми гемодинамик, метаболик, иммун, токсик ёки уларни биргаликда бўлиши мумкинлигини қайд этиш лозим [7,9,11,18].

ГК ва буйрак дисфункцияси бирга келганда кузатиладиган ўзгариш кардиоренал синдром ривожланишининг асосий патофизиологик механизмларини, буйрак дисфункциясини асосий касалликнинг кечишига ва оқибатига таъсирини ўрганиш ҳамда уни эрта ташхислаш маркерларини аниқлаш, муқобил даволаш режасини ишлаб чиқиш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, касалхонага қайта ётишлар сонини камайтириш ва умрини узайтириш имконини беради [14,17].

Сўнги йилларда Клото оксилнинг буйраклар фаолиятига ва ГКнинг кечишига таъсирини ўрганишга бағишланган илмий ишлар кўпчилик олимларда қизиқиш уйғотмоқда. Клото оксили гени биринчи марта 1997-йилда аниқланган. Клото (англ. Klotho) – трансмембран оксил, β -глюкуронидаза, инсон организмдаги бир қанча рецепторлар билан ўзаро боғлиқликка эга бўлиб, инсулинга сезувчанликни мувозанатлайди. Ушбу оксилнинг учта (α -klotho, β -klotho va γ -klotho) кичик оиласи мавжуд бўлиб, α -klotho инсон мияси, жигари ва буйрагида, β -klotho асосан жигарда, γ -klotho терида синтезланади. У бевосита хужайралар аро бўшлиққа ажралиб чиқади ва барча қон, ликвор ҳамда пешоб каби биологик суюқликларда мавжуд бўлади. Ёш ўтиши билан Клото оксилнинг миқдори камаяди. СБК мавжуд беморларда бу оксил ишлаб чиқарилишининг камайиши кузатилади, натижада дегенератив жараёнлар (масалан атеросклероз, остеопароз ва тери атрофияси) эрта ривожланади ва тез авжланиб боради [13,19,20].

Клото гени буйрак тўқималарида жойлашган бўлиб, асосан α -klotho оксилни синтезлаш жараёнини амалга оширади. Бу оксил инсон организмда фосфат миқдорини назорат қилишда муҳим ахамиятга эга. Организмдаги фосфатлар миқдори буйраклар орқали назорат қилинади. Соғлом инсонларда ортиқча фосфатлар сийдик билан чиқариб юборилади ва кўпроқ керак бўлганда эса минерални қонга қайта сингдирилади [19,20].

Клото оксилнинг қон зардобидидаги концентрацияси ва ЮҚТТК асорати орасида қарама-қарши корреляцияли боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Шу билан бир қаторда айрим илмий ишларда унинг миқдорининг камайиши ҳамда буйрак фаолиятини ёмонлашиши орасида узвийлик кузатилган [20].

Қатор йиллардан буён инсон организмда витамин Д ишлаб чиқарилиши ва унинг метаболизми механизмларини ўрганиш ва клиник амалиётда қўллаш борасида фаол илмий изланишлар олиб берилмоқда. Витамин Д ёғда эрувчи витаминлар гуруҳига киради, организмга овқат билан ўзлаштирила-

ди, бундан ташқари қуёшнинг ультрафиолет нурлари таъсирида терида синтезланади. Икки босқичда гидроксилааниб фаол ҳолатга ўтади. Фаолланишнинг биринчи босқичи жигарда иккинчи босқичи эса буйракларда амалга оширилади. Организмда витамин Д камайиши калций алмашинувига таъсир кўрсатади, бунинг натижасида ренин-ангиотензин-алдостерон тизими фаоллашади, эндотелий дисфункцияси ва метаболик синдромлар юзага келади [5,8,16,19].

Ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича томир девори қаттиқлиги атеросклерознинг ривожланиш механизмида муҳим сабаблардан бири ҳисобланади. Витамин Днинг етишмовчилиги бу жараёни кучайтиради, томир девори ригидлиги камайтиради. Бунинг натижасида пульс тўлқинининг таранглашган томир деворига босими ошади. Натижада томир девори эндотелийси зарарланади, кийинги босқичда аста-секин атеросклероз ривожланади ва ГКнинг авжланишига ҳамда асоратланишига олиб келади [8,13,15].

Германияда 7,7 йил вақт мобайнида 20 ёшдан катта 3258 нафар бемор орасида ўтказилган тадқиқот натижасида олинган хулосага кўра витамин Д етишмовчилиги кардиоренал синдром ривожланиш хафини икки баробарга ошишига олиб келиши тасдиқланган [13].

Ўтказилган Health Professional Follow Up Study тадқиқоти натижалари витамин Д етишмовчилиги оқибатида ГК ривожланиши хавфи эркакларда ва аёлларда умий аҳолига нисбатан мос равишда 3,03 ва 1,42 марта юқорилигини кўрсатади. Навбатдаги Nurse's Health Study тадқиқоти хулосаларига кўра витамин Днинг қон зардобиди 30 нг/мл дан кам бўлиши ГК авжланиши хавфини 1,47 марта ошириши аниқланган [4].

Хулоса

1. Ўтказилган таҳлил ГК ва унда буйрак зарарланиши жаҳонда кўп учрайдиган патологик ҳолатлардан бири эканлигини тасдиқлайди. Олинган маълумотлар ва қилинган хулосалар ГК мавжуд бўлган

беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш СБК ривожланишини олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва умр кўришини узайтириш, ҳамда тўсатдан ўлим ҳолатларини олдини олиш имконини яратади.

2. ГКни авжланишини ва ушбу касаллик натижасида буйраклар зарарланишини эрта ташхислашда умум қабул қилинган текширишлар билан бирга Клото оқсилли ҳамда витамин Дни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Юқорида баён қилинганларни инобатга олиб бу борада қўшимча илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати билан таҳририятда танишиш мумкин

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИДА БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА КЛОТО ОҚСИЛИ ВА ВИТАМИН ДНИНГ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Рахимова М.Э., Гадаев А.Г., Сайидов К.Ш., Эшонқулов С.С.

Ривожланган мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам гипертония касаллиги билан оғриган беморлар сони йилдан йилга тобора ошиб бормоқда. Маълумки буйрак бир вақтнинг ўзида қон босим қўтарилишида асосий сабабчи ва артериал гипертония оқибатида зарарланадиган мўлжал аъзо. Буйрак дисфункциясини эрта ташхислаш ва сурункали буйрак касаллиги ривожланишини олдини олиш тиббиётдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада гипертония касаллигида буйрак фаолиятининг бузилиши ва сурункали буйрак касаллиги ривожланишида Клото оқсилли ҳамда витамин Днинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гипертония касаллиги, буйрак дисфункцияси, сурункали буйрак касаллиги, Клото оқсилли, витамин Д.



ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА ВИТАМИН ДНИНГ ЎРНИНИ ВА АХАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Рахимова М.Э., Сайидов К.Ш., Гадаева Н.А., Музаффаров Ж.Ш.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ВИТАМИНА D В РАЗВИТИИ ГИПЕРТОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ

Рахимова М.Э., Сайидов К.Ш., Гадаева Н.А., Музаффаров Ж.Ш.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF VITAMIN D IN THE DEVELOPMENT OF HYPERTENSION

Rakhimova M.E., Sayidov K.Sh., Gadaeva N.A., Muzaffarov J.Sh.

Тошкент тиббиёт академияси

Проанализирована роль витамина D в обострении и осложнениях заболевания у больных артериальной гипертензией.

Ключевые слова: витамин D, артериальная гипертензия, ренин-ангиотензин-альдостероновая система, паратгормон, эргокальциферол, холекальциферол.

This article analyzes the importance of vitamin D in the development and complications of the disease in patients with hypertension.

Key words: vitamin D, hypertension, renin-angiotensin-aldosterone system, parathyroid hormone, ergocalciferol, cholecalciferol.

Витамин Днинг етишмовчилиги ахолинининг тез қаришига, турли тизим касалликларининг ривожланишини тезлашишига, паст даражадаги жисмоний фаолликка, организмда қуёш нури ўзлаштирилишини камайишига ва жуда кўп вақт демографик ўзгаришларга олиб келиши бизга маълум. Унинг етишмовчилиги билан кечувчи касалликларга рахит, остеопороз, остеомалация, остеодистрофия каби остеопатияларни мисол келтириш мумкин. XX асрнинг ўрталарига келиб витамин Д етишмовчилиги нафақат соғлиқни сақлаш тизимига, балки қатор йўналишларга тегишли бўлган тиббий -социал муаммога айланди [1,10,22,23,25,26].

Сўнги йилларда витамин Д етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган бир қатор килиник ва экспериментал холатларни ҳамда касалликларни ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, хавфли ўсма касалликлари, ревматоид артрит (РА), қандли диабет (ҚД), туберкулёз, ва юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТТК) ривожланишида, авжланиши ва асоратланишида витамин Д етишмовчилиги муҳим аҳамиятга эга бўлган хавф омиллар таркибига кириши қатор муаллифлар томонидан тасдиқланган [7,10,19,22,23].

Витамин Днинг ўзлаштирилишида, сақланишида ва ташилишида асосан томирлар эндотелийси, иммун ҳамда эндокрин аъзолар муҳим аҳамиятга эга. У ёғда эрийдиган витаминлар гуруҳига кириб, икки марта гидрооксилланиш жараёнларидан ўтгандан сўнг фаол моддага, яъни холекальциферолга (витамин Д₃) айланади. Витамин Д₃ организмда икки хил экзоген ва эндоген йўл билан синтезланади. Эндоген синтезланиши теридан қуёшнинг ультрафиолет нурлари тасирида 7-дегидрохолестериндан синтезланади. Экзоген хайвон махсулотларидан (балиқ ёғи, жигар ва тухум сариқлиги каби махсулотлар) ўзлаштирилади [10,13].

Хозирги вақтда бир қатор ривожланган давлатларда махсус холатда ушбу витамин озик-овқатлар сут, мева шарбатлари, сарёғлар таркибига қўшил-

моқда. Бизга маълум бўлган витамин Днинг Д₂ тури (эргокальциферол) организмга ўсимлик махсулотлари (нон, ўсимликлардан тайёрланган сут) орқали кўп бўлмаган миқдорда ўзлаштирилади. Эндоген йўл билан синтезланишида Д₃ ва унинг метаболитлари организмдаги Дни боғлаб ташувчи оқсил орқали жигарга, буйракка олиб борилади ва у ерда синтезланиб кальцитриолга айланади [10,15].

Физиологик холатларда витамин Днинг бир кунлик қабул қилиниши керак бўлган миқдори 400-3000 МЕ (кўпгина мамлакатларда тери орқали синтезланиши кунига 100 МЕ) бўлиши лозим [9,14]. Қатор илмий изланишлар натижаларига кўра витамин Дга бўлган кунлик талаб хомилдорлик ва эмизиш давларида 400-500 МЕНи, болаларда ҳаётнинг биринчи йилларида -400 МЕНи, узоқ шимолда яшайдиган одамларда - 1000 МЕНи, 60 ва ундан катта ёшдаги одамлар учун эса 600-800 МЕНи ташкил этади [11,14].

XX асрнинг 70-йилларида организмда Д витамини алмашинуви механизмларининг кашф этилиши фаол ишлаб чиқарилиши, метаболитлари ва уларнинг аналоглари изланувчилар эътиборни тортди, клиник амалиётда ўрганиш ва қўллаш тез суръатларда тарқала бошланди [6].

Маълумки холекальциферол ҳам, эргокальциферол ҳам гормонал фаол эмас, лекин улар жигарда қайта ишловга учрайди (25(ОН)Д₃-кальцидиол) ва ундан кейин буйракларда паратироид гормони (ПТГ) таъсири остида кальцитриолга айланади [7]. Кальцитриол Д витаминининг энг фаол метаболити бўлиб, функцияси ва ҳаракат кучига кўра гормонларга тенглаштирилади. У буйракларда гидроксиланган кальцидиолдан (25-гидроксивитамин Д) синтезланади. Кальцитриолнинг гормонал фаоллиги кальцидиолдан 10-100 марта юқори. Айнан шу гормон ичакда кальцийнинг (Ca⁺) сўрилишини кучайтиради [7]. Витамин Д ва унинг фаол метаболити кальцитриолнинг етишмаслиги биринчи навбатда, Д гиповитаминози, Д витамин етишмаслиги ёки уни қабул қилишнинг бузилиши билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда витамин Д етишмаслигининг аниқ миқдорий мезонлари мавжуд эмас. Баъзи маълумотларга кўра, гиповитаминоз даражаси қон зардобиди <80-100 нмоль/л (30-40 нг/мл) кўрсаткичи билан белгиланган [6].

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Д витаминининг функциялари нафақат калций- фосфор алмашинувини назорат қилишда, балки организмда кечаётган физиологик жараёнларга, жумладан хужайра ўсишининг модуляциясига, нерв-мушак ўтказувчанлигига, иммун тизимига ҳам таъсир этади.

ЮҚТТ касалликлари ҳозирги кунда инсон организмнинг энг кенг тарқалган тури бўлиб, дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади [8]. Баъзи тадқиқотларга кўра ушбу гуруҳ касалликларнинг ривожланиш патогенези маълум даражада витамин Д етишмаслиги билан боғлиқ [16,20]. Витамин Д танқислиги ва юрак-он томир тизими фаолиятидаги жиддий ўзгаришлар орасида ўзаоро корреляцияли боғлиқлик мавжудлиги 1739 та беморларни қамраб олган Framingham Offspring Study кузатуви натижасида исботланган. Фатал ва фатал бўлмаган (ишемия, инсулт ёки юрак этишмовчилиги) асоратлар мос равишда 53 ва 80% ҳолатларда витамин Д даражаси паст бўлган субъектларда кузатилган. Шу билан бир қаторда ушбу витамин танқислиги ва артериал гипертензия (АГ) орасида боғлиқлик аниқланган. Германия олимлари томонидан ўтказилган 20 ёшдан катта 7,7 йил давомида ЮҚТТК билан оғриган 3258 беморни ўз ичига олган когорт тадқиқотда витамин Д даражаси паст бўлган беморлар орасида ушбу витамин меъёрда бўлганларга нисбатан ўлим кўрсаткичи икки баробар юқори бўлганлиги кузатилган [3]. Гипертония касаллиги (ГК) билан оғриган беморларда витамин Д ўзлаштирилишнинг пасайиси ва синтезланишнинг камайиши ХХ асрнинг 90-йилларида биринчи бора қайд этилган. Сўнги йилларда ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича гиперпаратиреоз мавжуд бўлган беморларда кальций гомеостазининг бузилиши гипертония касаллигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги уларни назорат гуруҳи ($p < 0.005$) билан солиштирилганда ишончли фарқ қилганлиги билан исботланган [3,18].

Ҳозирги кунда витамин Д артериал босимга (АД) бир неча механизмлар орқали таъсир этиши қатор клиник ва экспериментал изланишларда исботланган. Улар орасида витамин Днинг ренин-ангиотензин тизимига таъсири мукамалроқ ўрганилган [1,26].

Бир қанча илмий изланишларда қон зардобиди таркибидаги кальцитриол концентрацияси ва ГК ўртасида боғлиқлик борлиги ишончли даражада исботланган. NHANES III (National Health and Nutrition Examination Survey International Journal of Endocrinology III) тадқиқотлари натижасида олинган хулосаларга кўра витамин Д₃ ва АГ орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, у асосий гуруҳда қон зардобиди таркибида $25(\text{ОН})\text{Д}_3 > 85,7$ нмоль/л бўлганда систолик қон босими (СҚБ) ва диастолик қон босими (ДҚБ) назорат гуруҳида $25(\text{ОН})\text{Д}_3 < 40$ нмоль/л бўлганларга нисбатан 3,0 ҳамда 1,6 мм сим.уст. га паст бўли-

ши билан намоён бўлган [23]. Яна шунга ўхшаш натижалар Nurses' Health Study ва Health Professionals' Follow-Up Study гуруҳлари томонидан 613 та эркаклар ва 198 та аёллар ўрасида ўтказилган тадқиқотлар натижасида эълон қилинган [9].

Енгил даражадаги АГ билан оғриган 18 нафар беморда (хафтасига 3 марта) ультрафиолет (УФ) нурлари билан 6 hafta давомида муолажа олиб борилганда $25(\text{ОН})\text{Д}_3$ даражаси 162% га ошган ва қон босими (СҚБ ва ДҚБ) 6 мм сим.уст. га пасайганлиги кузатилган. Айни вақтда А типдаги УФ нурларини витамин Д ва ҚБга таъсири аниқланмаган (А типдаги УФ нурлари витамин Д синтезида қатнашмайди) [15].

Бошқа бир ўтказилган илмий изланишда 145 нафар ёши кекса аёллар плацебо-назоратида қатнашган. Уларга 800 МЕ витамин Д ва 1200 мг кальций қабул қилиш тавсия этилган ва даволашнинг 8 haftасида АД 9,3% га ишончли даражада пасайганлиги кузатилган. Фақат 1200 мг кальций қабул қилган беморларнинг қон босими эса 4% ($p=0,2$) га пасайган [19]. Яна бир неча тадқиқотларда аниқланишича Д витаминининг этишмовчилиги бевосита ва билвосита йўллар орқали томирларнинг кальцийланишини кучайишига таъсир қилиб, ЮҚТТКнинг ривожланиши хавфини оширган [4,5,25].

Маълумки ренин-ангиотензин- алдостерон системаси (РААС) орқали томирларнинг қисқарувчанлиги, қондаги электролитлар таркиби, сув ва туз алмашинуви бошқарилади. Ушбу тизимнинг фаоллашиши ҚБ кўтарилиши патогенезида муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб илмий изланишлар натижасида витамин Д ушбу тизим фаоллигига қарши таъсир кўрсатиши аниқланган. Ўтказилган тадқиқотларда ангиотензин II антогонистининг рецепторлари ёки ангиотензин айланувчи фермент ингибиторлари (ААФИ) берилганда юқорида таъкидланган ўзгариш бартараф этилган. Витамин Д таъсирида ренин синтезланишининг камайиши кальций гомеостази ва сув-туз алмашинувида боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошганлиги олимлар томонидан қизиқиш уйғонишига сабаб бўлган [2,17].

Витамин Д этишмовчилиги бирламчи гиперпаратиреоз (БГПТ) билан оғриган беморлар орасида кенг тарқалган. Аниқланишича паратиреоид гормонининг (ПТГ) организмда номутаносиб кўтарилиши қон босимнинг (40% ҳолларда БПТГ ҳисобига) ошишига олиб келади. Иккиламчи ПТГ кўтарилиши кузатилганда организмда витамин Д миқдорининг паст бўлиши томирлар қаршилигининг ошишига ва бунинг натижасида АБ ошишга олиб келади [21,22]. Аммо қатор илмий изланишлар натижасига кўра АГ ривожланишининг механизмида витамин Днинг ўрни мунозарали бўлиб қолмоқда [1,12,13,24].

Сўнги йилларда ўтказилган тадқиқотлар хулосаларига кўра БПТГ бўлган беморларда плазма таркибидаги рениннинг фаоллиги ва плазма таркибидаги альдостероннинг даражаси ГК билан оғриган беморларда юқорилиги аниқланган. Кейинчалик ушбу беморларда қалқонсимон безда ўтказилган жарроҳлик муолажаларидан кейин АБ, плазма таркибидаги ренин ва альдостероннинг концентрацияси пасайиши кузатилган [2,5,11].

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳамда яна бир қанча тадқиқотлар натижалари ПТГнинг кўтарилиши, РААТ фаолиятини бузилиши АГ ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бир қаторда қарама-қарши маълумотлар ҳам мавжуд. Масалан айрим тадқиқотларда айтилишича ЮҚТТК хавфи ва БПТГ етишмовчилигининг энгил даражаси мавжуд беморларда паратиреоидэктомия амалиёти АБ даражасига ишончли таъсир кўрсатмаган [2,4]. Яна бошқа бир тадқиқотларда эса АГ мавжуд бўлган беморларда паратиромалар жарроҳлик йўли билан олиб ташланганда АБ кўтарилганлиги аниқланган [1,21].

Маълумки ГК, юрак ишемик касаллиги, сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморлар аксарият холларда кам ҳаракат турмуш тарзини олиб боришга мажбурлиги ва уйдан ташқарига чиқиб сайр қилиш эҳтимоли камлиги уларда витамин Д танқислиги ривожланишига маълум даражада таъсир этади. Бу эса ўз навбатида асосий касалликни авжланишига ҳамда асоратланишига сабаб бўлади.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики дунё аҳолисининг 45-50%да витамин Д танқислиги аниқланган. ЮҚТТК, жумладан ГК билан оғриган беморларда қандли диабет, семизлик каби коморбид холатлар, ҳамда наслий мойиллик, кам ҳаракатлик, асабийлашиш ва бошқа хавф омиллар билан

бирга витамин Д танқислиги мавжудлиги касалликни авжланишига, асоратланишига ва касалхонага қайта ётишлар сонини ошишига сабаб бўлади. Юқоридаги маълумотларни инобатга олган ҳолда ушбу гуруҳ беморларда умум қабул қилинган текшириш усуллари билан бирга қон зардобиде витамин Д миқдорини аниқлаш ва заруриятдан келиб чиққан ҳолда даволаш ҳамда профилактика чора тадбирларини олиб бориш касаллик оқибатини яхшилаш имконини яратади.

Адабиётлар рўйхати билан таҳририятда танишиш мумкин

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА ВИТАМИН ДНИНГ ЎРНИНИ ВА АХАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Рахимова М.Э., Сайидов К.Ш., Гадаева Н.А., Музаффаров Ж.Ш.

Ушбу мақолада гипертония касаллиги билан оғриган беморларда касалликнинг ривожланиши ва асоратланишида витамин Днинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: витамин Д, гипертония касаллиги, ренин – ангиотензин – алдостерон тизими, паратгормон, эргокальциферол, холикальциферол.



JIGARNING ALKOGOLSIZ YOG' GEPATOZI KASALLIGI – ATEROSKLEROZNING RIVOJLANISHIDA MUSTAQIL OMILDR

Sadikova S.I., Axmedov X.S.

НЕАЛКОГОЛЬНАЯ ЖИРОВАЯ БОЛЕЗНЬ ПЕЧЕНИ – НЕЗАВИСИМЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ АТЕРОСКЛЕРОЗА

Садикова С.И., Ахмедов Х.С.

NONALCOHOLIC FATTY LIVER DISEASE IS AN INDEPENDENT FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF ATHEROSCLEROSIS

Sadikova S.I., Akhmedov Kh.S.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

Рассматривается проблема неалкогольной жировой болезни печени, являющейся независимым фактором риска ряда сердечно-сосудистых заболеваний, таких как атеросклероз. Продемонстрирована высокая распространенность сердечно-сосудистых факторов риска у больных с неалкогольной жировой болезнью печени. Детально рассматриваются общие патофизиологические механизмы неалкогольной жировой болезни печени и сердечно-сосудистых заболеваний, а также взаимосвязь неалкогольной жировой болезни печени с атеросклерозом, дислипидемиями, особенности метаболизма желчных кислот и возможности воздействия на эти компоненты.

Ключевые слова: неалкогольная жировая болезнь печени, сердечно-сосудистые заболевания, атеросклероз, факторы риска

The problem of non-alcoholic fatty liver disease, which is an independent risk factor for a number of cardiovascular diseases, is considered. The high prevalence of cardiovascular risk factors is demonstrated in patients with non-alcoholic fatty liver disease in Russian population. Common pathophysiological mechanisms of non-alcoholic fatty liver disease and cardiovascular diseases (insulin resistance and excessive accumulation of lipids in the liver) are discussed. The relationship of non-alcoholic fatty liver disease with atherosclerosis, dyslipidemia, features of bile acids metabolism in non-alcoholic fatty liver disease and ability to influence these components are also considered.

Key words: non-alcoholic fatty liver disease, cardiovascular disease, risk factors

Ma'lumki, noalkogolsiz yog'li jigar kasalligi (NAYJK) – bu yog'li jigar infiltratsiyasi mavjudligi bilan ta'riflangan kasallik bo'lib, spirtli ichimliklarni suiiste'mol qilmaganda (erkaklar uchun kuniga <40 gramm sof etanol va ayollar uchun 20 gramm) steatogen dorilar yoki irsiy kasalliklardan paydo bo'ladi. NAYJK ko'pinch ob'ektiv ko'rikda yoki gistologik yo'li bo'yicha tasdiqlangan bo'ladi [10]. NAYJK jigar steatozini, alkogolsiz steatogepatitni (ASG) va jigar sirrozini o'z ichiga oladi.

Umumiy Evropa populyatsiyasida NAYJK tarqalishi o'rtacha 20-33%, 2-toifadagi qandli diabet (QD) bilan og'rikan odamlarda - 42,6-69% ni [7,9] tashkil qiladi. Rossiya Federatsiyasida, DIREG_L_01903 tadqiqotiga ko'ra, NAYJK chastotasi 2007 yilda 27% ni tashkil etgan. Rossiyada NAYJK tarqalishi o'sib bormoqda va 2015 yilda DIREG-2 tadqiqoti natijalariga ko'ra u 37% ni tashkil etdi [3]. NAYJK bilan og'rikan bemorlarning prognozi yaxshi emas, chunki oddiy NAYJK kechirayotgan bemorlarda 40% 8-13 yildan keyin ASG ni boshdan kechiradi. O'z navbatida ASG bilan og'rikan bemorlarning 15 %da jigar sirrozi va jigar etishmovchiligi rivojlanadi, jigar sirrozi bilan og'rikan bemorlarning 7% da 10 yil davomida hepatotsellyulyar karsinoma rivojlanadi [12].

Biz bilamizki, NAYJK holatlarining aksariyati metabolik sindrom (MS) va semirish bilan bog'liqdir. Bundan tashqari, NAYJK MSning majburiy tarkibiy qismlaridan biri sifatidanamoyon bo'ladi. Rossiya tadqiqotiga ko'ra, MS mavjud bo'lganda NAYJK bilan kasallanish 100% tashkil qiladi, shundan esa 42% ni ASG tashkil qila-

di [6]. NAYJK bilan og'rikan bemorlar birinchi navbatda ateroskleroz, QD va ularning asoratlari bo'lgani uchun kardiolog va endokrinologga murojaat qilishadi. Bu xolat NAYJK ni ateroskleroz rivojlanishi uchun mustaqil xavf omili ekanligi bilan izohlanadi.

NAYJK patogenezi hepatotsitlarda ortiqcha miqdorda triglitseridlar (TG) va boshqa xolesterin hosilalari (XH) to'planishiga asoslanadi, bu esa ushbu organik molekularning sintezi va utilizatsiyasi o'rtasidagi nomutanosiblikning natijasi bo'lib xizmat qiladi. NAYJK rivojlanishining yagona yaxshi o'rganilgan mexanizmi yo'q - bu murakkab ko'p omilli jarayondir. Uning asosiy bo'g'ini insulin qarshiligi va yog' almashinuvini tartibga soluvchi gormonlar - leptin, adiponektin va boshqalar profilining o'zgarishi hisoblanadi.

NAYJK patogenezida bilvosita ichak mikroflorasining roli ham isbotlangan, gram-manfiy bakteriyalarning lipopolisaxaridlari portal qon aylanishiga kirganligi sababli, u TLR4 retseptorlari orqali innat (nospesifik) immunitet reaksiyasini faollashtiradi va yallig'lanishning rivojlanishiga xamda fibrozli matritsa mahsulotlarining faollashishiga olib keladi.

So'nggi yillarda NAYJK bilan og'rikan bemorlarda ASG ning rivojlanishida irsiy moyillik muammosini shuningdek, jigar fibrozining tez rivojlanishi faol o'rganilmoqda [4].

NAYJK va yurak-qon tomir kasalliklari (YUQTK), xususan, aterosklerozning yuqori xavfi o'rtasidagi bog'liqlik ham isbotlangan. NAYJK boshqa xavf omillaridan qat'iy nazar, yurak-qon tomir kasalliklarini bashorat qiluvchi sifati-

da xizmat qiladi. Natadisa M. (2007) ma'lumotlariga ko'ra, NAYJK da ateroskleroz xavfi NAYJK bo'lmagan shaxslarga nisbatan 4, 2 baravar yuqori [95% ishonch oralig'i (IO) 1,58-10,75; $p=0,004$], bundan tashqari, NAYJK bilan og'rikan ayollarda yurak-qon tomir asoratlari xavfi-3,56 marta erkaklarnikiga qaraganda yuqori - 7,32 martaga ($r<0,027$) [2]. NAYJK bilan og'rikan odamlar uchun 21 yil davomida o'limning asosiy sababi yurak-qon tomir kasalliklari bo'lganini Ratziu tomonidan isbotlangan [11]. NAYJK bilan og'rikanlarda nafaqat yurak-qon tomir kasalliklari, balki boshqa sabablarga ko'ra umumiy o'lim darajasini ham oshiradi. Yana Ratziu tadqiqoti (2010) shuni ko'rsatdiki, NAYJK mavjudligi umumiy aholining bir xil yoshi va jinsidagi odamlarga nisbatan umumiy o'limni 35% dan 85% ga oshganini ko'rsatdi [15].

Shuni takidlash kerakki Ateroskleroz - jigar kasalligidir, ya'ni aterosklerozning rivojlanishi uchun ikkita asosiy shart zarurligi isbotlangan: lipidlar almashinuvidagi buzilishlar va qon tomir intimasidagi buzilishlar NAYJK dagi birinchi holat past zichlikdagi xolesterinni (PZXS) ning oshishi, yuqori zichlikdagi lipoproteinlarning (YUZXS) ning pasayishi va gipertrigliseridemiya shaklida namoyon bo'ladi. Jigar kasalliklarida arteriya intimasining shikastlanishi oksidlangan PZLP lipidlari, CRB konsentratsiyasining oshishi, lipoprotein bilan bog'liq $\alpha 2$ fosfolipazaning ko'payishi, giperglikemiya, insulin qarshiligi, gomosistein darajasining oshishi, fibrinogenning ko'payishi, azot oksidi etishmovchiligi (NO) bilan bog'liqdir.

14. Ушаков А.В., Иванченко В.С., Гагарина А.А. Особенности суточного профиля артериального давления и вариабельности сердечного ритма у больных с артериальной гипертензией в зависимости от уровня физической активности и психоэмоционального напряжения // Рос. кардиол. журн. – 2017. – Т. 144, №4. – С. 23-28.

15. Чазова И.Е., Жернакова Ю.В., Ошепкова Е.В. и др. Распространенность факторов риска сердечно-сосудистого заболевания в российской популяции больных артериальной гипертензией // Кардиология. – 2014. – Т. 54, №10.

16. Шилов А.М. Артериальная гипертензия в условиях первичного звена здравоохранения: курс на эффективное лечение комбинированными антигипертензивными препаратами // Фарматека. – 2013. – №13. – С. 54-60.

17. Bondanelly M., Ambrosio M.R., Degli-Uberti E.C. Pathogenesis and prevalence of hypertension in acromegaly // Pituitary. – 2001. – Vol. 4. – P. 239-249.

18. Elmer P.J. et al. Effects of comprehensive lifestyle modification on diet, weight, physical fitness, and blood pressure control: 18-month results of a randomized trial // Ann. Intern. Med. – 2006. – Vol. 144. – P. 485-495.

19. Ernazarov M., Gadaev A., Turakulov R. Early diagnostics of cardiogenic liver damage in patients with chronic heart failure and estimation of the effectiveness of treatment with liverin // InterConf. – 2021. – 2021.

20. ESC Guidelines on diabetes, pre-diabetes, and cardiovascular diseases developed in collaboration with the EASD – Summary. The Task Force on diabetes, prediabetes, and cardiovascular diseases of the European Society of Cardiology (ESC) and developed in collaboration with the European Association for the Study of Diabetes (EASD) // Europ. Heart J. – 2013. – Suppl. – P. 1-32.

21. Foster R.R. Five-year findings of the hypertension detection and follow-up program. III. Reduction in stroke incidence among persons with high blood pressure The importance of cellular VEGF bioactivity in the development of glomerular disease // Nephron Exp. Nephrol. – 2009. – Vol. 113. – P. 8-15.284.

22. Mazón P, Bertomeu V. Hypertension in Spanish women: analysis of data collected by the Spanish society of cardiology section of arterial hypertension // Rev. Esp. Cardiol. – 2010. – Vol. 8 (Suppl. D). – P. 30-37.

23. C.J. Watson, Identification of validated questionnaires to measure adherence to pharmacological antihypertensive treatments // Patient Prefer. Adherence. – 2015. – Vol. 9. – P. 569-578.

24. Zachariah J.P. et al. Circulating vascular growth factors and central hemodynamic load in the community // Hypertension. – 2012. – Vol. 59. – P. 773-779.

STRENGTHENING THE PREVENTION AND TREATMENT OF HYPERTENSION IN PRIMARY HEALTH CARE

Gadayev A.G., Gulyamova Sh.S.

Objective: To improve the treatment efficiency and clinical management of patients with hypertension in primary health care. **Material and methods:** A post factum analysis of data (over the past five years) was conducted on 222 randomly selected case histories of patients with arterial hypertension registered in family clinics (n=54) and in some rural medical outpatient clinics of the Republic of Uzbekistan (n=168). The results of the case histories analysis were compared with the results of patient examination (questionnaires, medical examination, anthropometry, blood pressure measurement, cholesterol level determination, etc.). The survey included physicians of Tashkent polyclinics and physicians of rural medical outpatient clinics of the republic who had undergone 10-month retraining courses for general practitioners. **Results:** Based on the anamnesis data, anthropometry and laboratory and instrumental studies (ECG, ophthalmoscopy, cholesterol, sugar and creatinine levels in the blood), an algorithm for an electronic program for personal dynamic monitoring of patients with hypertension was created. **Conclusions:** The created algorithm will allow identifying the risk of complications of the disease at early stages of their development and conducting appropriate (adequate) treatment.

Key words: arterial hypertension, risk factors, awareness of hypertensive patients, effective control, computer program, prophylactic medical examination.



ЎПКАНИ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИНИ IV-ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИДА БУЙРАК ДИСФУНКЦИЯСИ, ЁНДОШ КАСАЛЛИКЛАР ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ УЧРАШИ

Гадаев А.Г., Салаева М.С.

ВСТРЕЧАЕМОСТЬ ФАКТОРОВ РИСКА, СОПУТСТВУЮЩИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ И ДИСФУНКЦИЙ ПОЧЕК У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ ОБСТРУКТИВНОЙ БОЛЕЗНЬЮ ЛЁГКИХ IV СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ

Гадаев А.Г., Салаева М.С.

THE OCCURRENCE OF RISK FACTORS, CONCOMITANT DISEASES AND RENAL DYSFUNCTION IN PATIENTS WITH CHRONIC OBSTRUCTIVE PULMONARY DISEASE OF THE IV DEGREE OF SEVERITY

Gadaev A.G., Salaeva M.S.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: изучение дисфункции почек у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких IV степени тяжести. **Материал и методы:** работа проводилась в отделении пульмонологии многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии в 2020-2023 гг. Ретроспективно изучены истории болезни 328 пациентов с хронической обструктивной болезнью легких IV степени тяжести в возрасте от 24 до 82 лет, которые получали лечение в стационаре. Мужчин было 236 (71,9±4,4%), женщин 92 (28,0±5,5%). Средний возраст – 65,4±0,77 года (средний возраст мужчин – 66,6±1,18 года, женщин – 62,4±1,31 года), средняя продолжительность заболевания – 15,2±1,08 года. У 45 больных 1-й группы уровень креатинина составлял ≥115 ммоль/л, у 283 больных 2-й группы ≤115 ммоль/л. **Результаты:** факторы риска у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких IV степени тяжести коррелируют с протеинурией, полом пациентов, курением, длительностью заболевания, дыхательной недостаточностью, анемией, вызванной побочными заболеваниями, инфекцией мочевыводящих путей. **Выводы:** определение уровня креатинина и протеинурии у пациентов требует дальнейшего изучения, поскольку этот показатель не является ключевым в диагностике дисфункции почек.

Ключевые слова: хроническая обструктивная болезнь легких, дисфункция почек, факторы риска.

Objective: To study renal dysfunction in patients with grade IV chronic obstructive pulmonary disease. **Material and methods:** The work was carried out in the Pulmonology Department of the Multidisciplinary Clinic of the Tashkent Medical Academy in 2020-2023. The medical records of 328 patients with grade IV chronic obstructive pulmonary disease aged 24 to 82 years who received inpatient treatment were retrospectively studied. There were 236 men (71.9±4.4%), 92 women (28.0±5.5%). The average age was 65.4±0.77 years (the average age of men was 66.6±1.18 years, women - 62.4±1.31 years), the average duration of the disease was 15.2±1.08 years. In 45 patients of the 1st group, the creatinine level was ≥115 mmol/l, in 283 patients of the 2nd group ≤115 mmol/l. **Results:** Risk factors in patients with chronic obstructive pulmonary disease of grade IV severity correlate with proteinuria, patient gender, smoking, disease duration, respiratory failure, anemia caused by secondary diseases, urinary tract infection. **Conclusions:** Determination of creatinine and proteinuria levels in patients requires further study, since this indicator is not key in the diagnosis of renal dysfunction.

Key words: chronic obstructive pulmonary disease, renal dysfunction, risk factors.

Ўпкани сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, ноғиронлик ва оғир асоратлар ривожланиш эҳти-моли юқорилиги ҳамда қатор ҳолларда ўлим билан яқунланиши сабабли замонавий тиббиётнинг мухим тиббий-ижтимоий муаммоси ҳисобланади [1,8,10,21]. Жаҳонда ҳар йили 2,8 миллион инсонлар ЎСОК сабабли ҳаётдан кўз юмадилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари тахлилий башоратларига кўра 2030 йилга келиб, ушбу касаллик бош мия –васкуляр ва юрак қон-томир касалликларидан кейин ўлимни сабаби сифатида учинчи ўринга чиқади [2,6,9,17]. Сўнгги ўн йилликларда ЎСОК нафақат нафас аъзолари, балки тизимли белгилар билан намоён бўлувчи касаллик ҳисобланади ва бу асосан тизимли яллиғланиш билан боғлиқ [7,20]. Бунда нафас тизимидаги

структур-функционал ўзгаришлар гомеостаз, юрак қон-томир, камқонлик, суяк тўқимасида минерал алмашинувига, депрессив-рухий бузилиш каби ўзгаришларга, буйраклар дисфункциясига сабаб бўлади [8,11,14,15,19,21].

Қатор тадқиқотларга кўра, ЎСОК да буйраклар фаолиятининг бузилиши 10,2% беморларда кузатилиб, уларнинг аксариятини ёши 75 дан катта бўлганлар [12] ташкил этадилар. Бошқа бир тадқиқотда ЎСОК билан сурункали буйрак касаллиги (СБК) 20-53% ҳолларда биргаликда келганлиги кўрсатилган [3-5,13,14]. Шифохонада даволанаётган ва бу икки касаллик муштараклигида кечган ҳолларда ўлим кўрсаткичи юқорилиги қайд этилган [16]. Айрим муаллифлар томонидан ЎСОК мавжуд беморларда аксарият ҳолларда СБКга олиб келувчи хавф омиллари ҳам учраши кўрсатилган [1,2,15,18,22]. Жумладан,

C-реактив оқсилни юқорилиги (100%), чекиш (92,0), 65 дан юқори ёш (78,6%), ёндош артериал гипертензия (65,6%) аниқланган. Бунда ЎСОК ташхиси қўйилган беморларнинг аксариятида (92,6%) уч ва ундан ортиқ хавф омиллари аниқланган [1]. Бошқа бир кузатувда юқоридаги хавф омиллари билан бир қаторда 49,6% ҳолларда ортиқча тана вазни ва семизлик қайд этилган [9].

ЎСОК билан оғриган беморларда коморбид ҳолатлар, жумладан буйраклар дисфункциясини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот мақсади

ЎСОК нинг IV-оғирлик даражаси билан хасталанган беморларда буйраклар дисфункциясини ўрганиш.

Материал ва усуллар

ЎСОК нинг IV- оғирлик даражаси билан хасталанган беморларнинг клиник – функционал текширувлари охириги халқаро дастурга мос келувчи [Ўпкани сурункали обструктив касаллиги бўйича кенг миқёсдаги ташаббус (Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease – GOLD) 2014] таснифи қўлланилди. Ушбу илмий тадқиқот ишлари Тошкент тиббиёт Академияси кўп тармоқли клиникасининг пулмонология бўлимида 2020-2023 йилларда шифохонада даволанган 24 ёшдан 82 ёшгача бўлган 328 нафар ЎСОК IV-оғирлик даражаси билан хасталанган беморларнинг касаллик тарихи бўйича ретроспектив тахлили ўтказилди. Ушбу беморларнинг 236 (71,9±4,4%) нафари эркакларни ва 92 (28,0±5,5%) нафар аёллардан иборат бўлди. Беморларнинг ўртача ёши 65,4±0,77 йилни (эркаклар ўртача ёши – 66,6±1,18 йил, аёлларники – 62,4±1,31 йил), касаллик давомийлиги ўртача 15,2±1,08 ташкил этди. Беморлар 2 та гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ креатинин ≥ 115 ммол/л бўлган 45 та беморларни, иккинчи гуруҳ креатинин ≤ 115 ммол/л бўлган 283 та беморларни ташкил этди. ЎСОК беморларининг ёши ва жинсига боғлиқ ҳолда тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ЎСОК нинг IV-оғирлик даражаси билан оғриган беморларда буйрак фаолиятига хавф омилларининг таъсири, абс. (%)

Кўрсаткичлар	Креатинин ≥ 115 ммол/л, n=45	Креатинин ≤ 114 ммол/л, n=283	p
Ўртача ёши	68,2±1,35	66,1±0,73	-
Эркаклар	36 (80)	191 (67,4)	<0,001
Аёллар	8 (17,7)	79 (27,9)	<0,001
Сигарет чекувчилар	32 (71,1)	151 (53,3)	<0,001
Касаллик давомийлиги, йил	14,4±2,1	11,4±3,4	<0,05
Тана вазни индекси, кг/м ²	24,9±0,90	27,6±0,49	<0,05
mMRS, балл	3,4±0,128	3,3±0,04	<0,05
SpO ₂ , %	89,3±0,126	91±0,126	<0,05
Юрак ишемик касаллиги	29 (64,4)	218 (77,03)	<0,001
Артериал гипертензия	24 (53,3)	153 (54,0)	-

ЎСОК нинг IV-оғирлик даражаси билан хасталанган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши, абс. (%)

Ёши	ЎСОК, n=328	Жами
44 ёшгача	$\frac{11 (4,6\pm 3,1)}{8 (8,6\pm 4,1)}$	19 (5,8±2,5)
45-54	$\frac{32 (13,5\pm 3,7)}{15 (16,3\pm 5,2)}$	47 (14,3±3,0)
55-64	$\frac{55 (23,3\pm 4,1)}{30 (32,6\pm 4,9)}$	85 (25,9±3,1)
65-74	$\frac{92 (38,9\pm 3,8)}{25 (27,1\pm 4,2)}$	117 (35,6±2,8)
>74	$\frac{46 (19,4\pm 2,1)}{14 (15,2\pm 1,8)}$	63 (19,2±1,5)
Жами	$\frac{236 (71,9\pm 4,4)}{92 (28,0\pm 5,5)}$	328 (100)

Изоҳ. Нумераторда эркаклар, махражда аёллар маълумотлари мавжуд.

Барча беморларда буйрак фаолиятини баҳолаш мақсадида қон таркибида креатинин, сийдик таркибида эса оқсил миқдори, тана вазни индекси, пульсоксиметр ёрдамида кислород сатурасияси аниқланди. ЎСОК да хансираш mMRC (Medical Research Council Dyspnea Scale) шкаласи ёрдамида баҳоланди.

Тадқиқот натижалари

ЎСОК билан оғриган беморларда буйраклар фаолиятини креатининга асосланган ҳолда ўрганганимизда 13,8% да унинг ошганлиги ва 66,4% беморларда протеинурия аниқланди. Креатинин ва протеинурияга асосланган ҳолда буйрак фаолиятидаги ўзгаришлар 2-жадвалда келтирилган.

Биринчи гуруҳда ЎСОК билан оғриган беморларнинг ўртача ёши 68,2% ни, иккинчи гуруҳда эса 66,1% ни ташкил этди. Жинси бўйича тахлил қилганимизда эса, биринчи гуруҳда эркаклар 80% ни, аёллар 67,4% аниқланди.

2-жадвал

Қандли диабет	9 (20)	43 (15,1)	<0,05
Анемия	24 (53,3)	133 (46,9)	<0,05
Сийдик йўллари инфекцияси	12 (26,6)	76 (26,8)	-
Асаб тизими касалликлари	16 (35,5)	63 (22,2)	<0,05
Меъда ичак тизими касалликлари	14 (31,1)	103 (36,3)	<0,05
Креатинин, ммол/л	183,7±20,0	78,3±1,78	<0,001
Протеинурия	37 (82,2)	107 (37,8)	<0,001

Жумладан, биринчи гуруҳдаги беморларда жинси, касаллик давомийлигини, чекувчилар сонининг, юрак ишемик касаллиги ($p<0,001$) хансираш даражалари (mMRS шкаласи бўйича, балл), нафас етишмовчилиги оғирлик даражаси бўйича кислород сатурацияси ($p<0,05$), қандли диабет, меъда ичак тизими касалликлари, асаб тизими касалликларининг ($p<0,05$) ишончли даражада кўпчиликти ташкил этганлиги аниқланди. Биринчи гуруҳдаги беморларда қон таркибида креатинин $183,7\pm 20,0$ ммол/л, иккинчи гуруҳда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда $78,3\pm 1,78$ ммол/л ни ташкил этди ($p<0,001$). Шу

ўринда креатинин нисбатан ўзгарувчан (бемор ёши, жинси, овқатланиш тартиби ва бошқалар) кўрсаткич эканлигини эътиборга олиш лозим.

Текширувлар натижасида, ЎСОК нинг IV-оғирлик даражаси билан оғриган беморларда хавф омилларининг учрашини протеинурия билан боғлаб ўрганганимизда, беморларнинг жинси, чекувчилар, касаллик давомийлиги, хансираш даражалари, нафас етишмовчилиги ($p<0,05$), ёндош касалликлардан анемия, сийдик йўллари инфекцияси ($p<0,001$) ҳамда қондаги креатинин миқдорининг ишончли даражада боғлиқлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

ЎСОК нинг IV-оғирлик даражаси билан оғриган беморларда хавф омилларининг учраши, абс. (%)

Кўрсаткичлар	Протеинурия аниқланган, n=210	Протеинурия аниқланмаган, n=115	p
Ўртача ёши	65,5±0,81	65,2±1,13	-
Эркаклар	138 (65,7)	86 (74,7)	<0,05
Аёллар	64 (30,4)	23 (20,0)	<0,05
Сигарет чекувчилар	131 (62,3)	65 (56,5)	<0,05
Касаллик давомийлиги, йил	15,7±2,8	13,7±2,4	<0,05
Тана вазни индекси, кг/м ²	26,4±0,55	28,0±0,81	<0,03
mMRS, балл	3,55±0,05	3,0±0,075	<0,05
SpO ₂ , %	86,3±3,7	90,8±4,33	<0,05
Юрак ишемик касаллиги	176 (83,8)	81 (70,4)	<0,05
Артериал гипертензия	117 (55,7)	59 (51,3)	<0,03
Қандли диабет	40 (19,0)	24 (20,8)	-
Анемия	110 (52,3)	44 (38,2)	<0,001
Сийдик йўллари инфекцияси	72 (34,2)	14 (12,1)	<0,001
Асаб тизими касалликлари	57 (27,1)	21 (18,2)	<0,001
Меъда ичак тизими касалликлари	66 (31,4)	58 (50,4)	<0,05
Креатинин, ммол/л	108,31±13,1	85,5±3,30	<0,001
Протеинурия	210 (64,0)	115 (35)	<0,001

Хулоса

1. Ўпкани сурункали обструктив касаллигини IV-оғирлик даражасида буйраклар дисфункцияси ни ўрганишда креатинин ва протеинурия кўрсаткичларининг ошишига боғлиқ ҳолда, эркак жинсдаги беморлар, чекувчилар, юрак ишемик касаллиги

($p<0,001$) хансираш даражалари (mMRS шкаласи бўйича, балл), нафас етишмовчилиги оғирлик даражаси бўйича кислород сатурацияси ($p<0,05$), касаллик давомийлиги ва ёндош касалликларнинг боғлиқлиги аниқланди.

2. ЎСОК билан оғриган беморларда креатинин ва протеинурияни аниқлаш буйраклар дисфункциясини диагностикасида асосий кўрсаткич бўлмаганлиги учун янада чуқурроқ текширишлар ўтказишни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Бакина А.А., Павленко В.И. Хроническая болезнь почек как проявление коморбидности у больных хронической обструктивной болезнью легких // Бюллетень. – 2018. – Вып. 69. – С. 115-122.

2. Бакина А.А., Павленко В., Нарышкина С. Комплексная оценка функционального состояния почек у больных хронической обструктивной болезнью легких // Сибирское мед. обозрение. – 2020. – №2. – С. 45-51.

3. Болотова Е.В., Дудникова А.В. Особенности нарушения функции почек у больных хронической обструктивной болезнью легких // Клин. нефрол. – 2015. – №2-3. – С. 27-32.

4. Болотова Е.В., Дудникова А.В. Хроническая болезнь почек у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких: роль частоты обострений // Пульмонология. – 2016. – Т. 26, №5. – С. 578-583.

5. Болотова Е.В., Дудникова А.В. Факторы, ассоциированные со снижением скорости клубочковой фильтрации, у больных хронической обструктивной болезнью легких // Тер. арх. – 2019. – №6. – С. 62-66.

6. Долгополова Д.А. Предикторы развития хронической болезни почек у больных хронической обструктивной болезнью легких // Клинист. – 2016. – Т. 10, №3. – С. 51-57.

7. Клинические практические рекомендации KDIGO 2012 по диагностике и лечению хронической болезни почек // Нефрология и диализ. – 2017. – Т. 19, №1. – С. 22-206.6

8. Нургазиева Д.С. Хроническая болезнь почек у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких // Бюл. мед. Интернет-конф. – 2016. – Т. 6, №5. – С. 518.

9. Салаева М.С., Худайберганаева Н.Х. Взаимосвязь социальных факторов с параметрами качества жизни у больных хронической обструктивной болезнью легких // Вестн. Кыргызской гос. мед. акад. им. И.К. Ахунбаева. – 2015. – №3. – С. 74-79.

10. Смирнов А.В., Шилов Е.М., Добронравов В.А. и др. Национальные рекомендации. Хроническая болезнь почек: основные принципы скрининга, диагностики, профилактики и подходы к лечению // Нефрология. – 2012. – Т. 16, №1. – С. 85-115.

11. Софронова А.Ф., Хуснуллина Г.Ф. Хроническая болезнь почек у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких: оценка факторов риска // Ульяновский гос. ун-т. – 2020. – С. 117-118.

12. Тришина В.В., Бычкова Л.В., Федоренко М.Г. Роль ХОБЛ в развитии почечной патологии // Вестн. РУДН. – Сер. Медицина. – 2011. – №2.

13. Чучалин А.Г., Авдеев С.Н., Айсанов З.Р. и др. Российское респираторное общество. Федеральные клинические рекомендации по диагностике и лечению хронической обструктивной болезни легких // Пульмонология. – 2014. – №3. – С. 15-54.

14. Chen C.-Y., Liao K.-M. Chronic Obstructive Pulmonary Disease is associated with risk of Chronic Kidney Disease: A Nationwide Case-Cohort Study // Sci. Rep. – 2016. – Vol. 6. – P. 25855.

15. Corrado P. et al. Predictors of Renal Function Worsening in Patients with Chronic Obstructive Pulmonary Disease (COPD): A Multicenter Observational Study // Nutrients. – 2021. – Vol. 13. – P. 2811.

16. Fabbian F., De Giorgi A., Manfredini F. et al. Impact of renal dysfunction on inhospital mortality of patients with severe chronic obstructive pulmonary disease: a single-center Italian study // Int. Urol. Nephrol. – 2016. – Vol. 48, №7. – P. 1121-1127.

17. Gaddam S., Gunukula S.K., Lohr J.W., Arora P. Prevalence of chronic kidney disease in patients with chronic obstructive pulmonary disease: a systematic review and meta-analysis // BMC Pulmon. Med. – 2016. – Vol. 16. – P. 158.

18. Global strategy for the diagnosis, management, and prevention of chronic obstructive pulmonary disease Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease (GOLD) 2013. Available at: <http://www.goldcopd.org/>.

19. Incalzi R.A., Corsonello A., Pedone C. et al. Chronic renal failure: a neglected comorbidity of COPD // Chest. – 2010. – Vol. 137. – P. 831-837.

20. Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO) CKD Work Group. KDIGO 2012 Clinical Practice Guideline for the Evaluation and Management. 45-51 51 of Chronic Kidney Disease // Kidney Int. – 2013. – Vol. 3, №1. – P. 1-150.

21. Lozano R., Naghavi M., Foreman K. et al. Global and regional mortality from 235 causes of death for 20 age groups in 1990 and 2010: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2010 // Lancet. – 2012. – Vol. 380 (9859). – P. 2095-2128.

22. Trudinski F.C. et al. Consequences of chronic kidney disease in chronic obstructive pulmonary disease // Respir. Res. – 2019. – Vol. 20. – P. 151.

ЎПКНИ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИНИ IV-ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИДА БУЙРАК ДИСФУНКЦИЯСИ, ЁНДОШ КАСАЛЛИКЛАР ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ УЧРАШИ

Гадаев А.Г., Салаева М.С.

Мақсад: IV-оғирликдаги сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда буйрак дисфункциясини ўрганиш. **Материал ва усуллар:** иш 2020-2023 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг пульмонология бўлимида олиб борилди. Касалхонада даволанган 328 ёшдан 24 ёшгача бўлган ИВ оғирликдаги сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган 82 беморнинг иш тарихи ретроспектив равишда ўрганилди. Бу ерда 236 эркак (71,9±4,4%) ва 92 аёл (28,0±5,5%). Ўртача ёш 65,4±0,77 ёш (эркакларнинг ўртача yoshi 66,6±1,18 ёш, аёллар 62,4±1,31 ёш), касалликнинг ўртача давомийлиги 15,2±1,08 ёш. 45 гуруҳидаги 1 беморларида креатинин даражаси 115 ммол/л ни ташкил етди, 283 гуруҳидаги 2 беморларида 115 ммол/л. **Натижалар:** IV-оғирликдаги сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда хавф омиллари протеинурия, беморларнинг жинси, чекиш, касалликнинг давомийлиги, нафас олиш йўллари билан боғлиқ муваффақиятсизлик, ён касалликлардан келиб чиққан анемия, сийдик йўллари инфекцияси. **Хулоса:** беморларда креатинин ва протеинурия даражасини аниқлаш қўшимча ўрганишни талаб қилади, чунки бу кўрсаткич буйрак дисфункциясини ташхислашда калит эмас.

Калит сўзлар: ўпкани сурункали обструктив касаллиги, буйрак дисфункцияси, хавф омиллар.

ЎПКАНИ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ БИЛАН КЕЧГАНДА БУЙРАК ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ УЧРАШИ

Гадаев А.Г., Халимова Х.Х.

ДИСФУНКЦИЯ ПОЧЕК И ФАКТОРЫ РИСКА ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ОБСТРУКТИВНОЙ БОЛЕЗНИ ЛЕГКИХ С АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ

Гадаев А.Г., Халимова Х.Х.

RENAL DYSFUNCTION AND RISK FACTORS IN CHRONIC OBSTRUCTIVE PULMONARY DISEASE WITH ARTERIAL HYPERTENSION

Gadaev A.G., Khalimova Kh.Kh.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: изучение факторов риска в ранней диагностике дисфункции почек при сочетании хронической обструктивной болезни легких с артериальной гипертензией. **Материал и методы:** клинико-функциональное обследование больных проводилось на базе отделения пульмонологии многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии в 2020-2023 гг. Артериальная гипертензия была диагностирована у 181 (54,8%) пациента (1-я группа), у 149 (45,1%) артериальная гипертензия не выявлена (2-я группа). **Результаты:** риск развития дисфункции почек при хронической обструктивной болезни легких с артериальной гипертензией выше, чем в группе без артериальной гипертензии. Также при сравнении факторов риска, вызывающих дисфункцию почек между группами, была выявлена высокая достоверность ($p < 0,01$) в группе пациентов с артериальной гипертензией. **Выводы:** при изучении дисфункции почек при хронической обструктивной болезни легких, сопровождающейся артериальной гипертензией, наряду с креатинином и протеинурией, была установлена связь с пациентами мужского пола, курильщиками, длительностью заболевания и сопутствующими заболеваниями.

Ключевые слова: хроническая обструктивная болезнь легких, артериальная гипертензия, дисфункция почек, факторы риска.

Objective: To study risk factors in early diagnosis of renal dysfunction in patients with chronic obstructive pulmonary disease and arterial hypertension. **Material and methods:** clinical and functional examination of patients was conducted at the pulmonology department of the multidisciplinary clinic of the Tashkent Medical Academy in 2020-2023. Blood pressure was diagnosed in 181 (54.8%) patients (group 1), blood pressure was not detected in 149 (45.1%) patients (group 2). **Results:** It has been established that the risk of developing kidney dysfunction in patients with chronic obstructive pulmonary disease with arterial hypertension is higher than in the group without arterial hypertension. Furthermore, when comparing risk factors causing kidney dysfunction between groups, a high significance ($p < 0.01$) was found in the group of patients with arterial hypertension. **Conclusions:** When studying kidney dysfunction in chronic obstructive pulmonary disease accompanied by arterial hypertension, along with creatinine and proteinuria, a connection was established with male patients, smokers, disease duration, and co-morbidities.

Key words: chronic obstructive pulmonary disease, arterial hypertension, renal dysfunction, risk factors.

Ўпкани сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) ва юрак қон томир патологиялари аҳоли орасида кенг тарқалган ва аксарият ҳолатларда коморбидликда кечадиган касалликлар гуруҳига киради.

Кўп тадқиқотларда ЎСОК да юрак қон томир патологияларининг бирга келиши умумий популяцияга нисбатан аниқланган. Ўтказилган йирик мета-таҳлилда ЎСОК мавжуд беморларда у бўлмаганларга нисбатан юрак қон томир патологиялари 2 маротаба кўп аниқланган ва ишонч интервали 2,02 – 3,00 га тенг бўлган [1,5].

Кўп сонли ўтаказилагн эпидемиологик, клиник ва экспериментал тадқиқотлар ЎСОК ва юрак қон томир патологияларининг қатор хавф омиллари, хусусан тамаки чекиш, ёшнинг улғайиши, яллиғланиш жараёнлари ҳар иккала ҳолатларда умумий эканлигини тасдиқлайди [14].

Маълумки инсон ёши улғайган сари организмнинг компенсатор имкониятлари ҳам қадамба – қадам камайиб боради. Шу сабабли бир инсонда бир

нечта касалликни аниқланиши кўпроқ ёши улуғ кишиларда қайд этилади. Тизимли таҳлилий мақолада 18 ёшли беморларда полиморбидлик фақат 12,9% ҳолларда аниқланган бўлса, 65 ёшдан катталарда бу кўрсаткич 95,1% га етган [4]. Улуғ ёш ва коморбидликни умум тан олинган хавф омиллари билан бир қаторда аёл жинси, ортиқча тана вазни, юқори бўлмаган социал – иқтисодий ҳолат ва беморни билим савияси ҳам унинг юзага келишига сабаб бўлади [2,4].

Тизимли яллиғланиш жараёнларини ЎСОК қузатилиши юрак қон томирларининг ўзгаришлари юзага келишининг асосий патогенетик механизми деб қаралмоқда [6,8].

Айрим тадқиқотларда барқарор кечаётган ЎСОК юрак қон томир касалликлари билан коморбидликда кечган беморларда коморбидлик бўлмаганларга нисбатан қатор яллиғланиш маркёрлари (моноцитлар, нейтрофиллар, фибриноген, С-реактив оксил, ўсма некроз омили, интерлейкин – 6 ва бошқалар) юқори бўлган [7].

Маълумки, артериал гипертензия (АГ) юрак қон томир касалликлари орасида бутун дунёда, шу жумладан республикамизда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Катта ёшдаги аҳоли орасида АГ тарқалиши 40 – 50 %га тенг бўлиб, ёш улғайган сари ошиб боради ва 60% дан кўп учрайди [9]. Ўтказилган кузатувларга кўра ЎСОК ва АГ коморбидликда кечадиган патологик ҳолатлар орасида кенг тарқалган ва айрим муаллифлар кузатувларига кўра 25% дан 89% эканлиги қайд этилган [10,15]. Чунки ЎСОК да кузатиладиган яллиғланиш жараёни, гипоксия, томирлар эндотелиясини зарарланиши, озод-радикал оксидланишининг фаоллашуви юрак қон томир, шу жумладан, гипертония касаллиги хавфини оширади [1,11-13].

Қатор адабиётлар таҳлили ва юқорида келтирилган маълумотлар ЎСОК коморбидлик /полиморбидликда кечганда буйраклар ҳам зарарланиши ва беморларда сурункали буйрак касаллиги ривожланиш эҳтимоли юқорилигини тасдиқлайди [2,3,8]. Қон босими юқори беморларда эса буйрак асосий нишон аъзо ҳисобланади ва жараёнга унинг қўшилиши бемор ҳаёт сифати ҳамда умр давомийлигини кескин салбий таъсир кўрсатади. Лекин шунга қарамасдан ЎСОК артериал гипертензия билан коморбидликда кечганда буйрак дисфункциясини эрта ташхислаш етарли даражада ўрганилмаган ва ушбу ҳолатларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот мақсади

ЎСОК артериал гипертензия билан коморбидликда кечганда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислашда хавф омилларини ўрганиш.

Материал ва усуллар

ЎСОК билан хасталанган беморларнинг клиник-функционал текширувлари охириги халқаро дастурга мос келувчи [Ўпкани сурункали обструктив касаллиги бўйича кенг миқёсдаги ташаббус (Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease – GOLD) 2014] таснифи қўлланилди. Ушбу илмий тадқиқот ишлари Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг пульмонология бўлимида 2020-2023 йилларда шифохонада даволанган 27 ёшдан 86 ёшгача бўлган 330 нафар ЎСОК билан хасталанган беморларнинг касаллик тарихи бўйича ретроспектив тахлили ўтказилди. Шундан 181 (54,8%) нафар беморларда артериал гипертензия кузатилган, 149 (45,1%) нафарида кузатилмади. Асосий гуруҳдаги ЎСОК артериал гипертензия кузатилган беморларнинг 137 (79,6±3,4%) нафари эркаларни ва 44 (28,0±4,5%) нафар аёлларни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши 68,3±0,72 йилни (эркаклар ўртача ёши – 69,3±0,70 йил, аёлларники – 65,4±0,76 йил), касаллик давомийлиги ўртача 14,3±1,08 ташкил этди. Беморлар 2 та гуруҳга ажратилди. Биринчи асосий гуруҳ артериал гипертензия мавжуд бўлган 181 та (54,8%) беморларни, иккинчи гуруҳ артериал гипертензия кузатилмаган назорат гуруҳидаги 149 та (45,1%) беморларни ташкил этди. ЎСОК беморларининг ёши ва жинсига боғлиқ ҳолда тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ЎСОК артериал гипертензия билан бирга келган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши, абс. (%)

Ёши	ЎСОК артериал гипертензия билан бирга келган беморлар, n=181	Жами
44	1 (0,6±2,1)	2 (1,1±2,2)
45-54	14 (9,7±3,2)	20 (11,0±2,1)
55-64	34 (23,7±2,1)	5 (28,1±2,1)
65-74	61 (42,6±3,1)	72 (39,7±2,4)
>74	31 (17,1±2,1)	36 (19,8±1,6)
Жами	141 (79,0±4,2)	181 (100)

Изоҳ. Нумераторда эркалар маълумотлари, махражда аёллар маълумотлари мавжуд.

ЎСОК билан хасталанган беморларнинг барчасида артериал гипертензия билан бирга келганда хавф омилларининг боғлиқлигини баҳолаш мақсадида беморлар жинси, касаллик давомийлиги, чекувчилар, тана вазни индекси, қон таркибидаги креатинин, сийдик таркибида эса оқсил миқдори, пульсоксиметр ёрдамида кислород сатурацияси аниқланди. ЎСОК да хансираш mMRC (Medical Research Council Dyspnea Scale) шкаласи ёрдамида баҳоланди.

Тадқиқот натижалари

Текширишлар натижасида, ЎСОК артериал гипертензия билан келган биринчи гуруҳдаги беморларни жинси бўйича таққослаганимизда, эркалар

72,9%, аёллар 27% ни, фақат ЎСОК билан хасталанган иккинчи гуруҳдаги беморларда эса, мос равишда 69,7% ва 30,2% ни ташкил этди. У артериал гипертензия билан кечганда хавф омилларининг учраши 2-жадвалда келтирилган.

Зарарли одатлари (сигарет чекиши) бўйича тахлил қилганимизда эса, биринчи гуруҳда 59,1% ни, иккинчи гуруҳда 52,1% аниқланди. Жумладан, биринчи гуруҳдаги беморларда касаллик давомийлигини 10,1±3,4 қарши 11,4±2,1 ни ташкил этди (p<0,05), юрак ишемик касаллиги 90 (60,4)га қарши 172 (90,0) (p<0,001), анемия 76 (51,0) га қарши 81 (44,7) (p<0,05), қандли диабет касалликлари 26

(17,4) га қарши 39 (21,5) ($p < 0,05$), қон таркибидаги креатинин 91,1±6,96 га қарши 95,2±5,43 ($p < 0,05$), протеинурия 93 (62,4) га қарши 122 (67,4) ($p < 0,05$)

ишончли даражада қўпчиликни ташкил этганлиги аниқланди.

2-жадвал

ЎСОК билан оғриган беморлар артериал гипертензия билан келганда хавф омилларининг учраши

Кўрсаткичлар	Артериал гипертензия аниқланган беморлар, n=181	Артериал гипертензия аниқланмаган беморлар, n=149	p
Ўртача ёши	68,3±0,72	62,0±1,08	<0,05
Эркаклар	132 (72,9)	104 (69,7)	<0,05
Аёллар	49 (27,0)	45 (30,2)	<0,05
Сигарет чекувчилар	107 (59,1)	78 (52,3)	<0,05
Касаллик давомийлиги, йил	11,4±2,1	10,1±3,4	<0,05
Тана вазни индекси, кг/м ²	27,8±0,52	25,8±0,75	<0,05
mMRS, балл	3,3±0,128	3,2±0,04	<0,05
SpO ₂ , n	90,3±0,126	93±0,126	<0,05
Юрак ишемик касаллиги	172 (90,0)	90 (60,4)	<0,001
Қандли диабет	39 (21,5)	26 (17,4)	<0,05
Анемия	81 (44,7)	76 (51,0)	<0,05
Сийдик йўллари инфекцияси	58 (32,0)	40 (26,8)	<0,05
Асаб тизими касалликлари	41 (22,6)	39 (26,1)	<0,03
Меъда ичак тизими касалликлари	65 (35,9)	63 (42,2)	<0,05
Креатинин, ммол/л	95,2±5,43	91,1±6,96	<0,05
Протеинурия	122 (67,4)	93 (62,4)	<0,05

Хулоса

1.Ўпкани сурункали обструктив касаллиги артериал гипертензия билан кечганда буйраклар дисфункциясини ўрганишда, креатинин ва протеинурия билан бирга, эркак жинсдаги беморлар, чекувчилар, касаллик давомийлиги ва ёндош касалликларнинг боғлиқлиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Акминеева А.К. Биохимические маркеры дисфункции эндотелия при хронической обструктивной болезни легких в сочетании с гипертонической болезнью, ишемической болезнью сердца // Тер. арх. – 2014. – Т. 86, №3. – С. 20-23.
2. Аваков В.Е., Кинванлун И.Г., Давузов Р.Р. и др. Клинико-функциональные особенности почечной дисфункции у больных, страдающих хронической обструктивной болезнью легких и артериальной гипертензией // Вестн. Рос. ВМА. – 2019. – №4 (68). – С. 51-5.
3. Авдеев С.Н. Хроническая обструктивная болезнь легких как системное заболевание // Хроническая обструктивная болезнь легких. – М.: Атмосфера, 2011. – С. 131-149.
4. Авдеев С.Н. Патогизиология обострений хронической обструктивной болезни легких // Вестн. анест. и реаниматол. – 2019. – Т. 16, №2. – С. 75-82.
5. Агранович Н.В., Пилипович Л.А. Возможности ранней диагностики хронической болезни почек у больных с хронической обструктивной болезнью легких // Наука России: Цели и задачи: Сб. науч. тр. по материалам 26-й междунар. науч. конф. – Екатеринбург, 2021. – С. 6-10.
6. Агранович Н.В., Пилипович Л.А., Мацукатова В.С. и др. Биохимические маркеры поражения почек у пожилых пациентов с хронической обструктивной болезнью легких // Мед. вестн. Северного Кавказа. – 2018. – Т. 13, №4. – С. 673-675.

7. Бакина А.А., Павленко В.И. Коморбидность при хронической обструктивной болезни легких: современные тенденции // Материалы 8-го съезда врачей-пульмонологов Сибири и Дальнего Востока; Под общ. ред. акад. РАН В.П. Колосова. – Благовещенск, 2019. – С. 115-119.

8. Бакина А.А., Павленко В.И. Скорость клубочковой фильтрации у лиц с хронической обструктивной болезнью легких // Бюл. физиол. и патол. дыхания. – 2020. – Вып. 75. – С. 53-59.

9. Бакина А.А., Павленко В.И., Нарышкина С.В. Комплексная оценка функционального состояния почек у больных хронической обструктивной болезнью легких // Сибирское мед. обозрение. – 2020. – №2 (122). – С. 45-51.

10. Бакина А.А., Павленко В.И., Нарышкина С.В. Частота обострений хронической обструктивной болезни легких как фактор риска развития почечной дисфункции // Амурский мед. журн. – 2019. – №3 (27). – С. 22-26.

11. Барсуков А.В., Таланцева М.С., Коровин А. Е., Казанцев В.А. Проблема сочетанного течения эссенциальной гипертензии и хронической обструктивной патологии легких // CardioСоматика. – 2012. – Т. 3, №4. – С. 12-17.

12. Болотова Е.В., Дудникова А.В. Особенности дисфункции почек у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких // Клин. нефрол. – 2015. – Т. 2, №3. – С. 27-32.

13. Болотова Е.В., Дудникова А.В. Особенности факторов риска хронической болезни почек у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких // Нефрология. – 2015. – Т. 19, №5. – С. 28-33.

14. Болотова Е.В., Дудникова А.В. Факторы, ассоциированные со снижением скорости клубочковой фильтрации, у больных хронической обструктивной болезнью легких // Тер. арх. – 2019. – №6. – С. 62-66.

15. Болотова Е., Являнская В., Дудникова А. Хроническая

ЎПКАНИ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ БИЛАН КЕЧГАНДА БУЙРАК ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ УЧРАШИ

Гадаев А.Г., Халимова Х.Х.

Мақсад: сурункали обструктив ўпка касаллигини артериал гипертензия билан биргаликда буйрак дисфункциясини эрта ташхислашда хавф омилларини ўрганиш. **Материал ва усуллар:** 2020-2023 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг пульмонология кафедраси базасида беморларни клиник ва функционал текшириш ўтказилди. Артериал гипертензия 181 (54,8%) беморда (1-гурух), 149 (45,1%) артериал гипертензия аниқланма-

ди (2-гурух). **Натижалар:** артериал гипертензия мавжуд ўпканинг сурункали обструктив касаллигида буйрак дисфункцияси ривожланиш хавфи артериал гипертензиясиз гуруҳга қараганда юқори эканлиги аниқланди. Шунингдек, гуруҳлар ўртасида буйраклар дисфункциясини келтириб чиқарувчи хавф омиллари таққосланганда, артериал гипертензия билан оғриган беморлар гуруҳида юқори ишонччилик ($p < 0,01$) аниқланди. **Хулоса:** артериал гипертензия билан кечувчи ўпканинг сурункали обструктив касаллигида буйраклар дисфункцияси ўрганилганда, креатинин ва протеинурия билан бир қаторда эркак беморлар, чекувчилар, касалликнинг давомийлиги ва ёндош касалликлар билан боғлиқлиги аниқланди.

Калит сўзлар: ўпкани сурункали обструктив касаллиги, артериал гипертензия, буйрак дисфункцияси, хавф омиллар.



СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА СТАНДАРТ ДАВО МУОЛАЖАЛАРИНИНГ ЮРАК ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ ВА ҲАЁТ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Гадаева Н.А., Гадаев А.Г., Шамсутдинова Г.Б.

ВЛИЯНИЕ СТАНДАРТНОГО МЕДИЦИНСКОГО ЛЕЧЕНИЯ НА ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ СТАТУС СЕРДЦА И КАЧЕСТВО ЖИЗНИ ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ

Гадаева Н.А., Гадаев А.Г., Шамсутдинова Г.Б.

THE EFFECT OF STANDARD MEDICAL TREATMENTS ON HEART FUNCTIONAL STATUS AND QUALITY OF LIFE IN PATIENTS WITH CHRONIC HEART FAILURE

Gadaeva N.A., Gadaev A.G., Shamsutdinova G.B.

Тошкент тиббиёт академияси, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Цель: изучение влияния различных методов лечения на сывороточный альдостерон, N-про мозговой натрий-уретический гормон и функциональный статус сердца у пациентов с хронической сердечной недостаточностью. **Материал и методы:** в 2022-2023 гг. под наблюдением были 120 пациентов с хронической сердечной недостаточностью. Пациенты 1-й группы в качестве стандартного лечения получали β-блокаторы+ингибитор ангиотензин превращающего фермента или антагонисты рецепторов ангиотензина+антагонисты минералокортикоидных рецепторов (верошпирон), 2-й группы – β-блокатор+сакубитрил-валсартан (юпердио)+верошпирон, 3-й – β-адреноблокатор+сакубитрил-валсартан (юпердио)+верошпирон+ингибиторы глюкозо-натриевого котранспортера 2-го типа (дапаглифлозин). **Результаты:** развитие фиброзных процессов у больных хронической сердечной недостаточностью взаимосвязано с функциональным состоянием сердца. Это подтверждается положительными изменениями показателей N-пронатрийуретического пептида и альдостерона после лечения у пациентов, получавших сакубитрил+валсартан и дапаглифлозин, а также достоверным положительным улучшением функционального состояния сердца. Об этом свидетельствовали высокодостоверные положительные изменения конечно-систолического и диастолического объемов сердца и фракции выброса левого желудочка.

Выводы: улучшение этих показателей положительно влияет на качество жизни пациентов.

Ключевые слова: N-пронатрийуретический пептид, альдостерон, сакубитрил+валсартан, дапаглифлозин.

Objective: To study the effect of various treatment methods on serum aldosterone, N-pro-brain natriuretic hormone and cardiac function in patients with chronic heart failure. **Material and methods:** In 2022-2023, 120 patients with chronic heart failure were observed. Patients of the 1st group received β-blockers + angiotensin converting enzyme inhibitor or angiotensin receptor antagonists + mineralocorticoid receptor antagonists (veroshpiron) as standard treatment, the 2nd group - β-blocker + sacubitril-valsartan (uperio) + veroshpiron, the 3rd - β-blocker + sacubitril-valsartan (uperio) + veroshpiron + glucose-sodium cotransporter type 2 inhibitors (dapagliflozin). **Results:** The development of fibrotic processes in patients with chronic heart failure is interconnected with the functional state of the heart. This is confirmed by positive changes in N-pronatriuretic peptide and aldosterone levels after treatment in patients receiving sacubitril + valsartan and dapagliflozin, as well as a reliable positive improvement in the functional state of the heart. This was evidenced by highly reliable positive changes in end-systolic and diastolic volumes of the heart and left ventricular ejection fraction. **Conclusions:** Improvement of these indicators has a positive effect on the quality of life of patients.

Key words: N-pronatriuretic peptide, aldosterone, sacubitril + valsartan, dapagliflozin.

Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) замонавий тиббиётнинг долзарб тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади [11,13]. Бу унинг кенг тарқалганлиги, ўта оғир оқибатларга олиб келиши ва даволаш учун катта маблағлар сарфланиши билан боғлиқ.

СЮЕ оқибатига юзага келадиган ўлим умумий популяцияга нисбатан 4-8 баробар юқори ва беморларнинг ярми ушбу ташхис қўйилгандан сўнг 5 йил ичида ҳаётдан қўз юмадилар. Унинг IV функционал синфида (ФС) ярим йил ичида ўлим 44% ташкил этади [3,10,15].

Эпидемиологик маълумотларга кўра Европа мамлакатларида аксарият ҳолларда СЮЕ артериал гипертензия (95%) ҳамда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) (69,7%) оқибатида ривожланади [4]. Республикамизда ҳам ушбу оғир асоратнинг асосий

сабабчиси кўпинча юқорида келтирилган икки касаллик ҳисобланади.

Аҳоли ҳаёт давомийлигининг ошиши, юрак қон – томир касалликларини даволашда эришилган ижобий натижалар ҳамда СЮЕ олиб келувчи асосий касалликлар ҳисобланган ЮИК ва артериал гипертензия сабаб бўлувчи хавф омилларининг кенг тарқалганлиги оқибатида бу оғир асорат жаҳон аҳолиси орасида тобора кўпроқ учрамоқда [5]. Сўнги йилларда эришилган ютуқларга қарамасдан бу СЮЕ бутун жаҳондаги барча мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш иқтисодиётига ҳамон оғир молиявий юк бўлиб қолаётганлигини тасдиқлайди.

СЮЕ барча аъзоларда тизимли ўзгаришлар кузатилади ва унда юракдаги ремоделланиш жараёнлари алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, СЮЕ ташхислаш ва даволаш самардорлигини баҳолашда қатор текшириш усулларидадан фойдаланилади. Улар орасида биологик маркер сифатида натрийуретик гормонлар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда унинг қатор вакиллари мавжуд бўлиб улар орасида мия ва N-про мия натрий уретик пептидлари СЮЕ ташхислаш ва уни кечишини баҳолашда кенг қўлланилади. СЮЕ билан оғриган беморларда даволаш самарасини назорат қилиш учун N-про натрий уретик пептиднинг қондаги концентрациясидан фойдаланишни биринчилардан бўлиб А.М. Richards кўрсатди. Унда гармон назоратида СЮЕ II-III ФС ташхиси кўйилган беморларда ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари (ААФИ) дозасини титрлаб кузатув олиб борилган ва бундай ёндошиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган [8,12].

Лизиноприл ва омапатрилат олган 573 нафар беморларни қамраб олган IMPRESS текширувида СЮЕ мавжуд ва чап қоринча қон отиш фракцияси 40% кам бўлганларда рандомизирланган текширувда муолажалар бошлангандан кейин 1-2 йил ўтгач нейрогармоннинг ишончли камайиши қайд этилган [6]. S. Tang ва ҳаммуаллифлар томонидан валсартан ва бенезеприл қабул қилган беморларда ўтказилган экспериментал кузатувларда ҳам юқоридагиларга ўхшаш маълумотлар олинган [14].

Шунингдек, қатор кузатувларда β-блокаторларни қабул қилган беморларда ҳам мия натрий уретик пептидини қонда пасайиши аниқланган [7].

Стероидли гормонлар гуруҳига кирувчи альдостерон концентрациясини қонда мунтазам кўтарилиши қонбосимиға таъсир кўрсатиб томир, юрак ва буйрак касалликларида асоратлар келиб чиқишида ҳамда метаболик ўзгаришларга асаб аб бўлади [6].

Альдостерон симпатик нерв тизимини фаоллаштиради ва эркин радикаллар реакциясини кучайтириб апоптозни юзага келтиради. Оқибатда узоқ давом этувчи гиперальдостеронизм юрак ва бошқа аъзоларда ремоделиниш жараёнларини рағбатлан тириб СЮЕ кечишини ҳамда касаллик оқибатини оғирлаштиради [2]. У юракда фибробластларни фаоллаш тириб коллаген синтезини кучайтиради ва миокардда интерстициал фиброз чақиради. Буйракларнинг дистал каналчаларида натрий ва сув реабсорбциясини кучайтиради, калий ҳамда магний экскрециясини оширади, фибробластларни рағбатлантириб коллаген синтезини кўпайтиради ва мезенгиал фиброзга олиб келади. Ундан ташқари томирларга таъсир кўрсати буни кенгайтирувчиларни ишлаб чиқарилишини сусайтиради, коллаген синтезини оширади, эндотелия пролиферациясини ва дисфункциясини юзага келтириб периваскуляр фиброзга ва тромблар ҳосил бўлишига асабаб бўлади [1,2].

Сўнгги йилларда кардиоваскуляр патологиялар ва буйрак зарарланишида альдостеронга алоҳида омил сифатида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш лозим [9].

Юқоридагиларни инобатга олиб биз кузатувимиздаги беморларда турли таркибли даво муолажааридан олдин ва кейин N-про мия натрий уретик гармонни ҳамда альдостерон кўрсаткичларини ўргандик.

Тадқиқот мақсади

Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда турли таркибли муолажаларининг қон зардобидидаги алдостерон, N-про мия натрий уретик гормони ва юрак функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Ушбу илмий тадқиқот иши 2022 ва 2023 йилларда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти клиникасида даволанган, ЮИК ва АГ негизида ривожланган СЮЕ мавжуд 120 нафар беморларда олиб борилди. Улар ўз навбатида ўтказилган даво муолажаларидан келиб чиқиб учта гуруҳларга бўлиб ўрганилди. Ҳар бир гуруҳни 20 тадан СЮЕ II - III ФС дан иборат бўлган 40 нафар беморлар ташкил этдилар. Биринчи гуруҳ беморларнинг ўртача ёши $66,1 \pm 1,8$ га тенг бўлиб, эркаклар 21 (52,5%) ва аёллар 19 (47,5%) дан иборат бўлди. Кузатувдаги беморларнинг 1-гуруҳига СЮЕ нинг стандарт давоси сифатида β-блокаторлар+ААФИ ёки ангиотензин рецепторлари антагонистлари (АРА)+минералокортикоид рецепторлари антагонистлари (МРКА)-верошпирон буюрилди. Иккинчи гуруҳ беморларнинг ўртача ёши $65,9 \pm 1,5$, эркаклар 24 (60%) ва аёллар 16 (40%) дан иборат бўлди. Улар таркибида β-блокаторлар+сакубитрил-валсартан (юпердио)+МРКА-верошпирон бўлган стандарт даво қабул қилдилар. Учинчи гуруҳ беморларнинг ўртача ёши $64,7 \pm 1,3$ га тенг бўлиб, уларнинг 21 (52,5%) нафари эркаклар ва 19 (47,5%) нафари аёллар эди. Ушбу беморларга β-блокаторлар+сакубитрил-валсартан (юпердио)+МРКА-верошпирон+глюкоза – натрий ко-транспорттери 2 тип ингибиторлари (дапаглифлозин) препаратлари тавсия қилинди.

Тадқиқотга жалб этилган барча кузатувдагиларда муолажалар бошланишидан олдин ва ундан 6 ой ўтгандан кейин умумқабул қилинган лаборатор текширувлар ўтказилди, қон зардобидидаги N-про натрийуретик пептид ва алдостерон кўрсаткичлари аниқланди ҳамда эхокардиография ёрдамида юрак функционал ҳолати баҳоланди.

Қон зардобидидаги N-про натрийуретик пептид миқдори “Вектор-БЕСТ” реагентларидан фойдаланилган ҳолатда иммунофермент тахлили ёрдамида аниқланди. Тадқиқотда қон зардобидидаги N-про натрийуретик пептид аниқлашда фойдаланилган реагент текшириш оралиғи 0 - 2500 пг/мл, сезгирлиги 20,0 пг/мл ни ташкил этди.

Қон зардобидидаги альдостерон миқдори “DBC Aldosterone ELISA” (Канада) реагентларидан фойдаланилган ҳолатда иммунофермент тахлили ёрдамида аниқланди. Тадқиқотда қон зардобидидаги альдостеронни аниқлашда фойдаланилган реагент текшириш оралиғи 9,0 - 2000 пг/мл ни, сезгирлиги 9,1 пг/мл ни, референс кўрсаткич 55,4 пг/мл ни ташкил этди.


Беморларни ҳаёт сифатини баҳолашда 2000 йил С.Р. Green ва С.В. Porter (2000) томонидан тавсия этилган Kansas сўровномасидан фойдаланилди. Ушбу сўровномани бемор охириги ой давомидаги умумий аҳволдан келиб чиққан ҳолда мустақил тўлдиради.

Тадқиқот натижалари тахлили ва муҳокамаси

Кузатувимиздаги барча гуруҳ беморларда муолажалардан олдин ва кейин қон зардобидидаги N-про мия натрий уретик пептид кўрсаткичларини ўрган-

дик. Қуйидаги 1-расмда қон зардобидаги N-про мия натрий уретик пептид кўрсаткичларининг муолажа-

лардан олдин ва кейинги солиштирма таҳлили келтирилган.




1-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда N-про мия натрий уретик пептид кўрсаткичларининг муолажалардан олдинги ҳамда кейинги солиштирма таҳлили, пг/мл. Изоҳ. * - даводан олдинги ҳамда кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$.

Гуруҳлар ўртасида муолажалардан олдин N-про мия натрий уретик пептид кўрсаткичи ўзаро солиштирма ўрганилганда ишончли фарқлар ($p > 0,05$) кузатилмади.

Биринчи гуруҳ беморларда қон зардобидаги N-про мия натрий уретик пептид кўрсаткичи муолажалардан олдин ва кейин 1213,2±40,2 пг/мл дан 1067,4±36,4 пг/мл га 1,14 мартаба камайди ҳамда ишончли фарқ қайд ($p < 0,05$) этилди. Иккинчи гуруҳда муолажалардан олдин унинг миқдори 1244,6±47,2 пг/мл ва кейин 1050,2±39,8 пг/мл ни ташкил этиб 1,2 мартаба

камайди ва юқори ишончли ($p < 0,01$) фарқ аниқланди. Таркибида β-блокаторлар+сакубитрил-валсартан (юперио)+МРКА+глюкоза – натрий ко-транспорттери 2 тип ингибиторлари (дапаглифлозин) мавжуд стандарт даво олган III гуруҳда N-про мия натрий уретик пептид кўрсаткичи 1189,2±32,5 пг/мл дан 936,6±29,3 пг/мл га 1,3 мартаба камайди ва юқори ишончли ($p < 0,001$) фарқ кузатилди.

Қуйидаги 2-расмда қон зардобидаги альдостерон кўрсаткичларининг муолажалардан олдин ва кейинги солиштирма таҳлили келтирилган.



2-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда альдостерон кўрсаткичларининг муолажалардан олдинги ва кейинги солиштирма таҳлили (пг/мл). Изоҳ. * - даводан олдинги ҳамда кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** $p < 0,001$.

Кузатувимиздаги гуруҳлар ўртасида муолажалардан олдин альдостерон кўрсаткичлари ўзаро солиштирма ўрганилганда улар орасида ишончли фарқ ($p > 0,05$) аниқланмади.

Альдостерон кўрсаткичлари ўтказилган муолажалардан сўнг биринчи гуруҳ беморларда 508,4±20,52 пг/мл дан 426,7±15,2 пг/мл га 16% га

ишончли ($p < 0,01$) камайгани кузатилди. Иккинчи гуруҳ беморларда муолажадан олдин 516,2±25,8 пг/мл ва кейин 392,4±16,5 пг/мл га тенг бўлиб альдостерон миқдори 23,9% га юқори ишончли ($p < 0,001$) пасайганлиги қайд этилди. Ўтказилган муолажалардан сўнг қон зардобида альдостерон миқдори учинчи гуруҳ беморларда энг юқори 28,3% га яхшилан-

ганлиги кузатилди (523,4±17,6 пг/мл дан 374.6±14.2 пг/мл гача, p<0,001).

Беморларни даводан сўнг олти ой проспектив кузатиш давомида улардаги юрак функционал ҳолати ҳам ўрганилди ва олинган натижалар муолажалардан олдинги кўрсаткичлар билан солиштирма

баҳоланди. Қуйидаги 1-жадвалда тадқиқотга жалб қилинган СЮЕ мавжуд беморларда ўтказилган даво муолажаларидан олдинги ва кейинги юрак функционал ҳолати кўрсаткичларининг гуруҳлар ўртасидаги солиштирма таҳлили келтирилган.

1-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда турли таркибли стандарт даво муолажаларидан сўнг юрак функционал ҳолати кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ, n=40	2-гуруҳ, n=40	3-гуруҳ, n=40
Чап бўлмача ўлчами (19-40 мм)	<u>42,2±1,4</u> 39,5±1,5	<u>42,6±1,5</u> 38,1±1,2*	<u>41,8±1,4</u> 36,2±1,3**
Чап қоринча сўнги систолик ўлчами (2,6-3,8 см), см	<u>4,6±0,16</u> 4,1±0,14*	<u>4,7±0,15</u> 4,2±0,13*	<u>4,8±0,15</u> 3,9±0,2**
Чап қоринча сўнги диастолик ўлчами (4,4-5,4 см)	<u>5,8±0,13</u> 5,5±0,12	<u>6,1±0,2</u> 5,5±0,15*	<u>6,3±0,16</u> 5,2±0,2***
Чап қоринча сўнги диастолик ҳажми (88-145 мл), мл	<u>186,6±5,8</u> 161,4±6,3**	<u>188,2±6,4</u> 158,8±6,6**	<u>190,5±6,5</u> 150,2±5,8***
Чап қоринча сўнги систолик ҳажми (45-68 мл), мл	<u>90,4±5,2</u> 76,5±5,6	<u>92,6±5,8</u> 73,5±5,5*	<u>89,4±5,6</u> 68,2±5,2**
Чап қоринча қон отиш фракцияси, %	<u>40,6±1,8</u> 47,8±2,0*	<u>39,6±1,8</u> 48,2±2,2**	<u>38,2±1,6</u> 51,5±1,4***
Чап қоринча миокард вазни, г	<u>204,2±10,2</u> 186,5±9,8	<u>205,6±10,7</u> 182,5±11,3	<u>202,6±9,9</u> 176,2±10,4

Изоҳ. Нумераторда олдинги маълумотлар ва махражда даволанишдан кейинги маълумотлар мавжуд. * - Даводан олдинги ҳамда кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончлилиги: * - p<0,05, ** - p<0,01, * - p<0,001.**

Жадвалда келтирилганидек, ўтказилган даво муолажаларидан сўнг биринчи гуруҳда чап бўлмача ўлчами муолажадан олдин ва кейин 42.2±1.4 мм. дан 39.5±1.5 мм. га камайди, лекин ишончли фарқ аниқланмади (p>0.05). Иккинчи гуруҳда даводан кейин 42.6±1.5 мм дан 38.1±1.2 мм га ишончли (p<0,05) ва учинчи гуруҳда 41.8±1.4 мм дан 36.2±1.3 мм га юқори ишончли (p<0,01) пасайди. Чап қоринча сўнги систолик ўлчами муолажадан олдин биринчи ва иккинчи гуруҳда мос равишда 4.6±0.16 ва 4.7±0.15 см ни ташкил этган бўлса муолажалардан сўнг мос равишда 4.1±0.14 ва 4.2±0.13 см га тенг бўлиб, ишончли (p<0,05) фарқ қайд этилди. Учинчи гуруҳда муолажадан олдин 4.8±0,15 см ва кейин 3.9±0.2 см га 1,23 мартаба яхшиланди ҳамда юқори ишончли фарқ кузатилди (p<0,01). β-блокаторлар+А-АФИ ёки АРА+МРКА қабул қилган биринчи гуруҳ беморда чап қоринча сўнги диастолик ўлчами 5.8±0.13 см дан 5.5±0.12 см га камайди ва ишончли фарқ қайд этилмади (p>0,05). Иккинчи яъни β-блокаторлар+сакубитрил-валсартан (юперіо)+МРКА қабул қилган беморларда унинг ўлчами 6.1±0.2 см дан 5.5±0.15 см га 10% яхшиланди ва ишончли фарқ аниқланди (p<0,05). Учинчи яъни β-блокаторлар+сакубитрил-валсартан (юперіо)+МРКА+глюкоза – натрий ко-транспорттери 2 тип ингибиторлари (дапаглифлосин) препаратлари буюрилган беморлар гуруҳида чап қоринча сўнги диастолик ўлчами муолажалардан кейин 18 % га ижобий томонга ўзгарди ва юқори ишончли фарқ қайд этилди (6.3±0,16 дан 5.2±0.2 см га, p<0,001).

Чап қоринча сўнги диастолик ҳажми биринчи ва иккинчи гуруҳда даводан олдин ҳамда кейин мос равишда 186,6±5.8мл дан 161.4±6.3 мл га ва 188.2±6.4

мл дан 158.8±6.6 мл га яхшиланди. Иккала гуруҳда ҳам фарқлар ишончли бўлди (p<0,01). Учинчи гуруҳда эса муолажадан олдин 190,5±6,5мл ва кейин 150.2±5.8 мл га, 1,27 мартаба камайиб юқори ишончли фарқ (p<0,001) аниқланди.

Чап қоринча сўнги систолик ҳажми муолажадан олдин ва кейин биринчи гуруҳда 90.4±5.2 мл дан 76.5±5.6 мл га 15% га яхшиланди, лекин ишончли фарқ қайд этилмади (p>0.05). Иккинчи гуруҳда 92.6±5.8 мл дан 73.5±5.5 мл га 20,5% га камайиб ишончли фарқ аниқланди. Учинчи гуруҳда чап қоринча сўнги систолик ҳажми 89,4±5,6 мл дан 68.2±5.2 мл га 23,7% га ижобий томонга ўзгарди ҳамда ишончли фарқ кузатилди (p<0,01). Чап қоринча қон отиш фракцияси муолажадан кейин биринчи гуруҳда 40,6±1.8% дан 47.8±2.0% га ишончли (p<0,05), иккинчи гуруҳда 39.6±1.8% дан 48.2±2.2% га (p<0,01) ва учинчи гуруҳда 38.2±1,6% дан 51.5±1.4% га юқори ишончли (p<0,001) ошганлиги қайд этилди. Чап қоринча миокард вазни биринчи гуруҳда муолажалардан олдин ва кейин 204.2±10,2 дан 186.5±9.8 г га, иккинчи гуруҳда 205,6±10,7 г дан 182.5±11.3 г ҳамда учинчи гуруҳда 202,6±9,9 г, дан 176.2±10.4 г га сезиларли камайган бўлса ҳам барча гуруҳларда ўзгаришлар ишончли бўлмади (p> 0.05).

Ўтказилган таҳлилда учинчи гуруҳда қолган икки гуруҳга нисбатан юрак ичи гемодинамикаси, хусусан, сўнги систолик ва диастолик ҳажм ҳамда чап қоринча қон отиш фракцияси кўрсаткичлар юқори ишончли ижобий ўзгаришлараниқланди. Олинган натижалар СЮЕ мавжуд беморларда стандарт даво таркибида сакубитрил-валсартан (юперіо) ва глюкоза-натрий ко-транспорттери 2 тип ингибиторлари

(дапаглифлозин) препаратлари биргаликда қўллаш юқори самарали эканлигини кўрсатди. Бу глюкоза натрий котранспортори 2 тип ингибиторлари гуруҳига кирувчи препаратларнинг ҳам юрак функционал ҳолатини тикланишига ижобий таъсирини исботлайди.

Сўнги йилларда СЮЕ мавжуд беморларни самарали даволаш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ҳаёт сифатини аниқлашда кўплаб сўровномалардан фойдаланиб келинади. Жумладан, улар орасида МОС-SF-36 (36-Item Short Form Survey) ва

Миннесота сўровномасидан кенг фойдаланилади. Биз тадқиқотимизда беморлар ҳаёт сифатини аниқлашда нисбатан янги ҳисобланган Канзас сўровномасидан (Kansas City Cardiomyopathy Questionnaire, KCCQ) фойдаландик. Ушбу сўровнома бемор даво муолажаларининг охири ой давомидаги умумий аҳволидан келиб чиққан ҳолда мустақил тўлдиради. Куйидаги 2-жадвалда беморларда муолажалардан олдин ва кейин ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ўзгарши келтирилган.

2-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда турли таркибли стандарт даво муолажаларидан сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ўзгарши, балл

Ҳаёт сифати кўрсаткичлари	1-гурӯх, n=40	2-гурӯх, n=40	3-гурӯх, n=40
Жисмоний чегараланганлик	39,4±4,6 57,2±5,2*	38,1±4,2 58,3±4,9**	38,4±4,1 63,2±5,1***
Шикоятлар	36,5±4,3 61,4±6,4**	39,7±4,8 63,9±5,4**	40,1±5,0 67,2±4,9***
Ўз-ўзига ёрдам	62,7±6,2 78,2±5,8	59,8±6,3 78,6±5,6*	58,6±5,7 82,7±6,2**
Ижтимоий чегараланиш	38,5±4,6 55,1±4,8*	38,2±4,8 61,2±5,1**	38,8±4,5 61,5±5,6**
Ҳаёт сифати	40,4±4,1 58,8±4,6**	42,3±4,5 62,3±4,8**	41,8±4,7 67,4±5,4***
Умумий балл	43,4±4,7 61,0±5,5*	43,2±4,9 63,3±5,1**	43,5±4,8 68,3±5,3***

*Изоҳ. Нумераторда олдинги маълумотлар ва махражда даволанишдан кейинги маълумотлар мавжуд. * - Даводан олдинги ҳамда кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончлилиги: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** $p < 0,001$.*

Жадвалда келтирилганидек, биринчи гуруҳ беморларда жисмоний чегараланганлик 39,4±4,6 баллдан 57,2±5,2 баллга ижобий томонга ўзгарди ва ишончли фарқ аниқланди ($p < 0,05$). Иккинчи гуруҳ беморларда 38,1±4,2 дан 58,3±4,9 баллга, 1,53 маротаба ошиб ўртача ишончли фарқ қайд этилди. Учинчи гуруҳда муолажадан олдин 38,4±4,1 ва кейин 63,2±5,1 баллни ташкил этиб, 1,65 маротаба яхшиланди ҳамда юқори ишончли фарқ қайд этилди. Беморлардаги шикоятларнинг ўзгарши биринчи иккита гуруҳда муолажадан олдин мос равишда 36,5±4,3 ва 39,7±4,8 баллга тенг бўлди. Муолажалардан кейин бу кўрсаткич мос равишда 61,4±6,4 ва 63,9±5,4 баллга тенг бўлиб иккала ҳолатда ҳам фарқлар ўртача ишончли ($p < 0,01$) бўлди. Учинчи гуруҳда муолажадан кейин 40,1±5,0 дан 67,2±4,9 баллга 40 % га ижобий томонга ўзгариб, юқори ишончли ($p < 0,001$) фарқ қайд этилди.

Ўз ўзига ёрдам кўрсатиш биринчи яъни β-блокаторлар+ААФИ ёки АРА+МРКА қабул қилган гуруҳда даводан кейин 62,7±6,2 дан 78,2±5,8 баллга 1,2 маротаба яхшиланди бўлса ҳам ишончли фарқ ($p > 0,05$) аниқланмади. β блокаторлар+юперо+МРКА буюрилган гуруҳ беморларда даводан олдин 59,8±6,3 балл ва кейин 78,6±5,6 баллни ташкил этиб 1,31 маротаба ошди ҳамда улар ўзаро солиштирма ўрганилганда фарқ ишончли ($p < 0,05$) бўлди. β блокаторлар+юперо+МРКА+дапаглифлозин қабул қилган беморларда мос равишда 58,6±5,7 баллдан 82,7±6,2 баллга 1,48 маротаба ошди ва юқори ишончли фарқ ($p < 0,001$) куза-

тилди. Биринчи гуруҳ беморларда ижтимоий чегараланиш муолажадан олдин ва кейин 38,5±4,6 баллдан 55,1±4,8 баллга 1,4 маротаба яхшиланди ва ишончли фарқ ($p < 0,05$) қайд этилди. Иккинчи гуруҳда бу ўзгариш муолажадан олдин 38,2±4,8 балл ва кейин 61,2±5,1 баллни ташкил этди ва ўртача ишончли фарқ ($p < 0,01$) аниқланди. Учинчи гуруҳда эса бу кўрсаткич мос равишда 38,8±4,5 ва 61,5±5,6 баллга тенг бўлиб, ўртача ишончли фарқ ($p < 0,01$) кузатилди.

Ҳаёт сифати кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи гуруҳда муолажалардан олдин мос равишда 40,4±4,1 ва 42,3±4,5 баллга тенг бўлди. Муолажалардан кейин мос равишда 58,8±4,6 ва 62,3±4,8 баллга ошди ҳамда иккала гуруҳда ҳам фарқлар ўртача ишончли ($p < 0,01$) бўлди. Учинчи гуруҳда даводан олдин 41,8±4,7 балл ва кейин 67,4±5,4 баллни ташкил этиб, 1,6 маротаба яхшиланди ҳамда юқори ишончли фарқ қайд этилди.

Муолажалардан олдин беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари бирмунча паст ҳолатда эканлигини кўришимиз мумкин. Унинг ўртача кўрсаткичлари гуруҳлар ўртасида мос равишда 43,4±4,7, 43,2±4,9 ва 43,5±4,8 баллни ташкил этди. Олиб борилган турли таркибли даво муолажаларидан сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичлари биринчи гуруҳда 61,0±5,5 баллга ($p < 0,05$), иккинчи гуруҳда 63,3±5,1 баллга ($p < 0,01$) ва учинчи гуруҳда 68,3±5,3 баллга ($p < 0,001$) тенг бўлди. Даво муолажаларидан сўнг барча гуруҳларда ишончли ижобий ўзгаришлар кузатилган бўлса ҳам, сакубитрил валсартан+дапаглифлозин олган яъни

учинчи гуруҳда ўзгаришлар қолган икки гуруҳга нисбатан юқори ишончли ($p < 0,001$) бўлди. Бу эса беморларда ушбу гуруҳ препаратларини биргаликда қўллаш уларнинг ҳаёт сифатини ишончли яхшилашига олиб келишини тасдиқлайди.

Хулоса

1. Муолажалардан кейин барча гуруҳ беморларда N-про натрийуретик пептид ва алдостерон кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Сакубитрил+валсартан ва дапаглифлозин қабул қилганларда кўрсаткичларнинг юқори ишончли даражада ўзгаришлари юрак функционал ҳолатига самарали таъсирини тасдиқлайди. У юракнинг сўнги систолик ва диастолик ҳажми ҳамда чап қоринча қон отиш фракцияси кўрсаткичларида юқори ишончли ижобий ўзгаришлар билан намоён бўлди.

2. Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ўтказилган стандарт комплекс даво беморларнинг ҳаёт сифатига ишончли ижобий таъсир кўрсатади. Уни Канзас сўровномаси ёрдамида аниқлаш олинган натижаларнинг объективлигини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Гуревич М.А., Кузьменко Н.А. Блокада альдостерона в лечении артериальной гипертензии (аспекты применения эплеренона) // Кардиология. 2017. – №11. – С. 776-779.

2. Евдокимова А.Г., Коваленко Е.В., Евдокимов В.В. и др. Антагонисты минералокортикоидных рецепторов: преимущества применения эплеренона (Иплерон) у больных хронической сердечной недостаточностью // Поликлиника. – 2019. – №10. – С. 1-6.

3. Alzahrani S., Alosaimi M., Malibarey W.M. et al. Saudi Family Physicians' Knowledge of Secondary Prevention of Heart Disease: A National Assessment Survey // Arch. Pharm. Pract. – 2019. – Vol. 10, №4. – P. 54-60.

4. Anavekar N.S., McMurray J.J., Velazquez E.J. et al. Relation between renal dysfunction and cardiovascular outcomes after myocardial infarction // New Engl. J. Med. – 2004. – Vol. 351. – P. 1285-1295.

5. Bhatt A.S., Ambrosy A.P., Dunning A. et al. The burden of non-cardiac comorbidities and association with clinical outcomes in an acute heart failure trial – insights from ASCEND-HF // Europ. J. Heart Fail. – 2020. – Vol. 22, №6. – P. 1022-1031.

6. Calvier L., Miana M., Reboul P. et al. Galectin-3 mediates aldosterone-induced vascular fibrosis // Atheroscler. Thromb. Vasc. Biol. – 2013. – Vol. 33. – P. 67-75.

7. Davis M.E., Richards A.M., Nicholls M.G. et al. Introduction of metoprolol increases plasma B-type cardiac natriuretic peptides in mild, stable heart failure // Circulation. – 2006. – Vol. 113, №7. – P. 977-985.

8. Eisenstein E.L., Nelson C.L., Simon T.A. et al. Vasopeptidase inhibitor reduces in-hospital costs for patients with congestive heart failure: results from the IMPRESS trial. Inhibition of Metalloprotease by BMS-186716 in a Randomized Exercise and Symptoms Study in Subjects with Heart Failure // Am. Heart J. – 2002. – Vol. 143, №6. – P. 1112-1117.

9. Esayan A.M., Nimgirova A.N. Mineralokortikoid receptor antagonists new extended roles in cardio-and nephroprotection // Мед. совет. – 2018. – №5.

10. Groenewegen A., Rutten F. H., Mosterd A., Hoes A.W. Epidemiology of heart failure // Europ. J. Heart Fail. – 2020. – Vol. 22, №8. – P. 1342-1356. 8

11. Reibis R., Jannowitz C., Halle M. et al. Management and outcomes of patients with reduced ejection fraction after acute myocardial infarction in cardiac rehabilitation centers // Curr. Med. Res. Opin. – 2015. – Vol. 31, №2. – P. 211-219.

12. Richards A.M. Variability of NT-proBNP levels in heart failure: implications for clinical application // Heart. 2007. – Vol. 93, №8. – P. 899-900.

13. Shiba N., Shimokawa H. Chronic kidney disease and heart failure-Bidirectional close link and common therapeutic goal // J. Cardiol. – 2011. – Vol. 57, №1. – P. 8-17.

14. Tang S., Peng D., Hu Y., Chen J. Protective effects of valsartan and benazepril combined with atorvastatin on cardiorenal syndrome in rats // Europ. Rev. Med. Pharmacol. Sci. – 2015. – Vol. 19, №5. – P. 759-766.

15. Virani S.S., Alonso A., Aparicio H.J. et al. Heart Disease and Stroke Statistics-2021 Update: A Report from the American Heart Association // Circulation. – 2021. – Vol. 143, №8. – P. e254-e743.

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ МАВЖУД БЕМОЛДАРДА СТАНДАРТ ДАВО МУОЛАЖАЛАРИНИНГ ЮРАК ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ ВА ҲАЁТ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Гадаева Н.А., Гадаев А.Г., Шамсутдинова Г.Б.

Мақсад: сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда турли хил даволаш усулларининг сарум алдостерон, N-про мия натрий-уретик гормони ва юракнинг функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш.

Материал ва усуллар: 2022-2023 йилларда сурункали юрак етишмовчилиги бўлган 120 бемор кузатилди. 1-гуруҳ беморларига стандарт даволаш сифатида β -блокатор+ангиотензин фермент ингибитори ёки ангиотензин рецепторлари антагонистлари+минералокортикоид рецепторлари антагонистлари (верошпирон), 2-гуруҳ – β -блокатор+сакубитрил valsartan (юперуо)+верошпирон, β -блокатор+сакубитрил valsartan (юперуо)+верошпирон+глюкоза ингибиторлари қабул қилинди - натрий котранспортер тури 2 (дапаглифлозин). **Натижалар:** сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда толали жараёнларнинг ривожланиши юракнинг функционал ҳолати билан ўзаро боғлиқдир. Буни сакубитрил + валсартан ва дапаглифлозин олган беморларда даволанишдан кейин N-пронатрий уретик пептид ва алдостерон параметрларининг ижобий ўзгариши, шунингдек, юракнинг функционал ҳолатининг сезиларли ижобий яхшиланиши тасдиқлайди. Буни юракнинг охириги систолик ва диастолик ҳажмлари ва чап қоринчанинг чиқариш фракциясидаги жуда ишончли ижобий ўзгаришлар тасдиқлади. **Хулоса:** ушбу кўрсаткичларнинг яхшиланиши беморларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: N-пронатрий уретик пептид, алдостерон, сакубитрил+valsartan, дапаглифлозин.

ТУРЛИ ЭТИОЛОГИЯЛИ СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА КЛОТНО ОҚСИЛИНИ АҲАМИЯТИ

Гадаева Н.А., Турақулов Р.И.

РОЛЬ БЕЛКА КЛОТНО В РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ ПОЧЕК РАЗЛИЧНОЙ ЭТИОЛОГИИ

Гадаева Н.А., Турақулов Р.И.

ROLE OF CLOTHO PROTEIN IN EARLY DIAGNOSIS OF CHRONIC KIDNEY DISEASE OF DIFFERENT ETIOLOGIES

Gadaeva N.A., Turakulov R.I.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: оценка диагностической значимости белка Klotho при хронических заболеваниях почек различной этиологии. **Материал и методы:** под наблюдением были 90 пациентов с хронической болезнью почек, находящихся на лечении в отделении нефрологии многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии. 1-ю группу составили 30 пациентов с хронической болезнью почек, развившейся на фоне хронической почечной недостаточности в возрасте $62,3 \pm 1,2$ года, из них 12 (40%) мужчин и 18 (60%) женщин. Во 2-ю группу были включены 30 больных в возрасте $65,1 \pm 1,1$ года, из них 13 (43,3%) мужчин, 17 (56,7%) женщин. Контрольную группу составили 30 практически здоровых людей в возрасте $61,2 \pm 1,3$ года, из них 10 (33%) мужчин, 20 (67%) женщин. **Результаты:** при коморбидных заболеваниях, в том числе при хронической болезни почек, развившейся на фоне сахарного диабета и хронической почечной недостаточности, уровень белка Klotho отражает характер патофизиологических процессов. **Выводы:** снижение уровня белка Klotho связано с обострением хронической болезни почек.

Ключевые слова: белок Klotho, хроническая болезнь почек, коморбидные состояния.

Objective: To evaluate the diagnostic significance of Klotho protein in chronic kidney diseases of various etiologies. **Material and methods:** 90 patients with chronic kidney disease undergoing treatment in the nephrology department of the multidisciplinary clinic of the Tashkent Medical Academy were observed. Group 1 consisted of 30 patients with chronic kidney disease that developed against the background of chronic renal failure aged 62.3 ± 1.2 years, including 12 (40%) men and 18 (60%) women. Group 2 included 30 patients aged 65.1 ± 1.1 years, including 13 (43.3%) men and 17 (56.7%) women. The control group consisted of 30 practically healthy people aged 61.2 ± 1.3 years, including 10 (33%) men and 20 (67%) women. **Results:** In comorbid diseases, including chronic kidney disease developed against the background of diabetes mellitus and chronic renal failure, the level of Klotho protein reflects the nature of pathophysiological processes. **Conclusions:** A decrease in the level of Klotho protein is associated with an exacerbation of chronic kidney disease.

Key words: Klotho protein, chronic kidney disease, comorbid conditions.

Патологик жараённи ташхислашда беморлар анамнези ва шикоятлари етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Лекин сурункали буйрак касаллигини (СБК) бошланғич даврларида унга хос бўлган специфик шикоятлар мавжуд эмас. Касалликни 3-босқичдан бошлаб беморлар тез чарчаш, ҳолсизлик ҳамда когнитив фаолиятининг бузилиши каби носпецифик шикоятлар билдиришлари мумкин [4,6]. Шунинг учун уни ташхислашда турли лаборатор маркерлардан кенг фойдаланилади.

Маълумки, узоқ йиллардан бери буйрак функционал ҳолати, бинобарин СБК ташхислашда креатининдан фойдаланилади. Унинг қон зардобидаги кўрсаткичи ҳамда унинг ёрдамида аниқланган ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги (хКФТ) буйраклар фаолияти тўғрисида муҳим ахборот берса ҳам, сўнги йилларда тадқиқотларда кўпроқ цистатин-С дан фойдаланилмоқда. Бунинг асосий сабаби уни креатининдан фарқли равишда ёшга, жинсга, тана вазнига ва бошқа қатор ҳолатларда ўзгармаслиги ҳисобланади [1,3,5].

Креатинин билан бир қаторда буйрак дисфункциясини ташхислашда микроалбуминурия-протеинурия мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Лекин қатор тадқиқотларда сийдикда кам миқдорда оқсил пайдо бўлиши буйракда ортга қайтмас морфологик ўзгари-

шлар пайдо бўлганлигидан далолат бериши кўрсатилган [7,8].

Шунингдек, буйрак – дисфункциясини ва уни турли қисмлари зарарланишини кўрсатувчи нейтрофилли желатиназа-ассоцирланган липокалин (NGA α), KIM-1, ёғ кислоталарини боғловчи (FABP) оқсилли, трилистик-3 омили ва бошқалар буйракдаги ўзгаришлар аниқлашда қатор маркерлар тавсия этилган [4,6].

Сўнги йилларда тадқиқотчиларнинг диққати СБК янги биологик маркерлари Klotho оқсилли ва фибробластлар ўсиш омили-23 (ФЎО-23) га қаратилган. Улар буйрак етишмовчилигида фосфат, кальций ва витамин Д метаболизмида қатнашади [2,4].

Юқорида баён қилинганлар Klotho оқсилли турли таъсир механизмлар орқали сурункали буйрак касаллиги ривожланишида муҳим рол ўйнашини тасдиқлайди. Ушбу оғир асоратнинг аксарият ҳолларда асосий сабабчиси ҳисобланган артериал гипертензия, қандли диабет (ҚД) ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) мавжуд беморларда солиштирма ўрганилмаган. Ундан ташқари санаб ўтилган касалликлар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида амалиётда нисбатан яқинда тавсия этилган 2-тип натрий глюкоза котранспортерлари таъсири тўғрисида адабиётларда кам сонли маълумотлар мавжуд. Ушбу

йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш нафақат илмий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Тадқиқот мақсади

Турли этиологияли сурункали буйрак касалликларида Klotho оқсиллини ташхисий аҳамиятини баҳолаш.

Материал ва усуллар

Тадқиқот ишига 90 нафар Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимида даволанган сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморлар жалб қилинди.

Улар этиологик сабабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратилди. 1-гуруҳни “СЮЕ+СБК” СЮЕ негизда ривожланган СБК мавжуд 30 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ёши $62,3 \pm 1,2$ га тенг. Уларнинг 12 нафари (40%) эркалар ва 18 (60%)

аёлларни ташкил этди. 2-гуруҳда “ҚД+СБК” қандли диабет негизда ривожланган СБК мавжуд 30 нафар беморлар ташкил этиб, уларнинг ёши $65,1 \pm 1,1$ бўлиб, уларнинг 13 нафари (43.3%) эркалар, 17 нафари (56.7%) аёлларни ташкил этди. Назорат гуруҳини “АС” 30 нафар амалий соғломлар, уларнинг ёши $61,2 \pm 1,3$ бўлиб, уларнинг 10 нафари (33%) эркалар, 20 нафари (67%) аёлларни ташкил этди.

СБК мавжуд гуруҳлар ўз навбатида коптокчалар филтрация тезлигини (КФТ) камайишига қараб, СБК босқичига кўра 4 та кичик гуруҳларга: А- КФТ оптимал ($\text{КФТ} \geq 90$ мл/мин/1.73 м²). В-КФТ бироз камайган ($\text{КФТ} 60-89$ мл/мин/1.73 м²). С-КФТ ўртача камайган ($\text{КФТ} 45-59$ мл/мин/1.73 м²). D- КФТ сезиларли даражада камайган ($\text{КФТ} 30-44$ мл/мин/1.73 м²) (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқотдаги беморлар гуруҳларни кичик гуруҳларда тақсими

Кичик гуруҳлар	СЮЕ+СБК гуруҳи n=30, абс. (%)	X ² ;df: p1	ҚД+СБК гуруҳи n=30, абс. (%)
A	2 (6)	x ² сп.Йетса = 2,85; df=1; p1=0,091	4 (13)
B	4 (13)	x ² сп.Йетса = 1,77; df=1; p1=0,181	6 (20)
C	10 (33)	x ² сп.Йетса = 0,351; df=1; p1=0,553	11(37)
D	14 (47)	x ² сп.Йетса = 6,10; df=1; p1=0,013	9 (30)

Изоҳ. Статистик даражада ишончлилик кўрсаткичи $p_{x^2} \leq 0.05$.

Беморларнинг барчасида ЭКГ, кўрсатмаларга кўра бир-кеча кундузли ЭКГ холтер мониторинг, ЭхоКГ ҳамда буйрак ичи томирлари гемодинамикаси текширувлари ўтказилди ва уларнинг клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи ҳамда ҳаёт сифатини аниқлаш бўйича сўровнома тўлдирилди. Текширувга олинган умумклиник, биокимёвий қон ва пешоб таҳлиллари учун намуналар беморлардан вена томирларидан ва бармоқдан қон ҳамда пешобнинг ўрта порцияси қатъий равишда наҳорга оч қоринга олинди. Умумклиник (УҚТ, ҚИВ, УПТ, Нечипоренко), биокимёвий (мочевина, креатинин, АЛТ, АСТ, билирубин, умумий оқсил, альбумин, калий) текширувлар ва коагулограмма Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази биокимё лабораторияси лабораториясида текширувдан ўтказилди.

- креатинин концентрациясини аниқлаш учун текширувдан олдин беморларга жисмоний зўриқиш қилмаслик ҳамда оқсилга бой маҳсулотларни истеъмол қилишдан чекланиш тавсия этилди ва эрталаб

нонуштадан олдин веноз қон олинди. Центрифуга орқали қонни зардоби олиниб, Яффе усулида қондаги креатинин концентрацияси аниқланди.

- қон зардобидаги Klotho оқсил Human soluble alfa Klotho kit тўпландан иборат таҳлил ёрдамида концентрацияси нг/млда ифодаланган ҳолда текширилди.

Тадқиқотда олинган натижаларга статистик ишлов берилиб, гуруҳлардаги ўзаро ҳам жиҳатлик ва боғлиқлик ҳамда фарқ аниқланиб, хулосавий маълумот ва амалий тавсия ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар ва муҳокама

Тадқиқот натижаларига кўра, “ҚД+СБК” гуруҳида Klotho оқсилли миқдори “АС” гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли даражада паст эканлиги ($p < 0.001$) қайд этилди. Шу билан бирга СЮЕ+СБК гуруҳидаги беморлар қон зардобидаги Klotho оқсилли миқдори мос равишда ҚД+СБК гуруҳидан ($p < 0.001$) ва АС гуруҳидан ($p < 0.001$) юқори ишончли кам эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда Klotho оқсиллини миқдорий кўрсаткичи

Гуруҳлар	Klotho оқсиллини миқдорий кўрсаткичи (нг/мл), Ме [P5;P95]
Амалий соғлом “АС”, n=30	0.84 [0.78; 0.95]
ҚД+СБК, n=30	0.44 [0.36; 0.55], P1<0.001
СЮЕ+СБК, n=30	0.32 [0.19;0.42], P1<0.001; p2<0.001

Изоҳ. p_1 -АС гуруҳ билан солиштирилганда; p_2 - ҚД+СБК билан солиштирилганда.

Шунингдек, Klotho оқсиллини миқдори ҚД+СБК ва СЮЕ+СБК гуруҳларининг кичик гуруҳларида (А, В, С, D) унинг миқдорий кўрсаткичлари солиштирма таҳлили ўтказилди.

Ўтказилган таҳлилга кўра, ҳар иккала гуруҳнинг кичик гуруҳларининг барчасида Klotho оқсиллини миқдорий кўрсаткичлари статистик ишончли даражада паст эканлиги қайд этилди. ҚД+СБК ва СЮЕ+СБК гу-

руҳлари кичик гуруҳларида Klotho оқсилени миқдорий кўрсаткичларини ўзаро таққослаб ўрганилганда айнан СЮЕ+СБК гуруҳи кичик гуруҳларида ҚД+СБК гу-

руҳи кичик гуруҳларига нисбатан юқори ишончли паст кўрсаткич қайд этилганлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Klotho оқсилени миқдорий кўрсаткичи кичик гуруҳлардаги солиштирма таҳлили

Кичик гуруҳлар	ҚД+СБК гуруҳи, n=30 Ме [P5;P95]	СЮЕ+СБК, n=30 Ме [P5;P95]
A	0.45 [0.40; 0.52]	0.38 [0.34; 0.42] P1<0.004
B	0.42 [0.39; 0.45] p1=0.043	0.30 [0.26; 0.39] p1<0.004; p=0.021
C	0.44 [0.42; 0.51] p2=0.412; p3=0.114	0.34 [0.29; 0.42] p1<0.001; p2=0.047; p3=0.025
D	0.36 [0.32; 0.40] p2=0.003; p3=0.052; p4=0.004	0.22 [0.18; 0.28] p1<0.001; p2<0.001; p3<0.001; p4<0.001

Изоҳ. Статистик даражада ишончли: p_1 - ҚД+СБК гуруҳи кичик гуруҳлари ўртасида; p_2 - гуруҳларни ўзининг А кичик гуруҳи билан; p_3 - гуруҳларни ўзининг В кичик гуруҳи билан; p_4 - гуруҳларни ўзининг С кичик гуруҳи билан; **кўрсаткичлар Красскел - Уоллис меъзоли бўйича $\chi^2=25,12$; $df=2$; $p<0.0001$**

Кичик гуруҳлар ўртасида эса Klotho оқсилени энг кам миқдори айнан D кичик гуруҳида қайд этилди. Шу билан бирга, ҚД+СБК гуруҳида ҳам СЮЕ+СБК гуруҳида ҳам Klotho оқсиленинг энг паст кўрсаткичи D кичик гуруҳида кўзатилди.

Хулоса

1. Ўтказилган тадқиқот ишида Klotho оқсилени кўрсаткичи ҚД+СБК ҳамда АС гуруҳидагиларга нисбатан СЮЕ+СБК гуруҳида статистик даражада ишончли энг паст эканлиги қайд этилди. Коморбид касалликларда жумладан, ҚД ва СЮЕ негизида ривожланган СБКда Klotho оқсиленинг миқдорини пасайиш даражаси яллиғланиш, оксидланиш стресс, апоптоз ва эндотелиал дисфункция каби патофизиологик жараёнларнинг кучайишини акси сифатида намён бўлади.

2. Шу билан бирга СБК босқичлари оғирлашган сари Klotho оқсилени миқдорини пасайиши билан ҳаммоҳанг тарзда кечиши, яъни ўтказилган тадқиқотимизда ҳар иккала гуруҳ беморлари унинг миқдорини энг паст кўрсаткичи айнан D кичик гуруҳида кузатилди.

Адабиётлар

- Гадаев А.Г., Турақулов Р.И., Курбанов А.К. Сурункали юрак етишмовчилигида камқонликни учраши ва уни касаллик кечишига салбий таъсири. - 2019.
- Гадаев А.Г., Курбанов А.К. Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида нейрогуморал омиллар генлари полиморфизмининг тутган ўрни. - 2019.
- Gao W, Yuan C, Zhang J. et al. Klotho expression is reduced in COPD airway epithelial cells: effects on inflammation and oxidant injury // Clin. Sci. (Lond). - 2015. - Vol. 129, №12. - P. 1011-1023.
- Karalliedde J, Maltese G, Hill B. et al. Effect of rennin-angiotensin system blockade on soluble Klotho in patients with type 2 diabetes, systolic hypertension, and albuminuria // Clin. J. Am. Soc. Nephrol. - 2013. - Vol. 8, №11. - P. 1899-1905.
- Kurbonov A.K. et al. The importance of intestinal microbiota and edotoxemia in the development and course of various hemodynamic phenotypes of chronic heart failure. - 2021.
- Kuro-o M. Klotho in chronic kidney disease - What's new?

// Nephrol. Dial. Transpl. - 2009. - Vol. 24, № 6. - P. 1705-1708.

7. Li L, Wang Y, Gao W. et al. Klotho reduction in alveolar macrophages contributes to CSE-induced inflammation in chronic obstructive pulmonary disease // J. Biol. Chem. - 2015. - Vol. 290, №46. - P. 27890-27900.

8. Turakulov R.I., Sayfullayev M.B., Gadayeva N.A. Features of differential diagnosis of anemia of chronic disease and iron deficiency anemia Comorbidities in chronic heart failure // Challenges in science of nowadays. - 2020. - C. 26-28.

ТУРЛИ ЭТИОЛОГИЯЛИ СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА КЛОТНО ОҚСИЛИНИ АҲАМИЯТИ

Гадаева Н.А., Турақулов Р.И.

Мақсад: турли хил этиологияларнинг сурункали буйрак касалликларида Klotho оқсиленинг диагностика аҳамиятини баҳолаш. **Материал ва усуллар:** Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг нефрология бўлимида даволанаётган сурункали буйрак касаллигига чалинган 90 нафар бемор кузатувда бўлди. 1-гуруҳ сурункали буйрак касаллиги бўлган 30 бемордан иборат бўлиб, улар 62,3 ёшда сурункали буйрак етишмовчилиги фонида ривожланган 1,2 ёш, улардан 12 (40%) эркак ва 18 (60%) аёл. 2-гуруҳга 30 ёшдаги 65,1 беморлар катта 1,1 ёш, улардан 13 нафари (43,3%) эркаклар, 17 нафари (56,7%) аёллар эди. Назорат гуруҳи 30 ёшдан 61,2 ёшгача бўлган 1,3 нафар деярли соғлом одамлардан иборат бўлиб, улардан 10 нафари (33%) эркаклар, 20 нафари (67%) аёллар эди. **Натижалар:** қандли диабет ва сурункали буйрак етишмовчилиги фонида ривожланган кўшма касалликларда, шу жумладан сурункали буйрак касаллигида, мато оқсилени даражаси патофизиологик жараёнларнинг табиатини акс эттиради. **Хулоса:** Klotho оқсилени даражасининг пасайиши сурункали буйрак касаллигининг кучайиши билан боғлиқ.

Калит сўзлар: Klotho оқсилени, сурункали буйрак касаллиги, кўшма касалликлар.

ТУҒРУҚ ЁШИДАГИ ЎЗБЕК АЁЛЛАРИДА СЕМИЗЛИК ФЕНОТИПЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА PPARGC1A ГЕНИ GLY482SER ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Дадабаева Р.К., Гадаев А.Г.

ЗНАЧЕНИЕ ПОЛИМОРФИЗМА GLY482SER ГЕНА PPARGC1A В ФОРМИРОВАНИИ ФЕНОТИПОВ ОЖИРЕНИЯ У УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН ДЕТОРОДНОГО ВОЗРАСТА

Дадабаева Р.К., Гадаев А.Г.

SIGNIFICANCE OF GLY482SER POLYMORPHISM PPARGC1A GENE IN THE FORMATION OF OBESITY PHENOTYPES IN UZBEK WOMEN OF CHILDREN AGE

Dadabaeva R.K., Gadaev A.G.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: изучение значимости полиморфизма Gly482Ser гена PPARGC1A у узбекских женщин фертильного возраста с диагнозом метаболических осложнений и здорового ожирения. **Материал и методы:** в 2019-2022 гг. в исследовании приняли участие 224 узбекских женщин детородного возраста с ожирением, проживающие в городе Ташкенте. 1-ю группу составили 133 женщины с метаболически осложненным ожирением (средний возраст $41,7 \pm 0,7$ года). Во 2-ю группу включена 91 женщина с метаболически здоровым ожирением. Контрольную группу составили 45 здоровых женщин, (средний возраст $43,2 \pm 0,8$), ИМТ меньше 30 кг/м^2 , окружность талии менее 80 см). **Результаты:** рост распространенности ожирения, в том числе среди женщин детородного возраста, связан с влиянием внешних факторов и поведенческих факторов, что приводит к стигматизации людей с ожирением, поскольку их проблемы вызваны неправильным образом жизни, питанием и другими контролируемые факторами. **Выводы:** на энергетический обмен и рост жировой ткани могут влиять некоторые генетические особенности формирования различных фенотипов ожирения.

Ключевые слова: женщины детородного возраста, метаболически здоровое ожирение, метаболически осложненное ожирение, генный полиморфизм.

Objective: To study the significance of the Gly482Ser polymorphism of the PPARGC1A gene in Uzbek women of childbearing age diagnosed with metabolic complications and healthy obesity. **Material and methods:** In 2019-2022, 224 Uzbek women of childbearing age with obesity living in Tashkent took part in the study. Group 1 consisted of 133 women with metabolically complicated obesity (mean age 41.7 ± 0.7 years). Group 2 included 91 women with metabolically healthy obesity. The control group consisted of 45 healthy women (mean age 43.2 ± 0.8), BMI less than 30 kg/m^2 , waist circumference less than 80 cm). **Results:** The increase in the prevalence of obesity, including among women of childbearing age, is associated with the influence of external factors and behavioral factors, which leads to stigmatization of people with obesity, since their problems are caused by an unhealthy lifestyle, diet, and other controllable factors. **Conclusions:** Some genetic features of the formation of various obesity phenotypes may affect energy metabolism and adipose tissue growth.

Key words: women of childbearing age, metabolically healthy obesity, metabolically complicated obesity, gene polymorphism.

Сўнги йилларда жуда кўплаб тадқиқотларда ортиқча тана вазни ва семизлик ривожланишига сабабчи генларни метаболик синдромнинг турли белгилари билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилмоқда. Семизлик гетероген касаллик бўлиб, унинг юзага келишида генетик ва ташқи муҳит омиллари ҳамда уларнинг ўзаро таъсири муҳим аҳамиятга эга [5,10]. Семизлик ва метаболик синдром жамиятнинг долзарб тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, экспертларнинг хулосасига кўра, унинг бевосита иштирокида ўлим ҳолати юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) туфайли 4, онкологик касалликлар оқибатида 2 баробарга ошади [7,8].

Маълумки, PPAR-рецепторлари экспрессияси кодловчи ген (PPARG) мутацияси семизлик ривожланиши ва ёғ тўқимасидаги метаболик жараёнлар бузилишида қатнашади [1]. Сўнги йилларда PPAR-рецепторларини фаоллаштирадиган 1A коактиватор (PPARGC1A) генининг Gly482Ser (rs8192678) полиморфизмини ортиқча тана вазни ва семизлик

билан ўзаро боғлиқлиги қатор илмий тадқиқотларда ўрганилган [3,4].

PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизми организмда ёғ тўқимаси ҳажмини ортиши ва эктопияси ҳамда ТВИ ошиши, гиперинсулинемия ва инсулинга резистентлик ривожланишига сабаб бўлади [6,11,12]. Европoid ирқига мансуб аҳолида ушбу полиморфизмни қандли диабет билан касалланган беморларда ТВИни ошиши билан боғлиқлиги топилган. Баъзи тадқиқотларда эса Gly482Ser полиморфизмнинг минор аллели ёшлар ва ўрта ёшдаги ҳамда қандли диабет хасталиги мавжуд эркакларда артериал қон босимини юқори бўлиши билан боғлиқлиги қайд этилган [4].

Турли миллатларда PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмини липид метаболизми билан боғлиқлиги бир биридан фарқланади. Gly482Ser аллелни ташувчи европoid популяцияда глюкоза юкламасидан сўнг ёғ кислоталарини клиренси пасайганлиги кузатишган бўлса, Яқин шарқ вакиллари орасида ушбу аллелнинг ёввойи типини ташувчиларда умумий холе-

стерин ва паст зичликдаги липопротеинлар миқдори юқорилиги аниқланган [9]. Турли гуруҳларда ўтказилган тадқиқотлар хулосаси бир-бирига қарама-қарши бўлиб, PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмини семизлик ва метаболлик синдром билан боғлиқлиги тўғрисида ягона хулоса чиқариш қийин. Ушбу ҳолат тадқиқотга жалб этилган миллат ва ирқ вакиллари геномининг ўзига ҳослиги, уларнинг турмуш тарзи ва гендер фарқланиши, географик иқлим шароитига боғлиқ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан ўзбек миллатига мансуб аҳоли орасида ушбу ген полиморфизмларини ТВИни ошиши, семизлик ва метаболлик синдром билан боғлиқлигини ўрганиш, уларни касаллик кечиши ҳамда нохуш асоратлар ривожланишидаги аҳамиятини ёритиш семизлик ва унга боғлиқ патологик оғишларни персоналлаштирилган профилактикасини таъминлашда янги истиқболлар очади [2].

Тадқиқот мақсади

Метаболлик асоратлар ва соғлом семириш ташхиси қўйилган фертил ёшдаги ўзбек аёлларида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмининг аҳамиятини ўрганиш.

Тадқиқот материал ва усуллари

Тадқиқотга 2019-2022 йилларда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 224 нафар семизлик аниқланган фертил ёшдаги ўзбек аёллар жалб этилди.

Дастлаб аёлларнинг антропометрик кўрсаткичлари (ТВИ, БА, ЁА, Б/Ё) аниқланди (ЖССТ,2016).

Кузатувга олинган аёллар юқоридаги текширувлар ва метаболлик синдром мезонлари (ЖССТ, 2016; Халқаро диабетик федерация, 2009) га кўра, 2 гуруҳга ажратилиб, 1-гуруҳни 133 нафар ўртача ёши $42,0 \pm 0,5$ бўлган МАС аниқланган аёллар; 2-гуруҳни 91 нафар ўртача ёши $41,7 \pm 0,7$ бўлган МСС аниқланган аёллар ташкил этди. Назорат гуруҳи 45 нафар соғлом кўнгилли шахслар (аёллар, ўртача ёши $43,2 \pm 0,8$), ТВИ < 30 кг/м², бел айланаси 80 см дан кичик) дан иборат бўлди. Ушбу гуруҳларда соғлом ва метаболлик асоратланган семизлик ташхисини верификацияси учун барча стандарт таҳлиллардан ташқари, уларда молекуляр-генетик усул – ПЗР ёрдамида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмларини генотиплаш амалга оширилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Кузатувдаги метаболлик асоратланган семизлик (МАС) гуруҳида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмини GlyGly, GlySer ва SerSer генотиплари учраш сони аниқланганда, уларнинг тарқалганлиги мос равишда 33,1, 39,8 ва 27,1% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса Gly482Ser полиморфизмининг генотиплари 53,3% - GlyGly, 35,6% - GlySer ва 11,1% - SerSer шаклида учради. Ушбу гуруҳда Gly482Ser полиморфизмининг Gly аллели 53,0%, Ser аллели 47,0% ҳолатларда учраган бўлса, назорат гуруҳида Gly аллели 71,1%, Ser аллели 28,9% ҳолатларда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизми аллел ва генотипларини метаболлик асоратланган семизлик ва назорат гуруҳида тарқалганлиги, абс. (%)

Аллел, генотип	Аллел ва генотиплар учраш сони		χ^2	P	OR	95% CI
	МАС гуруҳи, n=133	назорат гуруҳи, n=45				
Gly	141 (53,0)	64 (71,1)	8,3	=0,004	0,5	0,274-0,767
Ser	125 (47,0)	26 (28,9)	9,3	=0,003	2,2	1,303-3,654
GlyGly	44 (33,1)	24 (53,3)	5,7	=0,017	0,4	0,217-0,861
GlySer	53 (39,8)	16 (35,6)	0,3	=0,6	1,2	0,595-2,423
SerSer	36 *27,1)	5 (11,1)	5,4	=0,021	3,0	1,086 -8,114

МАС гуруҳида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмининг Gly аллелини учраш ҳавфи 1,128 ни, назорат гуруҳида учраш ҳавфи 2,462 ни ташкил этди, яъни соғломлар шахсларда ушбу аллел семизлик аниқланган гуруҳга нисбатан 2,2 баробар ишончли кўп учради. Бу натижа Gly аллелини МАС ривожланишига нисбатан ишончли протектив хусусиятга эгаллигини англатади ($\chi^2=8,3$; OR=0,5; CI 95% - 0,274-0,767; p=0,004).

Ser аллелини ушбу гуруҳда учраш ҳавфи 0,887ни, назорат гуруҳида эса 0,406 ни ташкил этди, яъни ушбу аллел МАС гуруҳидагиларда назорат гуруҳига нисбатан 2,2 баробар ишончли кўп учраши маълум бўлди. Бу натижа Ser аллелини мазкур синдром ривожланишига нисбатан ишончли агрессив хусусият-

га эгаллигини билдиради ($\chi^2=9,3$; OR=2,2; CI 95-1,303-3,654; p=0,003).

GlyGly генотипи МАС гуруҳида ушбу патология ривожланишига нисбатан ҳавф омил сифатида учраши 0,494 ни, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 1,143 ни ташкил этди, яъни соғломлар шахсларда ушбу генотип МАС аниқланган аёлларга нисбатан 2,3 баробар ишончли кўп учради. Бу натижа GlyGly генотипини ушбу синдром ривожланишига нисбатан ишончли протектив хусусиятга эгаллигини кўрсатди ($\chi^2=5,7$; OR=0,4; CI 95% - 0,217-0,861; p=0,017).

GlySer генотипини МАС гуруҳида ушбу касаллик ривожланишига нисбатан ҳавф омил сифатида учраши 0,662 ни, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 0,552 ни ташкил этди, яъни МАС аниқланган аёллар-

да ушбу генотип соғлом шахсларга нисбатан 1,2 баробар кўп учрасада, ушбу фарқ ишончли бўлмади ($\chi^2=0,3$; OR=1,2; CI 95%- 0,595-2,423; $p=0,6$).

SerSer генотипи MAC аниқланган беморларда ушбу касаллик ривожланишига нисбатан ҳавф омил сифатида учраши 0,371 ни, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 0,125ни ташкил этди, яъни MAC аниқланган беморларда ушбу генотип соғлом шахсларга нисбатан 3,0 баробар ишончли кўп учради. Бу нати-

жа SerSer генотипини MAC ривожланишига нисбатан ишончли агрессив хусусиятга эгаллигини билдиради ($\chi^2=5,4$; OR=3,0; CI 95%- 1,086 -8,114; $p=0,021$).

Метаболик соғлом семизлик (MCC) гуруҳида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмини GlyGly, GlySer ва SerSer генотиплари учраш сони аниқланганда, уларнинг тарқалганлиги мос равишда 46,2, 37,4 ва 16,4% ни ташкил этди.

2-жадвал

PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизми аллел ва генотипларини метаболик соғлом семизлик ва назорат гуруҳида тарқалганлиги, абс. (%)

Аллел, генотип	Аллел ва генотиплар учраш сони		χ^2	P	OR	95% CI
	MCC гуруҳи, n=91	назорат гуруҳи, n=45				
Gly	118 (64,8)	64 (71,1)	0,8	=0,36	0,9	0,530 -1,672
Ser	64 (35,2)	26 (28,9)	0,83	=0,4	1,3	0,726 -2,393
GlyGly	42 (46,1)	24 (53,3)	1,0	=0,32	0,8	0,433 -1,317
GlySer	34 (37,4)	16 (35,6)	0,09	=0,77	1,1	0,612 -1,943
SerSer	15 (16,5)	5 (11,1)	1,5	=0,22	1,7	0,733 -3,745

MCC гуруҳида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмини Gly аллели 64,8% аёлларда учраб, унинг ушбу гуруҳида учраш ҳавфи 1,857 ни, назорат гуруҳида эса 1,972 ни ташкил этди ва ушбу аллелни назорат гуруҳида учраш эҳтимоли MCC гуруҳига нисбатан 1,1 баробар кўп эканлиги маълум бўлди ($\chi^2=0,8$; OR=0,9; $p<0,36$).

Ушбу гуруҳида Ser аллелини тарқалганлиги 35,2% тенг бўлди ва уни учраш ҳавфи 0,538ни, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 0,408 ни ташкил этди, яъни ушбу аллелни MCC гуруҳида учраш эҳтимоли назорат гуруҳига нисбатан 1,3 баробар кўп эканлиги маълум бўлди ($\chi^2=0,83$; OR=1,3; $p=0,4$).

GlyGly генотипи MCC гуруҳида семизлик ривожланишига нисбатан ҳавф омил сифатида учраши 0,852ни, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 1,128 ни ташкил этди, яъни соғломлар шахсларда ушбу генотип MCC гуруҳига нисбатан 1,3 баробар кўп учраши мумкин ($\chi^2=1,0$; OR=0,8; $p=0,32$).

Ушбу гуруҳида GlySer генотипини семизлик ривожланишига нисбатан ҳавф омил сифатида учраши 0,587ни, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 0,538 ни ташкил этди ва уларни гуруҳларда учраши бўйича фарқ аниқланмади ($\chi^2=0,09$; OR=1,1; $p=0,77$).

SerSer генотипини MCC гуруҳида семизлик ривожланишига нисбатан ҳавф омил сифатида учраши 0,205 ни, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 0,124 ни ташкил этди, яъни MCC гуруҳида ушбу генотип соғлом шахсларга нисбатан 1,7 баробар кўп учраши мумкинлиги қайд этилди. Бу натижа G/G генотипини семизлик ривожланишида патогенетик аҳамиятга эгаллигини билдиради ($\chi^2=1,5$; OR=1,7; $p=0,22$).

Олинган натижаларга кўра, PPARGC1A гени Gly482Ser полиморфизмининг Gly аллели ва GlyGly генотипи назорат гуруҳида учраш ҳавфи MCC гуруҳига нисбатан мос равишда 1,1 ва 1,3 баробар, Ser аллели ва SerSer генотипини MCC гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан учраш ҳавфи мос равишда 1,3 ва 1,7 баробар юқорилиги маълум бўлди. Ушбу натижа биринчи аллел ва генотипни ТВИ ошишига нисбатан протективлиги, сўнгги аллел ва генотипни эса агрессивлигини англатади.

Гуруҳларда семизликнинг даражасига қараб, PPARGC1A гени Gly482Ser полиморфизмининг аллел ва генотипларини учраши таҳлил қилинганда, қуйидагилар аниқланди.

MAC гуруҳида PPARGC1A гени Gly482Ser полиморфизмининг Ser аллелини тарқалганлиги ТВИга монанд ошиб борди, хусусан, семизликнинг I даражасида унинг учраш ҳавфи – 0,667 ни ташкил этиб, ушбу гуруҳида 40% беморларда учради. Семизликнинг II-III даражасида Ser аллелини учраш ҳавфи мос равишда 0,923 ва 1,174 га тенг бўлиб, касалликнинг II даражасида 48% ва III даражасида 54% беморларда учради ($\chi^2_{1-2}=1,3, p=0,25$; $\chi^2_{2-3}=0,7, p=0,39$; $\chi^2_{1-3}=4,0, p=0,04$). Ушбу аллел MAC гуруҳидаги семизликнинг I, II ва III даражасида назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,8 ($\chi^2=3,8, OR=1,8, p=0,05$), 2,3 ($\chi^2=7,7, OR=2,3, p=0,006$) ва 2,9 ($\chi^2=13,0, OR=2,9, p<0,001$) баробар кўп учраб, уни ушбу патология ривожланишига нисбатан агрессив хусусиятга эгаллигини кўрсатди.

Мазкур полиморфизмининг Gly аллели семизликнинг I, II ва III даражасида учраш ҳавфи ва тарқалганлиги мос равишда 1,500 - 1,083 - 0,852 ва 60,0, 52,0 ва

46,0% ни ташкил этди ($\chi^2_{1-2}=1,3$, OR=0,7, p=0,25; $\chi^2_{2-3}=0,72$, OR=0,8, p=0,39; $\chi^2_{1-3}=3,9$, OR=0,6, p=0,05). Gly аллели назорат гуруҳида MAC гуруҳидаги семизликнинг I, II ва III даражасида нисбатан мос равишда 1,6 ($\chi^2=2,7$, OR=1,6, p=0,10), 2,3 ($\chi^2=7,7$, OR=2,3, p=0,006) ва 2,9 ($\chi^2=13,0$, OR=2,9, p<0,001) баробар кўп ўчради ва у MAC ривожланишига нисбатан протектив хусусиятга эгаллигини намоён қилди.

MAC гуруҳидаги семизликнинг I, II ва III даражасида SerSer генотипини учраш хавфи ва тарқалганлиги мос равишда 0,250-0,370-0,563 ва 20,0, 27,0 ва 36,0%ни ташкил этди ($\chi^2_{1-2}=1,4$, OR=1,5, p=0,24; $\chi^2_{2-3}=1,9$, OR=1,5, p=0,17; $\chi^2_{1-3}=6,4$, OR=2,3, p=0,012). Ушбу генотип MAC гуруҳидаги семизликнинг I, II ва III даражасида назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 2,0 ($\chi^2=3,1$, OR=2,0, p=0,07), 3,0 ($\chi^2=8,5$, OR=3,0, p=0,004) ва 4,6 ($\chi^2=18,1$, OR=4,6, p<0,001) баробар ишонарли даражада кўп учради.

GlyGly генотипини учраш хавфи ва тарқалганлиги семизликнинг I, II ва III даражасида мос равишда 0,639-0,449-0,389 ва 39,0, 31,0 ва 28,0% ни ташкил этди ($\chi^2_{1-2}=1,4$, OR=0,7, p=0,23; $\chi^2_{2-3}=0,2$, OR=0,9, p=0,64; $\chi^2_{1-3}=2,7$, OR=0,6, p=0,099). GlyGly генотипини назорат гуруҳида учраш эҳтимоли 1,128 ни ташкил этиб, ушбу гуруҳда MAC гуруҳидаги семизликнинг I, II ва III даражасида нисбатан мос равишда 1,8 ($\chi^2=3,9$, OR=1,8, p=0,047), 2,5 ($\chi^2=10,0$, OR=2,5, p=0,002) ва 2,9 ($\chi^2=13,1$, OR=2,9, p<0,001) баробар кўп учради.

Семизликнинг I, II ва III даражасида GlySer генотипини учраш хавфи ва тарқалганлиги мос равишда 0,695-0,724-0,563 ва 41,0, 42,0 ва 36,0% ни ташкил этди ва гуруҳларда ишончли фарқ аниқланмади.

Демак, MAC гуруҳида PPARGC1A гени Gly482Ser полиморфизмининг Ser аллели ва SerSer генотипини тарқалганлиги ТВИни ошиб боришига монанд кўп учради, аксинча, Gly аллели ва GlyGly генотипи семизликнинг I ва II даражасида унинг III даражасига нисбатан кўпроқ қайд этилди. GlySer генотипида бундай боғлиқлик аниқланмади.

МСС гуруҳида семизликнинг даражасига қараб, PPARGC1A гени Gly482Ser полиморфизмининг аллел ва генотипларини тарқалганлиги ўрганилганда қуйидагилар аниқланди. Мазкур полиморфизмининг Ser аллели ва SerSer генотипини тарқалганлиги ТВИ ошиб боришига монанд кўпайиб борди. Жумладан, Ser аллел семизликнинг I, II ва III даражаларида мос равишда 30,0, 35,0 ва 53,0% аёлларда қайд этилди ($\chi^2_{1-II}=0,57$, p=0,45; $\chi^2_{II-III}=6,6$, p=0,011; $\chi^2_{1-III}=11,0$, p<0,001). SerSer генотип семизликнинг I, II ва III даражаларида мос равишда 8,0, 15,0 ва 43,0% аёлларда аниқланди ($\chi^2_{1-II}=2,4$, p=0,12; $\chi^2_{II-III}=19,7$, p<0,001; $\chi^2_{1-III}=34,7$, p<0,001).

PPARGC1A гени Gly482Ser полиморфизмининг Gly аллели ва GlyGly генотипини тарқалганлиги МСС гуруҳида ТВИ ошиб боришига тескари равишда камайиб борди. Жумладан, Gly аллели семизликнинг I, II ва III даражаларида мос равишда 70,0, 65,0 ва 47,0% аёлларда қайд этилди ($\chi^2_{1-II}=0,6$, p=0,4; $\chi^2_{II-III}=6,6$, p=0,01; $\chi^2_{1-III}=11,0$, p<0,001). GlyGly генотипи семизликнинг I, II ва III даражаларида мос равишда 49,0, 46,0 ва 38,0% аёлларда қайд этилди ($\chi^2_{1-II}=0,2$, p=0,67; $\chi^2_{II-III}=1,3$, p=0,25; $\chi^2_{1-III}=2,5$, p=0,12). GlySer ге-

нотипи семизликнинг I, II ва III даражаларида мос равишда 43,0, 39,0 ва 19,0% аёлларда қайд этилди ($\chi^2_{1-II}=0,33$, p=0,56; $\chi^2_{II-III}=9,7$, p=0,002; $\chi^2_{1-III}=13,7$, p<0,001).

Олинган маълумотлар натижасига кўра, қуйидаги хулосалар қилинди:

1. MAC гуруҳида PPARGC1A генининг Gly482Ser полиморфизмининг Gly аллелини учраши соғломлар шахсларда ушбу аллел семизлик аниқланган гуруҳга нисбатан 2,2 баробар ишончли кўп учраб, бу натижа Gly аллелини MAC ривожланишига нисбатан ишончли протектив хусусиятга эгаллигини англатади.

2. Ушбу полиморфизмининг Ser аллели MAC гуруҳидагиларда назорат гуруҳига нисбатан 2,2 баробар ишончли кўп учраб, унинг мазкур синдром ривожланишига нисбатан ишончли агрессив хусусиятга эгаллигини билдиради.

3. GlyGly генотипи соғломлар шахсларда MAC аниқланган аёлларга нисбатан 2,3 баробар ишончли кўп учраб, ушбу генотипни MAC ривожланишига нисбатан ишончли протектив хусусиятга эгаллигини кўрсатди.

Мақсад: ишемик юрак касаллиги бўлган беморларда буйрак дисфункцияси ва липид метаболизми белгиларига стандарт даволаш ва холестеринни ютиши ингибиторларининг таъсирини баҳолаш. **Материал ва усуллар:** асосий гуруҳга 167 нафар турғун зўриқиш стенокардияси билан оғриган ўртача 61,47±8,42 ёшдаги беморлар олинди. Уларнинг 112 (67,1%) таси эркалар (ўртача 61,29±8,3 ёш) ва 55 (32,9%) та аёлларни (ўртача 61,85±8,7 ёш) ташкил этди. Хисобланган коптокчалар филтрацияси тезлигига (хКФТ) асосан беморлар 2 та гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ хКФТ≥ 90 мл/мин/1,73 м² бўлган 111 та (66,5%), иккинчи эса хКФТ≤ 89 мл/мин/1,73 м² бўлган 56 та (33,5%) беморлардан ташкил топди. **Натижалар:** билан оғриган беморларни даволашда стандарт даво билан холестерин абсорбцияси ингибиторини бирга қўллаш умумий холестерин, паст зичликдаги липопротеидлар, жуда паст зичликдаги липопротеидлар, триглицеридлар, атерогенлик коэффициенти ишончли даражада пасайиши, юқори зичликдаги липопротеидлар миқдорини ошиши билан намоён бўлди. Шу билан бир қаторда қон зардобиди креатинин ва цистатин С ни, сийдик таркибиди протеинурияни камайиши, КФТни ошиши кузатилди. **Хулоса:** ттабил зўриқиш стенокардияси билан оғриган ва буйрак дисфункцияси мавжуд беморларни даволашда стандарт даво асосида холестерин абсорбцияси ингибиторини қўллаш қон зардобиди триглицеридлар, паст ва жуда паст зичликдаги липопротеидлар миқдорини, атерогенлик коэффициенти ишончли даражада пасайишига ҳамда буйрак фаолиятини яхшиланишига олиб келади.

Калит сўзлар: юрак ишемик касаллиги, хавф омил, стабил зўриқиш стенокардияси, дислипидемия, статинлар, буйрак дисфункцияси, коптокчалар филтрацияси тезлиги, цистатин С, креатинин.

REVMATOID ARTRITDA VITAMIN D YETISHMOVCHILIGINI KORREKSIYALASHNING AHAMIYATI

Ruzmetova I.Ya., Axmedov X.S., Xalmetova F.I.

ЗНАЧЕНИЕ КОРРЕКЦИИ НЕДОСТАТКА ВИТАМИНА D ПРИ РЕВМАТОИДНОМ АРТРИТЕ

Рузметова И.Я., Ахмедов Х.С., Халметова Ф.И.

THE IMPORTANCE OF CORRECTING VITAMIN D DEFICIENCY IN RHEUMATOID ARTHRITIS

Ruzmetova I.Ya., Akhmedov Kh.S., Khalmetova F.I.

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali, Toshkent tibbiyot akademiyasi

Цель: достижение клинической ремиссии, уменьшение повреждения суставов и улучшение качества жизни пациентов. **Материал и методы:** среди наблюдаемых больных было 50 (88%) женщин. Средний возраст больных на момент появления первых симптомов ревматоидного артрита составил 28,2±4,4 года, время до постановки диагноза – 7,9±2,6 месяца. Синовит наблюдался в 100% случаев, чаще всего он был изолированным, а иногда сопровождался периартритом в виде бурсита или тендинита. **Результаты:** генно-инженерные биологические препараты показали высокую эффективность в лечении РА, однако их раннее применение не всегда может быть необходимым или экономически выгодным. **Выводы:** восполнение дефицита витамина D обеспечивает клиническую ремиссию и улучшение функциональных возможностей суставов.

Ключевые слова: ревматоид артрит, витамин D, суставной синдром.

Objective: To achieve clinical remission, reduce joint damage and improve the quality of life of patients. **Material and methods:** Among the observed patients, there were 50 (88%) women. The average age of patients at the time of the first symptoms of rheumatoid arthritis was 28.2±4.4 years, the time before diagnosis was 7.9±2.6 months. Synovitis was observed in 100% of cases, most often it was isolated, and sometimes accompanied by peri-arthritis in the form of bursitis or tendonitis. **Results:** Genetically engineered biological drugs have shown high efficiency in the treatment of RA, but their early use may not always be necessary or cost-effective. **Conclusions:** Replenishment of vitamin D deficiency provides clinical remission and improved joint functionality.

Key words: rheumatoid arthritis, vitamin D, joints syndrome.

Нозирги кунда, RAdagi muhim patogenetik jarayonlar o'rganganligiga qaramasdan, shifokorlar ani amaliyotida uni davolashda bir qancha qiyinchiliklar kuzatilmoqda. RA davolash usullari sifatida keng qo'llanilayotgan bazisli preparatlar barcha muammolar yechimini hal qilmayotganligi bo'g'im tuzilmasi remodelanishiga boshqa sabab bo'lmish komorbid holatlarga e'tibor qaratishga taqoza qilmoqda [11,15]. Jumladan, vitamin D yetishmovchiligi ham tizimli yallig'lanish patogeneziga tegishli bo'lgan immunologik jarayonlarga ta'sir qilishi RAd bo'g'imlardagi tuzilmaviy o'zgarishlar, ya'ni remodelanish va uning rivojlanish mexanizmlari avjlanishiga yaqqol ta'sir ko'rsatadi [4,5].

Tadqiqot maqsad

RA bilan xastalangan bemorlarda vitamin D miqdori dinamikasiga qaratilgan korreksiyalash algoritmi kasallikni klinik kechishi va ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikdagi o'rganishni aniqlashdan iborat.

Olingan natijalar va ularning muhokamasi

Tadqiqotga jalb qilingan RA bilan xastalangan bemorlar (n=50) 88%ni ayollar tashkil qilgan. Kasallik anamnezidagi ma'lumotlar tahliliga asosan, RAning dastlabki belgilari yuzaga kelgan paytda bemorlarning o'rtacha yoshi 28,2±4,4 bo'lgan. Ilk belgilarning paydo bo'lishi bilan ushbu tashhis qo'yilguncha bo'lgan o'rtacha davr 7,9±2,6 oydan iborat bo'lgan.

Bo'g'imlar funksional holatining buzilishlarini bo'g'imdagi yallig'lanish jarayonidagi o'ziga xos o'zgarishlar bilan bog'lash mumkin [3,6]. Darxaqiqat, bemorlarida aniqlangan (1-jadval) yallig'lanishning o'tkir faza ko'rsatkichlari va bo'g'imda kuzatiladigan ertalabki karaxtlik davomiyligi hamda yallig'langan bo'g'imlar soni yaqqolli bo'g'imlarini funksional imkoniyalarini chegaralanish darajasiga o'z ta'sirini ko'rsatgan. O'z navbatida, bemorlar poliartrit bilan farqlanib turgan. Ikkala guruh bemorlarida 100% vaziyatda sinovit kuzatilgan va u asosan yakkalangan va ayrim paytlarda bursit yoki tendinit shakllardagi periartrit bilan birga kechgan [9,12].

1-jadval


Guruhlarni klinik-funksional tavsifi, %

Ko'rsatkichlar	Asosiy guruh	Nazorat guruhi
R-bosqichlari		
I	40	40
II	30	35
III	23,3	20
IV	6,7	5
DAS28		
<2,6	-	-

2,6-3,2	16,7	15
3,2-5,1	33,3	40
>5,1	50	45
Funksional sinf		
I	26,7	30
II	36,7	40
III	30	25
IV	6,6	5
HAQ		
<0,5	0	0
0,5-1	30	30
1-2	33,3	30
>	36,7	40
Bo'g'im sindromi		
Uchta bo'g'imdan ziyod bo'lgan artrit, %	100	100
Ertalabki karaxtlik, soatda	135,5±56,7	146,5±61,2
Qo'l kafti artriti, %	100	100
Simmetrik artrit, %	100	100
Og'riqli bo'g'imlar soni	9,7±4,4	8,7±5,3
Shishgan bo'g'imlar soni	6,5±3,2	5,6±3,3
Eritrotsitlar cho'kish tezligi, mm/soat	39,4±16,3	38,8±13,9
VASH, sm	8,9±1,2	8,5±1,7
Vitamin D		
25(OH)D, ng/ml	15,4±6,9	17,1±7,2

Tahlil natijalariga ko'ra, RAning dastlabki belgilari yuzaga kelgan payt, ya'ni tashhis qo'yilguncha vaqt oralig'ida bemorlar turli shifokorlarga 8,2±1,45 marotabagacha murojat qilishgan. 1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, ikkala guruhlardagi bemorlarda DAS28 indeksi bo'yicha yuqori (>5,1) faollanish deyarli yarmini tashkil qilgan va turli bosqichdagi ko'rinishlar bilan o'zaro yaqin kelgan. O'z navbatida, bo'g'imlar funksional holati asosan HAQ indeksi 0,5 ziyod va I-III sinf funksional darajasida bo'lishgan [13,14].

ACR mezoni doirasida o'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, qo'llanilgan algoritm orqali kasallik faollanishiga ijobiy ta'siri klinik remissiyaga erishish ta'minlashda muhim o'rin egallaydi [7,8]. Lekin davo davomiyligida ikkala guruhda dinamikada moyillik, aralashuvning 3-oyi yakunida kuzatilgan bo'lsada, guruhlar o'rtasida ishonarli farqlar ($r>0,05$) bo'lmagan. Biroq, 1-rasmdan ko'rinib turganidek, 12-oyning yakunida, ACR 50 mezoni negizidagi guruhlar orasida farqlik ($r<0,05$) aniqlangan. Bunda, u asosiy guruhda 73,3%, nazorat guruhida esa 55% holatda kuzatilib, samadorlik $\Delta 18,3\%$ ni tashkil qilgan.



1-rasm. Guruhlarda (%) ACR 50 ga muvofiq samadorlik dinamikasi.

O'z navbatida, vitamin D yetishmovchilini tiklash anishiga olib kelib, bo'g'im funksional imkoniyatlarini kengayishiga olib kelgan. Haqiqatan ham, bo'g'imlar

funksional faoliyatini baholash yuzasidan samardorlikni aniqlash guruhlar o'rtasida farqliklar borligidan dalolat bergan [1,2]. Jumladan, RAga chalingan bemorlarda bo'g'imlar funksional faoliyati $36 \leq \Delta \text{HAQ} < 0,80$ (qoniqarli samara) doirasida imkoniyatining yaxshilanishiga faqat kuzatuvning 3-oyi yakunida erishilgan. Yuqorida ta'kidlanganidek, 3-oyi yakunida ACR 50 doirasida ikkala gu-

ruh o'rtasida statistik ahamiyatli farqlik kuzatilmagan bo'lsada, asosiy guruh $36 \leq \Delta \text{HAQ} < 0,80$ bo'yicha nazorat guruhidan ishonarli darajada ($r < 0,02$) farqlangan. 2-jadvalda aks ettirilganidek, $36 \leq \Delta \text{HAQ} < 0,80$ doirasida 3-oy yakunida asosiy guruhda 50% holatda uchragan bo'lsa, nazorat guruhida 30%ni tashkil qilgan, ya'ni o'sish darajasi $\Delta 20\%$ bo'lgan [10].


2-jadval

Davo negizida bo'g'imlarning funksional holatini dinamikasi (%)

Funksional holat, ball	Oy	Asosiy guruh, n=30	Nazorat guruhi, n=20	$\Delta \%$	p
$\Delta \text{NAQ} < 0,22$	3	6,7	45	-38,3	<
	6	3,37	30	-26,63	<
	9	6,77	15	-8,23	>0,05
	12	3,37	10	-6,63	>0,05
$0,22 \leq \Delta \text{NAQ} \leq 0,36$	3	26,77	20	6,77	>0,05
	6	20	15	5	>0,05
	9	10	25	-15	<
	12	10	25	-15	<
$0,36 \leq \Delta \text{HAQ} < 0,80$	3	50	30	20	<
	6	56,77	40	16,77	<
	9	70	45	25	<
	12	73,37	55	18,37	<
$\Delta \text{HAQ} \geq 0,80$	3	16,77	5	11,77	<
	6	20	15	5	>0,05
	9	13,37	15	-1,63	>0,05
	12	13,37	10	3,37	>0,05

2-rasmdagi berilgan ma'lumotlarga ko'ra, asosiy guruhdagi BD usuli negizida qo'llanilgan algoritm bemorlarning qon zardobida IL-6 miqdori dinamikasi ka-

sallikning kechishi davomida klinik yaxshilanishiga erishilgan.



2-rasm. RA bemorlarni davolash negizida IL-6 miqdorini dinamikasi.

Jumladan, asosiy va nazorat guruhlarida IL-6 miqdori davolanishning 3 oydan so'ng, dastlabki ko'rsatkichlarga nisbatan ishonarli darajada ($r < 0,05$) kamayishi aniqlangan [3, 4]. Lekin, kuzatuv natijalarga ko'ra, 12 oydan so'ng ikkala guruh o'rtasida farqlik aniqlangan, ya'ni asosiy guruhda $7,1 \pm 0,5$ pg/ml bo'lsa, nazorat guruhda esa 12 oy yakuniga kelib uning qayta ko'tarilishi go moyillik bo'lgan va $14,5 \pm 3,7$ pg/ml ni tashkil qilgan.

1. Vitamin D yetishmovchiligi tiklanishiga qaratilgan algoritmni qo'llanilishi kasallik davosini muvofiqlashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi. U klinik remissiyani ta'minlashi va bo'g'imlarning funksional imkoniyatlarini yaxshilashda muhim o'rin egallaydi.

2. Shu bilan bir qatorda, uning negizida IL-6ning ijobiy siljish kuzatilib, bo'g'im tuzilmadagi buzilishlar va qolaversa, bo'g'im suyagi va tog'ayini erta destruksiyalanishini oldini oladi.

Xulosa

Adabiyotlar

1. Александров А.В. и др. Связь дефицита витамина D с психофизиологическими показателями у больных ревматоидным артритом // Современ. пробл. науки и образования. – 2020. – №4. – С. 127-127.

2. Ахвердян Ю.Р. и др. Взаимосвязь между маркерами костного ремоделирования и риском перелома костей у пациентов с ревматоидным артритом // Якутский мед. журн. – 2021. – №2. – С. 120-122.

3. Дедов Д.В. Вторичный остеопороз у больных с ревматоидным артритом, профилактика осложнений с помощью препаратов Остеомед, Остеомед Форте, Остео-Вит Д3 // Фармация. – 2022. – Т. 71, №3. – С. 5-9.

4. Добровольская О.В. и др. Статус витамина D у женщин с ревматоидным артритом: частота гиповитаминоза, связь с активностью заболевания, композиционным составом тела и коморбидностью // Тер. арх. – 2021. – Т. 93, №5. – С. 581-586.

5. Ильенкова Н.А. и др. Влияние пищевого фактора на сывороточный уровень витамина D у детей с бронхиальной астмой, ювенильным ревматоидным артритом и муковисцидозом // Вопр. детской диетол. – 2021. – Т. 19, №4. – С. 5.

6. Коваленко П.С. и др. Локальная потеря костной ткани и риск переломов при ревматоидном артрите: поиск ассоциаций с биомаркерами при длительном наблюдении // Остеопороз и остеопатии. – 2022. – Т. 25, №3. – С. 67-68.

7. Ляховченко Д.В., Климова Е.О. Эффективность витамина D при лечении и профилактике ревматических болезней с позиции доказательной медицины 2021.

8. Мурадянц А.А. и др. Остеопороз и саркопения у больных ревматоидным артритом: возможности диагностики и лечения // Opin. Leader. – 2020. – №4. – С. 74-83.

9. Akhmedov K., Abdurakhmanova N., Buranova S. features of the clinical course of rheumatoid spine against the background of the influence of xenobiotics // Amer. J. Interdisciplin. Res. Develop. – 2023. – Vol. 12. – P. 142-147.

10. Cutolo M. et al. Vitamin D in rheumatoid arthritis // Autoimmun. Rev. – 2007. – Vol. 7, №1. – P. 59-64.

11. Hajjaj-Hassouni N. et al. Evaluation of vitamin D status in rheumatoid arthritis and its association with disease activity across 15 countries: "The COMORA Study" // Int. J. Rheumatol. – 2017. – Vol. 2017.

12. Harrison S.R. et al. Vitamin D and early rheumatoid arthritis // BMC Rheumatol. – 2020. – Vol. 4. – P. 1-7.

13. Heidari B., Hajian-Tilaki K., Babaei M. Vitamin D deficiency and rheumatoid arthritis: epidemiological, immunological, clinical and therapeutic aspects // Mediterranean J. Rheumatol. – 2019. – Vol. 30, №2. – P. 94-102.

14. Higgins M.J. et al. The effect of vitamin D levels on the assessment of disease activity in rheumatoid arthritis // Clin. Rheumatol. – 2013. – Vol. 32. – P. 863-867.

15. Ishikawa L.L. W. et al. Vitamin D deficiency and rheumatoid arthritis // Clin. Rev. Allergy Immunol. – 2017. – Vol. 52. – С. 373-388.

РЕВМАТОИД АРТРИТДА ВИТАМИН D YETISHMOVCHILIGINI KORREKSIYALASHNING AHAMIYATI

Ruzmetova I.Ya., Axmedov X.S., Xalmetova F.I.

Maqsad: klinik remissiyaga erishish, bo'g'imlarning shikastlanishini kamaytirish va bemorlarning hayot sifatini yaxshilash. **Material va usullar:** kuzatilgan bemorlar orasida 50 (88%) ayollar bor edi. Revmatoid artritning birinchi belgilari paydo bo'lgan paytda bemorlarning o'rtacha yoshi $28,2 \pm 4,4$ yoshni, tashxis qo'yilishiga qadar bo'lgan vaqt $7,9 \pm 2,6$ oyni tashkil etdi. Sinovit 100% hollarda kuzatilgan, ko'pincha u izolyatsiya qilingan, ba'zan esa bursit yoki tendonit shaklida periartrit bilan birga bo'lgan. **Natijalar:** genetik jihatdan yaratilgan biologik preparatlar RA ni davolashda yuqori samaradorlikni ko'rsatdi, ammo ularni erta qo'llash har doim ham zarur yoki iqtisodiy jihatdan samarali bo'lmasligi mumkin. **Xulosa:** D vitamini etishmovchiligini to'ldirish klinik remissiya va qo'shma funktsiyalarni yaxshilashni ta'minlaydi.

Kalit so'zlar: revmatoid artrit, vitamin D, bo'g'im sindromi.



ДАСТУРЛИ ГЕМОДИАЛИЗДАГИ БЕМОРЛАРДА ПАТОФИЗИОЛОГИК УЗГАРИШЛАР РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ

Туракулов Р.И., Халметова Ф.И., Мирзаева Б.М., Рахимова М.Б.

ПАТОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ НАРУШЕНИЯ У ПАЦИЕНТОВ, НАХОДЯЩИХСЯ НА ПРОГРАММНОМ ГЕМОДИАЛИЗЕ

Туракулов Р.И., Халметова Ф.И., Б.М. Мирзаева, Рахимова М.Б.

PATHOPHYSIOLOGICAL DISORDERS IN PATIENTS UNDERGOING PROGRAMMED HEMODIALYSIS

Turakulov R.I., Khalmetova F.I., Mirzaeva B.M., Rakhimova M.B.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси

Цель: ранняя диагностика деминерализации костной системы у больных, находящихся на программном гемодиализе, в V стадии хронической болезни почек. **Материал и методы:** материалом для исследования явились клинико-лабораторные данные 120 пациентов с V стадией хронической болезни почек, находящихся на программном гемодиализе, на базе Республиканского специализированного научно-прикладного медицинского центра нефрологии и трансплантации почек. Для сравнения полученных результатов было отобрано 20 здоровых добровольцев, которые составили контрольную группу. **Результаты:** у больных с хронической болезнью почек, находящихся на плановом гемодиализе, развился вторичный гиперпаратиреоз, о чем свидетельствовало увеличение фосфора крови в 2,46 раза, щелочной фосфатазы в 2,36 и 2,48 раза. Применение Севеламера гидрохлорида на фоне традиционной терапии больных, находящихся на программном гемодиализе, способствовало улучшению минерального обмена костных структур, а также улучшению костного метаболизма. **Выводы:** включение в схему лечения севелимера гидрохлорида предупреждало развитие коронарной кальцификации.

Ключевые слова: хроническая болезнь почек, гемодиализ.

Objective: Early diagnostics of bone demineralization in patients undergoing program hemodialysis at stage V of chronic kidney disease. **Material and methods:** the material for the study was clinical and laboratory data of 120 patients with stage V of chronic kidney disease undergoing program hemodialysis at the Republican Specialized Scientific and Applied Medical Center of Nephrology and Kidney Transplantation. For comparison of the obtained results, 20 healthy volunteers were selected, who formed a control group. **Results:** secondary hyperparathyroidism developed in patients with chronic kidney disease undergoing program hemodialysis, as evidenced by an increase in blood phosphorus by 2.46 times, alkaline phosphatase by 2.36 and 2.48 times. The use of Sevelamer hydrochloride in the context of traditional therapy of patients undergoing programmed hemodialysis contributed to the improvement of mineral metabolism of bone structures, as well as to the improvement of bone metabolism. **Conclusions:** The inclusion of sevelamer hydrochloride in the treatment regimen prevented the development of coronary calcification.

Key words: chronic kidney disease, hemodializ.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига қўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган [11,14]. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги сурункали буйрак касалликларини (СБК), ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат қўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат қўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган

ногиронлик ва ўлим қўрсаткичини камайтириш имконини беради [1,3,18]. СБК негизида остеоидиофизияси бўлган беморларни олиб бориш алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий ишлар ҳозирги кунда қўплаб мамлакатларда олиб борилмоқда [15,21]. Маълумки, СБК билан хастланган беморларда остеоидиофизиянинг асосий патогенетик механизми иккиламчи гиперпаратиреоз билан боғлиқ бўлиб, суяк минераллари алмашинувининг бузилиши, даволашда фосфатбиндерлардан фойдаланиш ҳисобланади [12,17,19]. Ушбу препарат кашф этилгач уни қўллаш юрак томирлардаги кальцификациялар, ўсмалар, суяк синиши, эрта ногиронликни самарадор олдини олиши мумкин деб ҳисобланмоқда [19,23]. Оптимал даволаш усулларини ишлаб чиқишда сурункали буйрак етишмовчилигининг ривожланиш механизмларини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий натижаларга эришилди [6]. Жаҳонда сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеоидиофизия ва унинг даволаш йўлла-

рини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида дастурли гемодиализ қабул қилаётган беморларда фосфор-кальций ҳамда иккиламчи гиперпаратиреознинг фаоллигини ва юрак-қон томир тизимининг ремоделлашуви кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини асослашдан иборат [10,11]. Дастурли гемодиализ негизда СБК бўлган беморларда остеопороз терапиясида суяк минералларининг зичлигини таъминловчи фосфор сўрувчиларни қўллаш ва уларни қўлламаздан суяк тўқимасига таъсири самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат [5]. Дастурли гемодиализ билан даволанаётган СБК мавжуд беморларда юрак-қон томир тизимининг ремоделлашуви жараёнларини ва уларнинг остеопорозни даволаш негизда авж олишини баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади

Сурункали буйрак касаллигининг бешинчи босқичдаги дастурли гемодиализ қабул қилувчи беморларда суяк тизими деминерализациясини эрта ташхислашдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқот 2018-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт марказида 24 ой давомида сурункали буйрак касаллигининг V босқичдаги дастурли гемодиализ қабул қилувчи 120 нафар беморлар ва назорат гуруҳида 20 нафар амалий соғлом кўнгиллилар олинган. **Текширув** капилляр ва веноз қон, кальций, фосфор, ишқорий фосфатаза, мочевино, паратгормонлар, эхокардиография, кўкрак қафаси мультиспирал компьютер томографияси, уйқу артерияларининг ультратовуш текшируви, умуртқа поғонаси ҳамда сон суяги бошчаси денситометрияси материаллари олинган.

Тадқиқотга киритилганда, СБК билан касалланган барча беморларда камида 6 ой стандарт терапия ўтказилди. Тадқиқот давомида турли хил даволаш режимларининг СБКдаги суяк метаболизми бузилишларининг патогенетик жиҳатларига таъсирини ўрганиш учун асосий гуруҳдаги беморлар икки гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (60 бемор), бунда асосий терапиядан ташқари, кунига 1600 мг дозада фосфатбиндер севеламер гидрохлорид ишлатилган, иккинчи гуруҳ (60 бемор) кунига 1600 мг дозада кальций тутувчи фосфатбиндер кальций карбонатидан фойдаланилган. Умуман олганда, даволаниш яхши қабул қилинди, 2 беморга бифосфонат, 4 беморга ошқозон-ичакнинг ноўя таъсирлари туфайли севелемер гидрохлорид дозаларини камайтириш зарур бўлди [24]. 6 ой давомида истиқболли тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотга киритилган пайтда барча беморларда СБК ташхиси, креатинин, калций, фосфор ва калций-фосфорли маҳсулот концентрацияси, ишқорли фосфатаза фаоллиги, креатинин концентрацияси периферик веноз қонда аниқланди, паратиреоид гормони ИФА томонидан аниқланган.

Тадқиқотда юракнинг структуравий ва функционал жиҳатдан янгилашини баҳолаш учун эхокардиография, томирларнинг тузалишини баҳолаш учун брахиал артериянинг эндотелга боғлиқ кенгайиши, интима-медиа комплексининг қалинлигини

ўлчаш учун коронар артерияларининг ультратовуш текшируви ва кўкрак қафасининг МСКТ мавжудлиги кўрсатилган [7,13]. Суяк зичлигини баҳолаш учун ДХА денситометрия усули қўлланилди. Ушбу параметрларнинг барчаси дастлаб ва 6 ойлик терапиядан кейин аниқланди. Қондан намуна олиш эрталаб гемодиализ муолажасидан олдин, оч қоринга, ўтирган ҳолатда, 10 минут дам олгандан кейин, кубитал венадан олинди. Вакуум ускуналари ишлатилган. Суяк зичлигини аниқлаш: Денситометрия ДХА технологиясидан фойдаланган ҳолда мултислайсли спирал компьютер томография аппаратида амалга оширилди. Тадқиқот Т-индекси буйича баҳоланди - натижани ёш ва жинс нормасидан ажратиб турадиган стандарт оғишлар сони билан тафовутланди.

Юрак-қон томир тизимини қайта тиклаш ва суяқдан ташқари кальцификацияни аниқлаш: Юрак ҳолатини стандарт эхокардиографик позицияларда ва проекцияларда ўрганилди. Қуйидагилар аниқланди: чап қоринчанинг якуний диастолик ва систолик ҳажмлари (ЯДХ ва ЧКСХ): ЧКнинг сақланиб қолган геометрик модели ишлатилган, агар ЧК ҳолати бузилган бўлса, ўзгартирилган 2 томонлама Симпсон усули ёрдамида ҳисобланган [25]. ЧК тўсиғи; бўлмачаларо тўсиқ қалинлиги ўлчанди ва ЧК мушак массаси, кон томирлар доплерография усулида ўпка артериясида ўртача ва систолик босим қайд этилган (мос равишда ўнг уйқу артериясидаги босимни ҳисобга олган ҳолда трикуспидал қопқоқ регургитацияси оқими ёрдамида ўпка артерияси қопқоқнинг регургитацияси ўрганилди); диастолик функцияси чап ва ўнг қоринчаларни эрта ва максимал тўлдирилиш ставкалари нисбати билан баҳоланди.

Елка артериялар интима-медиа комплекси қалинлиги - ИМК: тадқиқот ультратовуш текширувида, ётган ҳолда, бошини орқага ташлаб, елка артерияси жойлашган артериядан ўтказилди. Узоқ девордаги ИМК қалинлиги стандарт нуқтада қайд этилди. Натижада иккита қийматнинг максимал қиймати ҳисобланди [9,20]. Эндотелийга боғлиқ вазодилатация: Брахиал артерияни ультратовуш текшируви ёрдамида (гемодиализ томирларига кириш имкони бўлмаган қўлда) эндотелияга боғлиқ вазодилатация текшируви ўтказилди. Брахиал артериянинг диаметри тирсақдан 2-3 см баландликда ўлчанди. Кейин, жойлашувнинг тепасида тонометр манжети қўйилди ва босим систоликдан 50 мм см устга оширилди. Манжета сиқиб 5 дақиқа ушлаб турилди. Манжета бўшатилгандан сўнг, брахиал артериянинг диаметри 5 ва 60-сонияларда қайд этилди. Артерия диаметрининг нисбий динамикаси қайд этилди.

Коронар кальцийни ҳисоблаш: коронар артериялар ва кўкрак аорта кальцификация қилиш МСКТ аппаратида маҳаллий томография ва Ca-SCORE дастури ёрдамида текширилди. Коронар кальций миқдори, оғирлиги ва ҳажми аниқланди, Агатсон индекси ўнг коронар артерия (ЎКА), чап коронар артерия (ЧКА), олдинги интервентрикуляр артерия (ИА) учун ҳисоблаб чиқилиб, натижалар қўшилди [8]. Олинган барча маълумотлар мукамал хулоса жадвалларида киритилди. Маълумотлар бемор гуруҳлари бўй-

ича гуруҳланган. Гуруҳларнинг характеристикаси сифатида арифметик воситалар ва уларнинг стандарт оғишларидан фойдаланилган. Гуруҳларро фарқларнинг ишончилиги Стьюдент ишонч мезони ёрдамида, кўп таққослашда Бонферрони тузатиши билан баҳоланди. Частотани таҳлил қилиш хи-квадрат жадвал мезони ва унинг ишончилиги эркинлик даражаларига қараб ишончлилик жадваллари бўйича баҳоланган ҳолда амалга оширилди. Корреляцион таҳлил Пирсон мезонидан фойдалан-

ган ҳолда ва эркинлик даражалари сонига қараб, фавқулодда вазиятлар жадвалидан унинг ишончилиги баҳоланди. Маркерларнинг прогностик аҳамияти маркер даражаси медианадан юқори бўлганида нисбий хавфни аниқлаш усули билан аниқланди.

Гиперпаратиреоз остеопорознинг биокимёвий белгиларидан бири бўлган СБК терминал босқичи бўлган беморларда ишқорий фосфатазанинг фаоллигининг ошиши билан намоён бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Сурункали буйрак касаллиги терминал босқичи ва назорат гуруҳидаги беморларнинг кальций фосфор кўрсаткичлари

Кўрсаткич	НГ, n=20	СБК, бемор=120
Паратгормон, пг/мл	36,00±8,40	1306,48±284,40***
Кальций, ммоль/л	2,33±0,14	2,25±0,42
Фосфор, ммоль/л	1,08±0,26	2,66±0,73***
Кальций*фосфор	2,52±0,65	5,94±1,87***
Ишқорий фосфатаза, мЕ/л	129,75±20,68	321,48±182,68***
Креатинин, мкмоль/л	85,25±25,31	701,67±86,48***

Изох. *** - $p < 0,001$.

6 ойлик кузатув давомида 8 та бемор вафот этди. Таҳлил ишлари давомида ушбу беморларнинг маълумотлари статистик таҳлилдан чиқариб ташланди. Ўрганилган параметрлардаги динамик ўзгаришларнинг кейинги таҳлили фақат тирик қолган беморларнинг натижаларига асосланди. Буйрак остеодистофиясини СБК терминал босқичи билан оғриган беморларни 6 ойлик кузатув давомида калций-фос-

фор алмашинуви параметрларида клиник жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Фосфор концентрациясининг пасайиши (1,63%, $p < 0,05$, бошланғич маълумотлар билан фарқнинг аҳамияти) ва ишқорий фосфатаза фаоллиги (2,48%га, $p < 0,05$ га) ва кальций концентрациясининг (томонидан 2,92%, $p < 0,05$) ортиши кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Сурункали буйрак касаллиги терминал босқичи беморларда терапевтик гуруҳга қараб фосфор-кальций алмашинуви кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткич	С, n=57	с-, n=55
Паратгормон, пг/мл	1394,93±223,84	1257,07±290,43*
Кальций, ммоль/л	2,37±0,33^	2,25±0,43
Фосфор, ммоль/л	2,29±0,58^^	2,78±0,76***
Кальций*фосфор	5,47±1,59^	6,18±1,89*^
Ишқорий фосф, мЕ/л	295,70±144,30^^	313,31±201,53
Креатинин, мкмоль/л	703,60±95,23	686,45±98,53

Изох. Ишончлилик кўрсаткичлар: $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$; гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$.

Бундан ташқари, қонда фосфор концентрациясининг ўзгариши билан солиштирганда ишқорий фосфатаза фаоллигининг сезиларли ўзгариши қўлланилаётган терапия усулларида каътий назар остеопороз фаоллигини кўрсатди. Кўрсаткичлар ди-

намикасидаги тавсифланган фарқлар туфайли фосфор ва кальцийнинг таққосланадиган концентрациялари 6-ойнинг охирига келиб сезиларли фарқларга эга бўлди: С-гуруҳидаги беморларда фосфор ва СаР*

нисбати анча юқорилиги бузилишларнинг ривожланишининг яққоллигини ифодалайди.

Шундай қилиб, тадқиқот СБК терминал боскичи билан оғриган беморларда кальций-фосфор алмашинувининг бузилиши қондаги фосфорни, кальций-фосфор маҳсулоти, паратиреоид гормони ва ишқорий фосфатаза фаоллигининг ортиши билан намоён бўлди. Остеопороз учун стандарт терапия билан бузилишлар ривожланди.

Тадқиқот давомида гиперпаратиреоидизмнинг фаоллиги ва юрак-қон томир тизимининг юқори кальцификацияси ва ремоделяцияси кўрсаткичла-

рининг корреляцион таҳлили ўтказилди. Периферик қонда фосфор концентрацияси ва юрак уриш тезлиги, перикардиал эксудат ҳажми, чап артерия ҳажми ва ўпка артериясидаги ўртача босим ўртасидаги ишончли ижобий ўртача боғлиқлик аниқланди. Паратиреоид гормонининг концентрацияси перикардиал эксудат, ЧК ОСБ ҳажми билан ва ОТС индексида салбий таъсир қилади [4,16]. Шунингдек, паратиреоид гормони концентрацияси қонда креатинин, ишқорий фосфатаза фаоллиги ва доимий каротид ҳовузидаги Агатсон индекслари ва умумий индекс билан сезиларли даражада боғлиқлиги ўрганилди.

3-жадвал


Терапевтик гуруҳга қараб остеопорозни даволашда сурункали буйрак касаллиги терминал босқич бўлган беморларда суяк денситометрия кўрсаткичларининг динамикаси

Кўрсаткичлар	Мутлақ кўрсаткичлар		Нисбий динамика, %	
	C, n=57	c-, n=55	C, n=57	c-, n=55
DXA LS, г/см ²	0,60±0,18 [^]	0,59±0,19	5,96	-0,21*
T LS, SD	-2,72±1,35 [^]	-2,74±1,43	-6,44	0,30
DXA FT, г/см ²	0,31±0,16 [^]	0,32±0,18 [^]	14,04	8,64
T FT, SD	-3,60±0,95 ^{^^}	-3,84±0,82	-7,44	-0,45*

Изоҳ. Дастлабки натижаларга нисбатан олинган натижалар ишончлидир: [^] - p<0,05, ^{^^} - p<0,01, ^{^^^} - p<0,001; гуруҳлар орасида фарқлар ишончли: * - p<0,05, ** - p<0,01, * - p<0,001.**

СБК терминал боскичи бўлган беморларда фосфор-кальций метаболизмидаги патологик ўзгаришлар ва иккиламчи гиперпаратиреоидизм суяк минераллари зичлигининг сезиларли даражада пасайиши билан боғлиқ эди. Суяк минерал зичлигидаги ўзгаришларнинг ёшга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда суяк денситометрияси натижаларини таҳлиллашда ёш кўрсаткичидан стандарт оғишлар сонини баҳолаш тавсия этилади (Т-индекс). 2,5 стандартгача қисқартириш нормал натижадир (3-жадвал).

Ушбу тадқиқотда, 45 беморда (37,5%) тадқиқотга бел умуртқа кўрсаткичлари киритилганда, Т-индекси -2,5 SD дан юқори, сон суяги бўйнига нисбатан - барча беморларда Т 2,5 SD дан паст эди. С+ гуруҳидаги тадқиқот давомида сон суяги бўйинининг шартли равишда нормал минерал зичлиги бўлган беморларнинг сони 0 дан 15,79% гача кўтарилди (9 бемор, хи квадрат = 9,89, p<0.01). С гуруҳида – сон суяги бўйни билан, иккала гуруҳда ҳам бел умуртқалари таналарида суякларнинг минерал зичлиги нормал бўлган беморларнинг улушида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади (расм).



Расм. Кузатувдаги беморларнинг суяк минераллари зичлигини кўрсаткичлари.

Шундай қилиб, ГСБК билан оғриган беморларда суяк минераллари зичлигини ўрганиш, бу камайиш иккиламчи гиперпаратиреоидизмга жавобан

ривожланадиган буйрак остеоидистрофияси синдроми акс эттириши остеопорозни даволашда яшшиланишни кўрсатди (бисфосфонат, Вит Д3, каль-

ций карбонат), аммо севеламер гидрохлоридини даволаш режимига ишончли киритиш, суяк-минерал алмашинув тузатиш самарадорлигини оширди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, беморларнинг гуруҳида артериал гипертензия ва тахикардия тенденцияси мавжуд бўлиб, улар антигипертензив дориларни қўлланилганига қарамай, стандарт терапия фонида 6 ой давомида ёмонлашаётган, нормохром анемия ҳам мавжуд. Кальций карбонати, шу жумладан темир ва эритропоэтиннинг оддий дозасини истеъмол қилганига қарамай, даволаш режимига фосфатбиндернинг киритилиши анемия даражасини пасайишига олиб келди.

Кузатув даврида вафот этган беморларнинг гуруҳида қондаги фосфор концентрацияси омон қолган беморларнинг гуруҳига қараганда анча юқори эди. Суяк минерал зичлиги нуқтаи назаридан, вафот этган беморлар гуруҳи бел умуртка ва сон суяги бўйни таналари зичлиги пасайган билан ажралиб турарди. Ўлимнинг натижаси оғир анемия ва катта миқдордаги гидроперикардит билан боғлиқ. Вафот этган беморларнинг когортаси, шунингдек, юрак-қон томир тизимининг ремоделланиши билан ажралиб турди. Шундай қилиб, беморларнинг ушбу гуруҳида каротид артерия комплексининг интима-муҳитининг қалинлиги сезиларли даражада ошди ва эндотелийнинг қон томир функцияси янада ёмонлашди- биринчи дақиқанинг охирига келиб, беморларнинг иккала гуруҳида ҳам вазоконстрикция сақланиб қолди, бу эса вафот этган беморларнинг гуруҳида кўпроқ аниқланган. Миокардни қайта тиклаш жиҳатидан ўлимга олиб келадиган натижа ЧБ миокард гипертрофияси, чап коринча гипертрофияси билан боғлиқ эди. Структуравий фарқларга қўшимча равишда, 6 ой ичида вафот этган беморларга тадқиқотга киритилганида, ЧБ систолик функцияси омон қолган беморларнинг гуруҳига нисбатан пасайган, ўртача систолик ва ўпка артерияси босими ортанлиги кўрсатди [2,23].

Хулоса

1. Дастурли гемодиализ қабул қилувчи СБК бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан иккиламчи гиперпаратиреоз ривожланиб, қондаги фосфор кўрсаткичининг 2,46 марта, кальций фосфор унумининг 2,36 марта ва ишқорий фосфатазининг 2,48 марта юқорилиги буни исботлайди. 6 ойлик даволаш тартибидан бифосфонат, кальций карбонат, витамин Д3 унумлари қўлланиши иккиламчи гиперпаратиреоз ривожланишини кўрсатди. Даволаш тартибига севеламер гидрохлоридни қўлланилиши фосфор кўрсаткичининг 6,51% ва ишқорий фосфатаза миқдорининг 8,7% камайишига сабаб бўлди. СБЕ билан оғриган беморларда дастурли гемодиализ негизида суякнинг минерал зичлиги пасайиши кузатилди (бел умуртқалари поғонаси 1,93 марта ва сон суяги бўйнидан 2,83 марта).

2. Бифосфонат, карбон кальций, ва Д3 витамин комплексини қўллаш сон суяги бўйнининг минерал зичлигини 8,64% га кўтарилишига ёрдам берди ($p < 0,05$). Севеламер гидрохлоридини даволаш тартибига қўшимча киритиш терапия самарадорлигини оширади ва бел умуртқалари таналарнинг мине-

рал зичлигини 5,96% га ($p < 0,05$) ва сон суяги бўйни зичлигини 14,04% га ($p < 0,05$) оширди.

3. Дастурли гемодиализ негизида СБЕ дастурли гемодиализ қабул қилаётган беморларнинг 64,17% қонда гемоглобин 100 г/л дан паст бўлганлиги қайд этилган. Севеламер гидрохлоридидан фойдаланиш беморлар қондаги гемоглобин кўрсаткичларини 5,02% га ($p < 0,05$) кўпайишига олиб келди, фосфатбиндер қабул қилмайдиган беморларда эса бу кўрсаткич 2,12% га камайди ($p < 0,05$), гуруҳлар орасидаги нисбий динамикадаги фарқнинг аҳамияти эса $p < 0,01$ га тенг бўлди. СБЕ билан оғриган беморларда дастурли гемодиализ негизида ренал остеодинострофияни даволашда бифосфонат, карбон кальций ва Д3 витамин комплекси қўлланилганда, коронар кальцификация ривожланиши кузатилди (олти ой давомида 11,2%га, $p < 0,01$). Севеламер гидрохлоридини даволаш тартибига киритилиши унинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Адабиётлар

1. Мухин Н.А., Моисеев В.С. Кардиоренальные соотношения и риск сердечно-сосудистых заболеваний // Вестн. РАМН. – 2013. – Т. 11. – С. 50-55.
2. Плотникова А.А. Клиническое значение определения сывороточной концентрации морфогенетических белков FGF-23 и Klotho у больных хронической почечной недостаточностью: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – М., 2019. – 51 с.
3. Шуттов А.М., Серов В.А. Кардиоренальный континуум или кардиоренальный синдром // Клин. нефрол. – 2017. – №1. – С. 44-48.
4. Bellasi A., Kooienga L., Block G.A. et al. How long is the warranty period for nil or low coronary artery calcium in patients new to hemodialysis? // J. Nephrol. – 2019. – Vol. 22. – P. 255-262.
5. Borst M.H., Vervloet M.G. Cross talk between the renin-angiotensin-aldosterone system and vitamin D-FGF-23 klotho in // Nephrol. Dial. Transplant. – 2009. – Vol. 24. – P. 997-1002.
6. Chung-Yi C., Makoto K., Razzaque M.S. Molecular regulation of phosphate etabolism by fibroblast growth factor 23 Klotho system // Adv. Chronic. Kidney Dis. – 2016. – Vol. 18, №2. – P. 91-97.
7. Collins A.J., Foley R.N. United States Renal Data System 2011 annual data report: atlas of chronic kidney disease and end-stage renal disease in the United States // Amer. J. Kidney Dis. – 2017. – Vol. 59. – P. 1-420.
8. Devereux R.B. The value of noninvasive measurements in hypertension // J. Amer. Med. Assoc. – 2012. – Vol. 264 (21). – P. 2798-2799.
9. Donate-Correa J., Mora-Fernández C., Martínez-Sanz R. et al. Expression of FGF23/KLOTHO system in human vascular tissue // Int. J. Cardiol. – 2013. – Vol. 165, №1. – P. 179-183.
10. Gadaev A., Ismoilova M., Turakulov R. Comparative analysis of calprotectin and helicobacter pylori in the faces and interleukin-6 in the blood of patients with and without COVID-19 before and after the treatment // Scientific Collection «Inter-Conf+». – 2022. – Vol. 26 (129). – P. 236-242.
11. Gadaev A.G., Turakulov R.I., Pirmatova N.V., Hudjakulova F.I. Evaluation the functional reserve of the kidneys in patients with chronic heart failure who have had the COVID-19 infection // Нефрология. – 2022. – Vol. 26, №3. – С. 59-65.
12. Goh C.Y., Ronco C. Cardio-Renal syndromes // J. Renal. Care. – 2016. – Vol. 36. – P. 9-17.
13. Gosse P., Roudaut R., Dalocchio M. Is echocardiography an adequate method to evaluate left ventricular hypertrophy regression? // Europ. Heart J. – 2011. – Vol. 11, Suppl G. – P. 107-112.
14. Iwanaga Y., Miyazaki S. Heart failure, chronic kidney disease, and biomarkers // Circ. J. – 2016. – Vol. №6. – P. 52-58.
15. Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO) CKD-MBD Work Group. KDIGO clinical practice guideline for the diagnosis, evaluation, prevention, and treatment of chronic

kidney disease-mineral and bone disorder (CKD-MBD) // Kidney Int. – 2019. – Vol. 76, Suppl 113. – P. 1-150.

16. London G.M. Left ventricular alterations and end-stage renal disease // Nephrol. Dial. Transplant. – 2020. – Vol. 17. – P. 29-36.

17. Maltese G, Karalliedde J. The putative role of the Phosphorus and calcium in cardiovascular and renal disease // Int. J. Hypertens. – 2012. – Vol. 2012. – P. 757-769.

18. Mann D. Heart failure // Saunders. – 2014. – Vol. 25. – P. 36-47.

19. Milovanova L., Milovanov Y., Plotnikova A. Phosphorus and calcium metabolism disorders associated with chronic kidney disease stage III–IV (systematic review and meta-analysis). Chronic kidney disease and renal transplantation; Ed. by Manisha Sahay. – INTECH, 2018. – P. 118-132.

20. Milovanova L.Yu., Milovanov Yu.S., Kozlovskaya L.V. The place of paricalcitol in nephroprotective strategy of predialysis chronic kidney disease due to systemic diseases // Arh. Evromed. – 2014. – №3. – P. 69-78.

21. Mitani H., Ishizaka N., Aizawa T. et al. In vivo Klotho gene transfer ameliorates angiotensin II-induced renal damage // Hypertension. – 2012. – Vol. 39, №4. – P. 838-843.

22. Okumura K., Io H., Matsumoto M. Predictive factors associated with changes rates of LV hypertrophy and renal dysfunction in CKD // Clin. Nephrol. – 2018. – Vol. 79. – P. 7-14.

23. Reslerova M., Moe S.M. Vascular calcification in dialysis patients: Pathogenesis and consequences // Amer. J. Kidney Dis. – 2003. – Vol. 41. – P. 96-S99.

24. Wang Y., Sun Z. Klotho gene delivery prevents the progression of spontaneous hypertension and renal damage // Hypertension. – 2019. – Vol. 54, №4. – P. 810-817.

25. Добронравов В.А. Современный взгляд на патофизи-

ологию вторичного гиперпаратиреоза: роль фактора роста фибробластов 23 и Klotho // Нефрология. – 2011. – Т. 15, №4. – С. 11-20.

ДАСТУРЛИ ГЕМОДИАЛИЗДАГИ БЕМОРЛАРДА ПАТОФИЗИОЛОГИК УЗГАРИШЛАР РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ

Туракулов Р.И., Халметова Ф.И.,
Мирзаева Б.М., Рахимова М.Б.

Мақсад: сурункали буйрак касаллигининг В босқичида дастурлаштирилган гемодиализдан ўтган беморларда суяк тизимининг деминерализациясини эрта ташхислаш. **Материал ва усуллар:** Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказида дастурлаштирилган гемодиализдан ўтган сурункали буйрак касаллигининг в босқичи бўлган 120 бемор кузатилди. Назорат гуруҳи 20 та деярли соғлом кўнгиллилардан иборат еди. **Натижалар:** мунтазам гемодиализдан ўтаётган сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда иккиламчи гиперпаратиреоз ривожланди, бу қон фосфорининг 2,46 баробар, ишқорий фосфатазанинг 2,36 ва 2,48 баробар кўпайиши билан тасдиқланади. **Хулоса:** севеламер гидрохлориднинг даволаш режимида киритилиши коронар калсификациянинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Калит сўзлар: сурункали буйрак касаллиги, гемодиализ.



ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИНИ КАМҚОНЛИК БИЛАН КЕЧИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Турақулов Р.И., Эшмаматов О.Ф.

ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ОБСТРУКТИВНОГО ЗАБОЛЕВАНИЯ ЛЕГКИХ НА ФОНЕ АНЕМИИ

Турақулов Р.И., Эшмаматов О.Ф.

CHARACTERISTICS OF ANEMIC COURSE OF CHRONIC OBSTRUCTIVE PULMONARY DISEASE

Turakulov R.I., Eshmamatov O.F.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: изучение особенностей течения хронической обструктивной болезни легких на фоне анемии и без нее.

Материал и методы: под наблюдением были 60 пациентов с хронической обструктивной болезнью легких, находящихся на лечении в стационаре на базе отделения пульмонологии многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии. Основную группу составили 30 больных с хронической обструктивной болезнью легких и анемией, из них 19 (63,3%) мужчин и 11 (36,7%) женщин. В контрольную группу включены 46 больных с хронической обструктивной болезнью легких без анемии, в том числе 22 (73,3%) мужчины и 8 (26,7%) женщины. **Результаты:** до лечения уровень гемоглобина в крови больных основной группы был равен $101,4 \pm 3,1$ г/л, ферритина – $85,9 \pm 8,5$ мкг/л, трансферрина – $5,2 \pm 1,21$ г/л, сывороточного железа – $7,94 \pm 0,21$ ммоль/л. У пациентов контрольной группы эти показатели составляли соответственно $126,0 \pm 6,5$ г/л, $289,5 \pm 11,6$ мкг/л, $4,1 \pm 1,8$ г/л, $25,8 \pm 4,81$ ммоль/л. **Выводы:** положительная средняя корреляционная связь между показателями ферритина и гемоглобина свидетельствует о его высокой диагностической значимости.

Ключевые слова: хроническая обструктивная болезнь легких, анемия.

Objective: To study the features of the course of chronic obstructive pulmonary disease with and without anemia.

Material and methods: 60 patients with chronic obstructive pulmonary disease were observed, undergoing inpatient treatment at the pulmonology department of the multidisciplinary clinic of the Tashkent Medical Academy. The main group consisted of 30 patients with chronic obstructive pulmonary disease and anemia, including 19 (63.3%) men and 11 (36.7%) women. The control group included 46 patients with chronic obstructive pulmonary disease without anemia, including 22 (73.3%) men and 8 (26.7%) women. **Results:** Before treatment, the hemoglobin level in the blood of patients in the main group was 101.4 ± 3.1 g/l, ferritin – 85.9 ± 8.5 μ g/l, transferrin – 5.2 ± 1.21 g/l, serum iron – 7.94 ± 0.21 mmol/l. In patients in the control group, these indicators were 126.0 ± 6.5 g/l, 289.5 ± 11.6 μ g/l, 4.1 ± 1.8 g/l, 25.8 ± 4.81 mmol/l, respectively. **Conclusions:** The positive average correlation between ferritin and hemoglobin levels indicates its high diagnostic significance.

Key words: chronic obstructive pulmonary disease, anemia.

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) аксарият ҳолларда турли синдромлар ва касалликлар билан бирга кечади. Айрим ҳолларда улар орасидаги патогенетик боғлиқлик аниқ бўлса (эритроцитоз, ўпка гипертензияси), баъзан эса унинг эҳтимоли юқори, айрим ҳолатларда бундай боғлиқликка шубҳа билан қаралади (сидеропатия, ичак патологиялари) лекин барча ҳолларда бу ҳолат коморбидлик деб аталади.

ЎСОК ва қатор клиник-лаборатор ўзгаришлар билан ўпкадаги жараён орасида илгари боғлиқлик йўқ деб қаралса, энди сўнги йилларда фундаментал ва клиник тиббиётнинг ривожланиши натижасида, янги уларни бир-бири билан патогенетик боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар олинмоқда. Бошқача қилиб айтганда ЎСОК кузатиладиган ўпкadan ташқари белгилар унинг тизимли намоён бўлиши деб қаралмоқда [4,11].

Сўнги йилларда ЎСОКда турли хил тизимли намоён бўлишлар, хусусан, ўпка гипертензияси, ўпка қахексияси, остеопороз, шулар жумласидан учрамоқда. Қатор тадқиқотчиларнинг ЎСОКда камқонликни нисбатан кўпроқ аниқланиши тўғрисидаги хабарлари даволоччи шифокорлар учун кутилма-

ган бир ҳол бўлди [3]. Чунки, аксарият олимлар ва амалиётда ишлаётган шифокорлар учун узоқ йиллар давомида ЎСОКда эритроцитозни бирга кечиши одатий деб қабул қилинган [2].

Илк бор ЎСОКда камқонликни учраши асримизнинг бошларида S. Tassiopoulos ва ҳаммуаллифлар [15] томонидан хабар қилинди. Кейинроқ эритроцитозга нисбатан камқонлик ЎСОКда эритроид ўсишда кўпроқ учрайдиган ҳолат эканлиги ва 15-30% беморларда қайд этилиши аниқланди [9,14].

Турли манбалардан олинган маълумотларга қўра, ЎСОКда камқонлик учраши турлича бўлиб 9-53% ҳолларда аниқланган [5].

ЎСОКда камқонликнинг ривожланиш механизмлари тўғрисида ҳам қатор фикрлар мавжуд. Ўтказилган текширувлардан бирида эритропоезин кўрсаткичлари камқонлик аниқланган беморларда у бўлмаганларга нисбатан сезиларли юқори бўлган ($41,8 \pm 25,4$ ва $16,3 \pm 2,9$ бирлик/л мос равишда). Бунда эритропоезин ва гемоглобин кўрсаткичлари орасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган [17,19]. Бу суяк илигида эритроид ўсиши эритропоезинга нисбатан чидамлилиги тўғрисидаги фикрни айтишга сабаб бўлди [14].

Олдинроқ ўтказилган қатор тадқиқотлардан маълумки, ЎСОҚда яллиғланиш жараёнлари тизимли кўриниш олади [7,16]. Беморлар қонида қатор интерлейкинлар (ИЛ)-6, ИЛ-8, ўсма некроз омили (ЎНО), С-реактив оқсил (СРО), фибриноген каби яллиғланиш маркерлари юқори бўлади. Яллиғланиш цитокинлари нафақат беморлар қонида, балки уларни балғамида ҳам юқори кўрсаткичларда эканлиги аниқланган [6,12,20].

Ушбу санаб ўтилган яллиғланиш цитокинлари қатор бошқа касалликларда ҳам камқонлик ривожланишининг патогенезида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли айрим тадқиқотчилар томонидан ЎСОҚ сурункали касалликлар камқонлиги ривожланиши хос деган фикрлар айтилган [18].

Айрим муаллифлар ёндош касалликлар сабабли беморларга буюрилган ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари антогонистларининг ҳам ЎСОҚ камқонликни ривожланишидаги ўрни тўғрисида айтишган [10,13,15].

ЎСОҚда камқонликни даволаш тўғрисида ҳам ҳозирга қадар аниқ тавсиялар яратилмаган. Айрим тадқиқотларда ушбу гуруҳ беморларда фақат эритроцитлар трансфузияси беморлар умумий аҳволига ижобий таъсир этишини кўрсатишган бўлса [2], бошқалар томонидан кичик дозаларда эритропоэтинни темир препаратлари билан қўллаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган [1,2].

Ўрганилган адабиётлар ЎСОҚ камқонликнинг тарқалиши, патогенетик механизмлари ва даволашга ёндашиш мунозарали эканлигини тасдиқлайди [18]. Шу билан бир қаторда республикамизда ушбу муаммоларни ўрганишга бағишланган илмий ишлар ўтказилмаганлигини ушбу йўналишда тадқиқот олиб боришни долзарблигини белгилайди [8].

